


323

553

321545.11

Сарвар Қодиров

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ
(IV-китоб)



Тошкент-2004

Бобокалонимиз Амир Темур олим, шоир, солномачилар яратган асарларни кўркам ва мевали бокқа қиёслашни хўш кўраркан. Албатта, яхши асар ўқувчига олам-олам маънавий озиқ, завқ беради.

«Мустақиллик масъулияти» туркумидаги IV-китобга муаллифнинг мафкура, маънавият, таълим-тарбия, ахлоқ, илму - фанга оид публицистик мақолалари киритилган. Бундан ташқари, муаллифнинг ҳаёти ва фаолияти, шажараси, волидаи муҳтарамаси, тўплаган тажрибасига доир қизикарли маълумотлар ва ибратли хикоялар ҳам рисоладан ўрин олган.

Республика марказий нашрларида чоп этилган ушбу мақолалардаги фикр-мулоҳазалар ёшлирамиз таълим ва тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади деган фикрдамиз.

Мақолалар тўплами кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

I БОБ

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЊНАВИЯТ

ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИ - ОЛИЙ НЕЙМАТДИР!

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллигини ўзбекистон халқи катта шодиёна билан кутиб олди. Бу йиллар - асрларга тенгдир! Мустақиллик сўзи 13 йилдирки, юртдошларимизнинг тилида ва дилида муқаддас қалом янглиг янграб, турмушимизга тароват, туйғуларимизга фароғат, орзуларимизга қанот баҳш этмоқда. Оталаримизнинг дуолари, оналаримизнинг алласи, шоирларининг шеърлари, устоз-муаллимларнинг сабоги, азиз фарзандларимизнинг орзу-умидлари ва интилишлари шу сўздан нурланади ва кувват олади.

Мустақиллик кўнглилизни мунаввар, орзу-ўйларимизни чароғон, йўлларимизни нурафшон этаётган тенгсиз бир мўжиза, мафтункор бир офтобдир.

Халқимиз яйраб-яшнаб нишонлайдиган, шодлик, қувонч, меҳр-муҳаббат улашадиган турфа байрамлар, тўйтантаналар, фестиваллар, юбилей айёмлари, спорт, санъат, адабиёт, маданият анжуманлари шунчаки оддий тадбирлар эмас, балки Мустақиллигимиз тухфа этаётган шодиёнадир. Буюк бобокалони миз соҳибқирон Амир Темур шундай деган эканлар: «Кудратимизни билмокчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга бокинг». Ўзбекистонимиз 13 йилда эришган ютукларни кўрмоқчи бўлсангиз, Тошкентга келинг, вилоятлардаги шаҳар ва кишлoқларни зиёрат килинг. Осмонўпар, сароймонанд муҳташам бинолар, равон йўллар, катта кўприклар, янги метро бекатлари, қўшма корхоналар Мустақиллик шарофатидир.

Мамлакатимиизда таълимнинг давлат сиёсати даражасига кутарилиши ҳамда ҳукуматимиз томонидан

ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги бежиз эмас.

Жанубий Кореяга борганимда мамлакат ёшлари XXI аср би зининг асrimiz бўлади, деган руҳ билан яшаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзбек ёшлари ҳам албатта шу кайфият билан яшаши керак. Ахир, бизларнинг ҳам томиримизда етти иқлимга донғи кетган алломаларнинг қони оқаяптику. Бизнинг ёшларнинг ҳам кўлидан келмайдиган иш йўқ, менимча, факат уларга шароит ярагилса бас. Иккинчидан, истеъдошли ёшларни излаб топишимиш керак. Маълумотларга кўра, дунёдаги юз нафар одамдан атиги икки ёки учтаси иқтидорли инсонлар ҳисобланаркан. Дунё тараккиётини эса ўшалар белгиламоқда. Мақсадимиз ана шундай ёшларимизнинг қобилиятини юзага чиқари шдан иборатдир.

Юртбошимиз ўзбек ёшлари кўп соҳаларда, жумладан, иқтисод, сиёsat, ҳукуқ жабҳаларида ниҳоятда салоҳиятли эканлигини кўп айтиб ўтадилар. Эндиликда инженерлик соҳасини ривожлантириш вақти келди. Институтимизда иқтидорли талабалар уз қобилияtlарини рӯёбга чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда уларга захираси 365 минг нусхани ташкил этган кутубхона хизмат кўрсатаётir. «Интернет», Электрон почта орқали талабатаримиз дунё билан тиллашмоқда. Бугунги кунда 4300 нафар талабага 430 нафар профессор-үқитувчи илм сирларини ўргатмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, икки йилдан бўён ТАЙИ қошида иқтидорли талабалар ва магистрантлар билан ишлаш факультети фаолият кўрсатмоқда. Мамлакат бўйича факат бизнинг олий ўкув юртимиздагина иқтидорли талабалар алоҳида гурӯҳларга ажратиб ўқитилади. Жорий йилда олийгоҳимизнинг автомобилсозлик, автотранспорт, автомобил йўллари,

иқтисодиёт факультетларига ўнта йўналиш бўйича 800 нафар талаба қабул қилинди. Уларнинг математика ва инглиз тилларидан юқори балл тўплаганларидан алоҳида имтиҳон олинди ва ана шулардан 60 нафари иқтидорли талабалар факультетидаги маҳсус гуруҳларга биритирилди. Институтимизда эса 195 нафар магистрант интеллектуал салоҳиятини оширмоқда. Бир гуруҳ олимларимиз иқтидорли талабалар билан ҳамкорликда изланиб, кейинги йилларда автомобилларнинг тузилиши, ишлаш жараёнларини акс эттирган қўлланмалар, альбомлар, рангли плакатлар ва видеофильмлар яратдилар. Экспонатларимиз нафакат олий ўқув юртлари, балки академик лицей ва қасб-хунар колледжлари учун ҳам ўқув-услубий кўргазмали материал хизматини ўтаб келмоқда.

Бундан ташқари, Москва Давлат техника университети «МАМИ» билан ҳамкорликда қўшма факультет очди. Бигимга кўра, иқтидорли талабаларимиз уч йил Тошкентда, тўртингчи йил эса Москвада ўқишиади ва бакалаврлик дипломини олиб қайтишиади. Лекин талабалар...

Албатта булар биз амалга ошираётган хайрли ишлар улкан орзуларимизнинг дебочаси, холос. Мустақиллик барчамизга илҳом, шавқ-завқ, куч-кувват баҳш этди. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЁРУФ МАНЗИЛЛАР САРИ

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Аёнки, муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалардир. Ушбу вазифаларнинг устувор йўналишлари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада

чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (Т.«Ўзбекистон», 2002 йил) китобида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Бу устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат. Энг мухим устувор мақсад - тенгиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён хам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Иккинчи устувор йўналиш - мамлакатимизда ҳавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадлари миз даҳлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат. Учинчи устувор йўналиш - бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустажкам иктиносидётнинг мухим шарти бўлган эркин иктиносидёт тамойилларни жорий этишдан иборат. Тўртинчи устувор йўналиш - инсон хуқуклари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очикилигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қагозда эмас, амалий хаётда жорий қилишидир. Бешинчи устувор йўналиш - жамият хаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, яъни бу «кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойилини хаётга жорий этиш демакдир. Олтинчи устувор йўналиш - суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттиришидир. Рисолада таъкидлангандек, қонун устуворлигини, инсоннинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, фуқаролик жамиятини қуриш ҳакида сўз бўлиши мумкин эмас.

Ниҳоят, етти нчи устувор йўналиш - барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир, яъни демографик ва бошқа миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат олиб боришидир.

Зикр этиб ўтилган устувор вазифаларни амалга ошириш аввало ўзимизга, олийжаноб мақсад-муддаоларимиз сари оғишмай, қатъият билан событқадам боришимизга, ташаббус ва тадбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва ҳалқ олдидаги бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишим изга боғлик.

МЕҲР-МУРУВВАТ ЙИЛИ МУБОРАҚ БЎЛСИН!

Юртбошимиз 2004 йилни Меҳр-мурувват йили деб эълон қилиш билан саҳоватпеша ҳалқимиз кўнглидаги ҳис-туйгуларни ифода этдилар. Чунки меҳр ва мурувват туйғуси ҳалқимизга хос фазилатdir. Янги йил эса ушбу хусусиятнинг янада жилоланишига ҳизмат килади. Ушбу йилнинг ҳам максади бошқа йиллар (Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Она ва бола, Соғлом авлод, Қарияларни кадрлаш, Обод маҳалла йиллари) сингари инсон манфаатларига ҳизмат қилишидир.

Сиз ва биз учун бирдек қадрли ушбу даргоҳда ҳам мурувват туйғусига ҳамоҳанг савобли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, қалбимиздаги саҳоват булоқлари ҳеч качон сұнмаган. Шунинг учун ҳар доим ёрдамга мухтожларга қўл чўзамиш. Чунки, биз савобталақ ҳалқмиз.

Машҳур адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарағиддинов «Инсон ҳамиша меҳрга мұхтож (у бозорда сотилмайды, ақчага топилмайды, лекин сувсиз, ҳавосиз яшаб бўлмаганидек, меҳр-мурувватсиз ҳам яшаб

бўлмайди)» мақоласида хаммамизнинг дилимизда, тилимизнинг учда турган гапларини чиройли ифодалаган. Олим, жумладан, шундай ёзади: «Ўйлайманки, одамларнинг бир-бирига меҳр кўрсатиши, мурувватли бўлиши пировардида ҳар кимнинг шахсий иши. Ахир ҳеч кимни «сен бирорга меҳр кўрсат» деб мажбурлаб бўлмайди, бу - қалб амри билан бажариладиган иш. Лекин давлат ишида ўтирган ҳар бир мансабдор, ҳар бир амалдор, ҳар бир раҳбар одамларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлишта мажбур, чунки у давлат сиёсатини амалга оширади. Сўз билан иш бошқа-бошқа чикиб қолмаслиги учун меҳр-мурувват фуқаролар ўртасида канчалик кенг амал қиласа, давлат идораларида ҳам оғишмай амал қилиши лозим бўлган бирламчи қонунга айланмоғи керак» («Ўзбекистон овози», 26 феврал, 2004 й.).

Қажрамон олимимиз шу йил 25 марта институтимизда ўтган маънавият кунида ҳам талабаларимизга, жамоамиз аъзоларига бу хақда эҳтиросли, марокли маъруза килди, маънавият бу иймон, эътиқод, виждон, диёнат, бурч, маъсулият, яхшиликка куллик эканлигини алоҳида таъкиллади.

Институтимиз анчадан бери 30-меҳрибонлик уйини ўз оталиғига олган. Ҳозирга кадар унга компьютерлар, телевизор ва кийим-кечаклар совға қилинди. Байрамларда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун айём дастурхонлари ёзамиз. Қўлимиздан келгунча меҳрга ташна кўнгилларга кувонч улашишга интиламиз.

Талабалар уйида яшаётган 109 нафар етим-есир ва кам таъминланган оилалардан келган талабаларга 1 ноябрдан бошлаб ҳар куни эргалаб иссиқ овкат берилмоқда: бу харажатлар 3 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу талабалардан 84 нафарига ноябр ойидан бошлаб

институтнинг «Талаба» жамғармаси хисобидан 3,5 миллион сўмлик ойлик чипталар харид килиниб тарқатилмоқда.

Ҳомий ташкилотимиз «Тошшаҳарийуловчitrans» ўюшмаси-ёши улуғ 15 нафар фидойи профессор-ӯқитувчиларимизни ўюшма фидойиси унвони билан тақдирлади. Демак, энди улар умр бўйи шаҳар транспортидан текин фойдала надиган бўлишди. Бундай бағрикенглик ва муруватни пул билан ўлчаш қийин.

26 нафар ходими миз йил давомида бепул йўл чипталари билан таъминланган (3,6 млн. сўм). Уларга қўшимча равишда 50 нафар нафақадаги профессор-ӯқитувчиларимиз шу йил ноябр ойидан бошлаб йўл чипталари билан таъминланмоқда.

Ҳар йили қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари учун бериладиган ёрдам пул и ҳам 8 миллион сўмни ташкил этади.

Илмий кенгаш қарори билан факат аъло баҳоларга ўқиётган 110 нафар талаба учун ҳар ойлик стипендияси га 4000 сўмдан қўшимча ҳак кўшиб берилмоқда.

Академик лицейнинг 5 нафар аълочи ва 1 нафар бокувчисини йўқотган ўқувчисига ойига 5000 сўмдан «Талаба» жамғармаси стипендияси тайинланди.

15 нафар талабамиз «Экосан» халқаро жамғармасининг стипендиянти бўлишди ва ҳар ойда қўшимча 1000 сўмдан олишади.

Булардан ташқари, институтда фидокорона меҳнат қилаётган профессор-ӯқитувчиларга ва ходимларга ҳар йили сентябр ойидан устама ҳак белгиланади. Фақатги на устозларга белгиланган устама ҳакнинг ўзи 55 миллион сўмни ташкил этади.

Махсус буйруқ билан инстигут профессор-үқитувчиларининг тўй-хашам ва бошқа маросимлари учун одатдагидек 20 минг сўмдан моддий ёрдам берилади.

2003 йилда берилган моддий ёрдамнинг миқдори ҳозирги кунда 94 млн. сўмни ташкил қиласди.

Ўқитувчилар учун 35.435.495 сўм.

Талабалар учун 15.126.755 сўм.

Ходимлар учун 42.739.264 сўм.

Хотин-қиз ўқитувчиларга қулайлик яратиш мақсадида улар навбатчиликдан озод этилганлар.

Азизларим, барчамиз меҳр-шафқат камарини маҳкам боғлаб, бир-биримизга оқибатли бўлишимиз лозим, барчанинг дардига шерик бўлишдек илохий туйғу ҳеч кимни тарқ этмасин.

ИСТИҚБОЛГА ЭЛТУВЧИ ИЛМ СИЁСАТШУНОС ҚУДДУС АЪЗАМОВ БИЛАН БЎЛГАН СУҲБАТДАН СҮНГГИ ЎЙЛАР...

Ўзбекистон телеканалида уюштирилган сухбатда Япония мўжизаси ҳақида Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистрантлари билан дилдан фикр алмашилди. Ёшлиаримизнинг фикрлари теран ва тўғри ҳамда танқидий мулоҳазаларга бой. Бизнингча, яхшилаб ўйлаб олиб япончасига ҳаракат қиласиган давр келди. Президентимиз хар бир нуткларида татьқидлаганларидек: «Агар ёшлиаримиз интилевчан, меҳнаткаш, билимли, маънавий бой бўлmas эканлар, Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлмайди!». Бу ҳакикат. Лекин бунга қандай қилиб эришиш мумкин? «Рахбарларимиз пок, халол, ўта масъулиятли, ватанпарвар, фидойи инсонлар бўлmas экан, ривожланиш бўлмайди. Озига сабр қилиб, Ватан равнақи йўлида жон фидо

қилмас эканлар, келажагимиз йўқ!» Бу адолатли талабни хамма бажаряптими?

Тарихга бир назар солайлик: Япония, Фарбий Германия, Жанубий Қурия иккинчи жаҳон урушидан сўнг қай аҳволда эдию ҳозир қандай? Бу феноменга қандай эришилди? Буни мужиқ за деб атайдилар. Қиска давр ичидагунёдаги энг ривожланган давлатлар каторига кўшилиш сабаби нимада? Бу Фидойилик, поклик-ҳалоллик, тартибинтизом, бурчга садоқат, сабр-матонат билан Ватан равнаки учун яшаш, факат халқ манфатини ўйлаш самарасидир. Маълум бўлдики, Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва муҳтор элчиси ўз фаолиятини 50 долларлик ойлик билан бошлаган, вақоланки бошка раҳбарларнинг ойлиги 20-30 баравар кагта бўлган. Демокчиманки, раҳбар фидойи бўлса, юргулаб яшнайди.

Японияликлар аввал ўз эҳтиёжларини кондириш учун миллий саноатни тиқладилар, яъни маҳсулотлар билан ички бозорни таъминладилар. Ўзлари тўйганларидан сўнг сифатли моллар ишлаб чишиб, чет элларга сота бошладилар. Ҳозирда япон маҳсулотлари (автомобил, телепаратуралар ва ҳ.к.) дунё бозорини эгалтаган десак, муболага бўлмайди.

Бизнесменлар ўртасида бир-бирига бўлган ишонч жуда кучли, чунки Уларнинг қонида алдаш ҳисси йўқ! Миллион долларлик битимлар телефон орқали тузилишига нима дейсиз?! Агар бизнесмен бирор марта ўз сўзининг устидан чиқмаса, бизнес оламини тарк этади. Ана шундай механизм тараққиётни таъминламоқда.

Япония ёшлари нинг ёнига Жанубий Қурия, Хитой ва бошка равожланган давлатларнинг ёшларини ҳам кўшиш мумкин. Бу давлатларнинг ёшлари, XXI - аср бизники

бўлади, бизнинг янги, ажойиб технологияларимиз бутун дунёни эгаллайди, деб яшамоқдалар.

Ўзбекистон ёшларининг дунёқарашлари билан бир танишсак, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Мен 42 йилдан бери ёшларга билим берib келаман. Табиий савол туғилади: «Ҳозирги ёшлар кандай?». Мен иккиланмай айта оламанки, билимга чанқоқлари жуда кам, улар бор-йуғи 1-2 фоизни ташкил этади. Аксарияти факат диплом олиш учун ўқимоқда. Сабаб нимада? Мактабда чуқур билим берилмаяпти! 180-170 балл олиб, институтга тавсия этилган аббитуриентдан $2\frac{1}{3} + 3\frac{3}{4}$ неча бўлади десангиз, у 1 га тенг деб ёзиб берса, айни кимдан қидиришимиз керак? Тест имтихонларини ким олган? Тест маркази! Ана улар жавоб берсин. Тест маркази фаолиятини тестдан ўтказиш керак, назаримда. Ҳақиқатни айтиш керакки, дастлабки йиллар тест билан имтихон олиш адолат мезони бўлди. Лекин йилдан-йилга билим сифати туша бошлади (мен ҳакиқий билимни назарда тутаяпман). Шпаргалкалар тестда муҳим рол ўйнамоқда.

Юзлаб «иктидорли» деб ўйлаган талабаларимиз институтдаги имтихонларда коникарсиз баҳо олиб чиқмоқда. Уларни институтдан ҳайдаб бўлмаса, нима килиш керак? Ўқитиш керак! Деворнинг пойдевори бўлмаса, қулайди-ку! Инстигутда бундай талабаларга ҳафтасига математикадан кўшимча 6 соат, чизма геометриясидан 4 соат, химиядан 2 соат, устига-устак қишики таътилда 15 кун қўшимча дарс берилади. Бундай катта маблағ сарф қилиб қилинган харакатлар, кузда тутилган самарани бераётганий ўқ, чунки талабаларда ўқишига иштиёқ ўқ. Бу муаммони Ўзбекистон Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги чуқур тахлил қилса яхши бўлар эди. Муаллимлар ҳакида кайгуриш керак. Агар

ўқитувчи «бир кило гўшт учун пулни қаердан топаман» деган хаёлда юрса, у ҳеч қачон пухта билим бермайди. Ўқувчи репетиторга бориб, кўр қоридай тест ёдлаб, маҳсус тайёрланган шпаргалкалар ёрдамида баҳосини олиб чиқаверади. Сифат тушаверади. Буларни эътиборга олиб, сессияга Олий таълим вазирлиги ёзма якуний назорат кириди, лекин натижа кўнгилдагидай эмас. Талабаларда батафсил ва атрофлича фикрлаш қобилияти паст. Кўчирмакашлик авжида. Институт тест маркази томонидан олинган якуний назорат ишларининг кўпчилиги бир хил. Чунки, улар битта манбадан кўчирилган. Кўчир-кўчирга йўл қўйсак, ёшларимиз дунёкараши бир қобиққа кириб, қотиб қолади-ку?!

«Нима қилмоқ керак?» деган савол кўндаланг турибди. Назаримда, ҳар бир олий ўқув юртининг асосий фанларидан тест эмас, балки ёзма имтихон киритиш маъқул бўлармиди? Ёки мутахассисликлар бўйича ижодий имтиҳон йўлга қўйилса, ўқувчи кўр қоридек тест ёдламасдан оз-моз бўлса-да, ўзи қизиққан соҳага оид муайян тасаввур ҳосил қилиши учун ўқиб-изланармиди? Энг аянчлиси, ўқувчи ҳам бир амаллаб талаба бўлишни, талаба эса бир амаллаб институтни тугатишни хоҳлайди. Уларнинг бутун дикқат-эътибори ана шунда. Ҳолбуки, толиби илм бутун кучини мутахассислик сир-синоатларини ўрганиш учун сарфлаши лозим. Бунинг учун талабанинг онги ва ниятида табиий эҳтиёж бўлиши айни муддао. Табиий эҳтиёж эса институтгача шаклланиб бўлади. Гарчи ота-она осмондаги ойни олиб берадиган даражада шароит яратса-да, бунга кўнгилда хоҳиш бўлмаса, талаба қучли мутажассис бўла олмайди. Бу аччиқ ҳакиқатни тан олишга мажбурмиз.

Мақсадимиз олий - институтга фақат билимли ўқувчиларни қабул қилишdir. Билимли ўқувчилар,

кейинчалик етук мутахассис бўлиб етишадилар ва Ватан равнақига ўз хиссаларини кўшадилар. Гоҳида жуда алам қилади. Ўзбек ёшлари (аксарияти) нега локайд? Кўпам Ватан олдидаги бурчни тушунмайдилар! Ота-онасининг ғамхўрлигини қадрламайдилар! Давлатимиз яратиб берган имкониятлардан тўлаконли фойдаланишмайди! Кўнгли мни мураккаб, жавобсиз қийин ва адоксиз саволлар ўртайди. Ёшларимизнинг саёз билимга эга эканлигининг айбори ўқитувчилармикин, деб ўйлайман. Шунинг учун янгитдан қабул қилинаётган педагогни қатъийлик асосида сұхбатдан ўтказаман. Билими қотиб қолган ўқитувчилар ўз устиларида ишламасалар, баҳридан ўтамиз. Мамнуният билан айта оламанки, институтимизда кучли педагог-ўқитувчилар жамоаси шаклланган.

Муаммонинг яна бир томони борки, талабанинг ўзида интилиш, изланиш, хайриҳоҳлик, қизиқиш бўлмаса, ўтилаётган фанлар қулоғига кирмайди. Яна такрор айтмоқчиман, истеъододлар танланиб қабул қилинмас экан, бу муаммо очиқлигича қолаверади.

Мақсадимиз баркамол инсонни тарбиялашdir. Унинг асосий шартларидан бири билимдонлиқdir. Юрбошимиз баркамол инсоннинг тўрт жихатига ургу беради:

-ўз ҳақ-хуқукини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

-ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини курсин;

-атроғида содир бўлаётган воқеаларга мустақил муносабат билдира олсин;

-шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин (Ислом Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т. «Ўзбекистон», 2000 й. 232-233 б.).

Комилликка интилиш ички эҳтиёжнинг мевасидир. Чунки инсон ўз камчилик ва нуқсонлари, нафсини өнга олсагина, баркамолликка етишади. Бу биринчи галда ўз-ўзини тарбиялашдан ва устозлар берган билимни қалбга жо қилишдан бошланадиган жараёндир. Комиллик – бу мартаба.

Азизиддин Насафий ёзади: «Комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги түрт нарса камолотга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Кўриниб турибдики, ушбу сифатларга эга инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Аксинча, обру-эътиборли, ошиги олчи ва бири икки бўлади. Фарзандларимизни баркамол инсон киёфасида кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

МАҲНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Агар мендан XX асрда Ўзбекистонда рўй берган энг буюк воқеа нима, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан Ватанимиз мустақиллигига эришилганлиги, деб жавоб берардим.

Мустақиллик - бу содда қилиб айтганда, ўз юртига эгалик ва истиқболини белгилаш хуқуқидир. Мустақиллик бу - озод мамлакатнинг дунё ҳаритасида намоён булиши ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг хуқуқли аъзоси сифатида қайд этилишидир.

Мустақиллик бу - қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, елкамизга офтобнинг тегишидир.

Мустақиллик ҳам маънавиятдир. Мазкур буюк қадриятни асраб-авайлаш, ҳар биримизнинг эътиқодимизга айлантириш, ҳаёт мазмунини у Билан белгилаш маънавий ҳодиса эмасми? Маънавият бу инсон тафаккурининг янгиланиши ва кўнгил ободлигидир. Қалб гўзаллиги, бунёдкорлик ва эзгуликка иштиёқ ҳам

маънавиятдир. Албагта, ҳар бир инсоннинг нияти қўнглида акс этади. Қўнгил эса маънавият каъбасидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ватан ободлиги қўнгилдан бошланади.

XXI асрда маънавият - биринчи даражали масалага айланиши муқаррар. Маънавият, бу - имон, эътиқод, виждон, бурч, масъулият, халоллик, диёнат билан бирга маданият, маърифат, мафкура, эстетика, этика, гўзаллик ва ёруғ олам ҳам демакдир.

Авваламбор, Яратганинг даргоҳида барча ҳалқлар, миллатлар тенгdir. Аммо, ҳар бир ҳалқнинг факат ўзигагина хос бўлган хусусиятлари борки, у бой ўтмиш, қобилиятили фарзандлар, миллий услуб, қадрият ва фазилатлар, тафаккур тарзи, хулк-атворда намоён бўлади. Ушбу жиҳатлар барча ҳалкларда турличадир. Жумладан, ҳалқимизнинг буюк тарихи, оламшумул кашфиётлари билан донг таратган аждодлари, бетакрор, охори тўқилмаган хусусиятлари, урф-одатлари, қадриятлари фаҳранишга арзигулиkdir.

Миллий ифтихор туйғуси қалбимизни бир зум бўлсада тарк этмаган. Бу туйғу Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий каби боболаримиздан мерос. Бу - табиий конуният. Миллий ғурурни ўзбек деган миллатнинг гултожини безаб турган марварид доналари, деб аташ мумкин.

Гап шундаки, азалдан бирор миллатни ер юзидан йўқотиш ёки попугини пасайтириш учун, аввало унинг миллий ғурури ёки маънавиятидан маҳрум қилишган. Бу каби ҳодисалар бизнинг миллатимиз бошидан ҳам ўтди. Мустақилликка эришгач, биринчи галдаги интилишларимиз мозийни, шон-шавкатимизни, миллатимиз жамолини жаҳонга қайтадан кўрсатишдан иборат бўлди.

Миллий ғуур - маънавият мевасидир. Содда қилиб айтганда, миллий ғуур - ўзбеклигидан, мустақил мамлакат фуқароси эканлигидан, дунё цивилизациясини тебратган бешик бўлмиш ватанда туғилиб ўсганлигидан, буюк аждодлар вориси эканлигидан фахрланиш ҳиссидир. Ҳисоб-китоб илми - Хоразмийдан, астрономия - Мирзо Улугбекдан, география-геодезия - Берунийдан, ҳадисшунослик - ал-Бухорийдан, тафсир - ал-Мотуридийдан, тиббиёт - Ибн Синодан, тасаввуф - Абдуҳолиқ Фиждувонийдан, давлатчилик илми - Амир Темурдан, луғатшунослик - Маҳмуд Қошғарийдан, ахлоқшунослик Аҳмад Юғнакийдан куч-қувват олганини билиш, англаш ва бу билан ғурурланиш туйғусидир. У нафақат узоқ ўтмишдаги алломалар, балки хозирда ижод қилаётган миллат фахри бўлмиш етук шахслар, яъни бугунги кун қаҳрамонлари билан ҳам ифтихор қилиш ҳиссидир.

Миллий ғурурнинг мухим шарти, у фақат юракдагина қолиб кетмасдан, аждодларга муносиб ворислик сифатида ҳаётдаги ўқиш ва изланишда муваффакиятлар бўлиб инъикос этиши лозим.

Ҳеч шубҳасиз айта оламанки, ҳалқимиз ирсиятида ноёб қобилият ва ўткир зеҳн мавжуд. Тарихий тажриба ва бугунги кун таҳт илидан маълумки, истеъдод булоқлари ҳеч қачон куриб қолмаган. Аксинча, асрлар давомида янги номлар, янги қашфиётлар ва нодир асарлар бўлиб бўй курсатган.

Юрбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам истеъдодли ёшларга ғамхўрликдир. Бундан ташқари, Президент «Ёшларга ишонаман, уларга таянаман, умидим улардан» дейиш билан бирга, истеъдодли ўғил-қизларимизга зарур шарт-шароит яратиб бермокдалар.

TO'QUV ZALI

Академик Оқил Салимов фикрича, истеъдодсиз одам бўлмайди. Фақат қобилиятни юзага чикариш учун шартшароит яратиш ва ёшларни доимо рухлантириб бориш лозим.

Бизнинг ёшлар янги асрга буюк аждодларимиз руҳи қўллаб турган бир авлод сифатида кириб бормоқда. Улар ўзбек ҳалқининг – буюк ўзбек дарахтининг XXI асрга қараб ўсаётган шоҳлари, мева берадиган тугунчалариидир.

Биз XXI асрга ҳалқимизнинг авлод сифатида берадиган меваси булик ва ширин бўлишига ишонамиз. Чunksи, ўзбек миллатининг илдизи бақувват.

Хўш, ўтган даврда мустакиллик кишиси шаклландими? Президентимиз айтгани сингари, кўзи очиқ, ҳалол, пок, ўз ҳалқининг асл фарзанди бўлган, миллий анъаналарни, Ватан манғафтларини унутмаган, чет тилларини биладиган, умуминсоний муносабатларда ўз мавқеини яхши англаған ўзбек йигити ва ўзбек қизи пайдо бўлди. Биз янги замон одами деб атаётган бу авлодни мустакиллик берди. Янги замон одамларига бирор, эртани ўйла, деб айтиши керак Эмас. Унинг ўзи табиатан эртани ўйлаши, фикрлаши, мустакилликнинг моҳиятини теран англамоги зарур. Ва биз бугун шундай одамлар борлигини куриб, ҳис этиб турибмиз. Мустакиллигимиз масъулияти ҳам фидойи, бунёдкор ва ватанпарвар, фурурли одамлар елкасида. Бу изжобий ўзгаришлар хусусида Юргашимиз Вазирлар Маҳкамасида булиб ўтган мажлисда шундай деб таъкидлайдилар: «Одамларимиз янги шароитларда ишлаш тажрибасига эга була бошладилар. Кўпчилик раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиати, психологияси ўзгарди. Бутун дадил айтиш мумкинки, республика, вилоят ва ишлаб чикариш даражасида ислоҳотчилар гурухи – эътиқоди бир маслакдош кишилар гурухи шаклана бошлади. Бир йўналишда, ҳамжихат булиб, умумий мақсад дастурига

амал қилған ҳодда ишлайдиган кишилар гуруғи пайдо бўлди. Бу инсонлар учун давлат манфаатлари, халқ манфаатлари ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир».

Қийинчиликлар бор. Улардан ҳеч ким кўз юмаётган ийӯқ. Фақат уларни ен гиш керак. Лекин узоқ Австралияда ҳам қаёқдансан, деб сўрашганда Ўзбекистондан деб жавоб берсанг, улар ҳам хурсандчилик билан Ўзбекистон барқарор давлат, у тинчлик вагани деб баралла айтиётир. Мамлакатимиздаги баркарорлик ҳам катта ютуғимиз.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан маънавият умумдавлат сиёсати даражасига кутарилди. Маънавиятимизнинг энг теран илдизларидан, ўқтомуирларидан бири, албатта, Амир Темур сиймосидир.

Таассуфки, Темур сиймоси биздан якин вақтгача бекитиб келинган! Темур ҳакидаги ёзма манбаларни урганиб борсангиз, шуро мағкураси фақат бизгагина Соҳибқирон номини ман килиб кўйгани маълум бўлади. Ҳолбуки, жаҳон афкор оммаси, маърифатли олам Шарқ маънавиятини, жумладан, Темур сиймосини ҳам урганишдан, у ҳақда асарлар яратишдан ҳеч қачон тұхтамаган. Якинда инглиз темуршунос олимаси Хильда Хукэмнинг «Соҳибқирон» номли китоби нашр этилди. Бу китобнинг муҳим ажамиятларидан бири шундаки, Буюк Британия энциклопедиясининг Темурга бағишлиланган бобиана шу асар асосида яратилған.

Соҳибқирон Темурнинг таҳсинга сазовор ишларидан бири - у Ҳиндистондан Болқонгача бўлган салтанатида каттиқ интизом, тартиб үрнатган. Ўғрилик, қароқчилик ва ёлғоннинг пайи қирқилған. Темур хазратлари каерда қи ўғрилик, қароқчилик бўлса, масъулиятни ўша ерниңг ҳокимиға юклайди. Ҳоким ўз арконлари билан ё ўша конунбузарни топади ёки йўқолған молни 10 баравар килиб ўзининг ёнидан тўлайди.

Шуни айтиш лозимки, бизни Темур бобомиз руҳи қўллаб турибди. Лекин бу гаглар шунчаки баландпарвоз гаплар эмас. Бунинг хаммаси – аниқ ва бор ҳақиқат. Яъни, Темур бизнинг мудрок ғуруримизни уйғотди. Шунинг ўзигина бобомизнинг руҳи бизни қўллагани эмасми? Юрт Соҳибқирон сиймосини мамлакатимизга, ҳалқимизга қайташи учун Темурнинг ўзидек катта жасоратга эга зотга муштоқ эди. Ана шундай зот Президентимиз Амир Темурни миллий қаҳрамонимиз, тарихимиз бунёдкори, энг буюк жаҳоншумул сиймолардан бири сифатида ҳалқимизга қайташишдек савобли ишнинг бошида турди.

Мустақиллик бизга нима берди, дейилган саволга, у бизга бир қатор тарихий воқеалар қатори бобомиз Амир Темурни, Имом Бухорийни, Ал-Фарғонийни, Мангубердини ҳам қайтиб берди дейишимиз тўғри бўлади.

Мустақиллик - маънавият булоғидан тўйиб-тўйиб ичиш имконини берди. Устозларга қаратиб Алишер Навоий томонидан айтилган ушбу байтни яна бир эслагим келади, чунки у маънавият нурларини сочишга даъватдир.

*Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб туфроққами кетгумдир охир.*

ёки

*Одами эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ ҳалқ ғамидин ғами.*

Ҳар бир олим, ҳар бир мураббий, ҳар бир ўқитувчи, декан, проректор, ректор ёшлар ғами билан яшаши айни муддао. Керакли билимни ёшларга бермасдан узи билан олиб кетадими?

Бакалавриатуранинг айрим талабалари билан суҳбат қурғандаFaфур Фуломнинг ушбу сатрлари эсга тушади

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.*

Мен айрим ночор-нотовон талабаларни етим бүтага ўхшатаман, чунки улар халка-халка ёш билан домлалар кетидан «Баҳо қўйиб беринг» - деб юрадилар. Баъзи бир нопок домлалар эса билим бериш ўрнига уялмай-нетмай «сокқадан чўз» дейди.

Шу пайтгача Оллоҳни эсламай юрганлар эса қуйидаги байтни ўқиб йиғлайдилар.

*Ярқираб юлдуз ёнадир, тун қора бўлган сайин,
Ёдимга Тангрим тушар, баҳтим қаро бўлган сайин.*

Талабалар ҳам имтиҳонга тайёрланмай, баҳо ололмай баҳти қаро бўлган қуни ёдига Оллоҳни олади. Мен хоҳлар эдимки, уларни қалбida Оллоҳ ҳар сонияда бўлсин, баҳти қаро бўлмасдан илмга интилсин.

Пушкиннинг замондоши Гнедич: «Шоирлар бармоқларини сўриб тамадди қилувчи айкларга ўхшайдилар», - деган экан. Мен эса «шоирлар» ўрнига «замонавий олим» деб ёзган булар эдим. Олим завқли меҳнат жараёнида ўзини нихоятда баҳтиёр ҳис этади. Мендан: «Энг баҳтли кунларингиз қайси?» - деб сұрасалар, «Дарслигим нашриётдан чикқан кун», - деб айтган бўлардим. Олимлар осон хаёт кечирмайдилар, машаққат уларнинг ҳамроҳи. Александр Блок ўзининг «Шоирлар» деб аталган шеърида зиёлилар, жумладан олимлар ҳаётини тасвирлаб, уларнинг устидан куладиган бойваччаларга қуйидагича истеҳзоли мурожаат килади:

*Сенга хотинингу ўзинг бўлсанг бас,
Ўз конунларинг бор, сен шундан мамнун.
Аммо шоир эса отам ичра маст,
Қалбига сифмайди, етмайди конун.*

Гёте ижод жараёнини қуйидагича изоҳлайди: аввал соддалик, кейин мураккаблик ва яна соддалик. Бир француз олими: «Истедод - бу дид», деган экан.

Кейинги йиллар институтимизда илмий ишларда ва янги педагогик технологияларда ривожланиш бўлди. Бу - ёшлар меҳнатидир. Бу ишларда ёшларнинг ўз мустаҳкам ўринлари бор. Уларни асрар-авайлаб, ҳакикий ижод йўлига бошлишимиз керак. Бу - устозларнинг Ватан олдидаги бурчи.

Агар мендан: «Ижодкор учун энг муҳим фазилат нима?» - деб сўрашса: «Истеъдод, сўнгра меҳнатсеварлик», - дердим. Ижод - бу йўқ жойдан барпо қилиш демак.

Беруний бобомизнинг «Ким факат аждодларга суюниб мақтандоғлик қиласа, у ҳурматга лойик эмас. Аждодлари ишини юксалтиришгина мақтовга арзиди», - деган фикри бугунги кун учун бирдек ахамиятлидир.

ОЛИМЛИК МАШАҚҚАТЛАРИДАН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГАЧА

Олим зоти борки, ўз илмий фоялари асосида ихтириолар яратади, асарлар ёзади ва ўз ижодий меҳнат маҳсулининг ҳимояланишини хоҳлади. Чунки бу асарларнинг ҳимояланиши олимга янгидан-янги ижодий асарлар яратишда илҳом бахш этади. Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқукини ҳимоя қилишга каратилган катор қонунлар қабул қилинган ва амалга тадбик этилмоқда. Аммо ҳар бир ижодга даҳлдор инсон ушбу қонунларни билиши, кези келганда ўз ҳуқуқларини ҳимоя кила олиши фойдадан ҳоли эмас. Бу бир томондан ҳуқукий саводхонлик демакдир. Азиз ўкувчим, бўш вакт топиб, муаллифлик ҳуқукини ипидан игнасигача ўрганишни ихтиёр этдим ва ушбу қоралама вужудга келди.

Ўзбекистон Конституциясининг 29-моддасида белгиланганидек, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқукига эга. Бу кафолатлар ҳар бир инсонга ижод билан шуғулланиш ва муаллиф бўлиш ҳуқукини

беради. Конституция асосида кабул қилинаётган қонунларимиз муаллифларниң хуқуклари ва ижод қилинган асарлар ҳимоясини таъминлашга қаратилмоқда. Маънавий мулкка оид фаолиятни тартибга солишда бевосита муаллифлик хуқуқи фан, адабиёт, санъат асарлари, саҳнага қўйиш, ижро этиш, ёзиг олиш, тўлкин ва сим орқали қўрсатувлар узатиш ташкилотларига тегишли маҳсулотлар ва улардан ҳар қандай кўринишда фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар муаллифларнинг қонуний-шахсий ва мулкий хуқуклари, муаллифлик хуқуқини жорий қилишда, амал қилиш муддатларини аниклашда, асарлардан фойдаланишда норма сифатида белгиланади.

1995-1996 йилларда Ўзбекистонда бевосита муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқукларини ҳимоя килишга қаратилган конун ва Фуқаролик Кодекси қабул килинди. Кодекснинг бир катор моддаларида муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқукларга оид нормалар белгиланди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳам мустақилликнинг дастлабки қунлариданоқ ўзининг ички ва ташқи сиёсатига оид дастурида интеллектуал мулк ижодкорлари, уларнинг ижтимоий масалаларига эътибор билан қаради. Бу ҳакда дастурида қуйидагича белгиланган: «Ижоднинг барча соҳалари ривожланishi, одамлар кобилияти ва имкониятларининг очилиши, интеллектуал мулк ҳимояси учун шарт-шароит яратиш, интеллектуал потенциални ривожлантирумасдан туриб ҳақиқий мустақилликни ва Республикализнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш мумкин эмас. Онгли одамлар онгида чуқур ва аниқ тафаккурни шакллантириш лозим».

Албатта, ЭҲМ учун дастурлар, янги рақам ва сигналли технология, аудиовизуал асарларнинг кейинги

куринишлари, «Интернет» тизимидағи ахборотлар олиш соҳаларининг ривожланиб бораётганилиги, шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг мулкий ва маънавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб ҳуқуқий масала бўлиб бормоқда.

Муаллифлик ҳуқуқига риоя этишни таъминлашда бир қанча муаммолар ҳам мавжуд. Муаллифларимиз бир томондан ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари, фуқароларнинг муаллифлик ҳуқукига доир адабиётлар билан таъминланмаганлиги, тарғибот ва тушунтириш ишларининг паст даражада йўлга қўйилганлиги муаллифлик ҳуқуқига оид давлат сиёсатини юритишида қийинчиликлар туғдирмоқда.

Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунларни куйидаги тизимда жойлашириш мумкин:

1. **Муаллифлик** ҳуқуқига оид бўлган ҳалқаро ҳуқукий ҳужжатлар
- (конвенция, шартнома, битим ва бошқалар).
2. **Муаллифлик** ҳуқукини белгиловчи қонунчилик асослари (фуқаролик кодекси).
3. **Муаллифлик** ҳуқуқига оид барча қоидаларни мужассамлаштирган қонунлар (муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун).
4. Алоҳида категориядаги муаллифлар ҳуқуқларини белгиловчи қонунлар (шаҳарсозлик ва архитектура тўғрисидаги, ЭҲМ учун ишлаб чиқилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида, журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунлар ва х.к.).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1997 йил 1 марта амалга киритилди. Кодекснинг деярли барча бўлимларида интеллектуал мулкка, хусусан муаллифлик ҳуқуқига оид нормалар белгиланган. Айниска, Кодексда бевосита интеллектуал мулкка оид

қоидалар алохидар IV-бўлимда берилишининг ўзи ҳам муаллифлик ҳуқукига катта эътибор берилаётганлигидан далолатдир.

Янги Фуқаролик Кодекси муллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари нинг бевосита химоясига қаратилган бўлиб, келгусида алохидар категориядаги янги қонунлар қабул қилинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Муаллифлик ҳуқукига оид барча қоидалар мужассамлаштирилган алоҳида қонун-«Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги 1996 йил 30 август кунида қабул қилинган қонундир.

Муаллифлик ҳуқуки. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари. Бу ҳуқуқлар моддий кўринишга эга бўлмай, муаллифлик номини тан олиш, номига бўлган ҳуқуқ, эълон килиш ҳуқуқлари ва бошқалардан иборат. Узбекистон Фуқаролик Кодексининг 1051-моддаси, қонуннинг 17-20-моддаларида муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мазмуни берилган. Бунда, асар муаллифига куйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишли дейилади:

- муаллифлик ҳуқуки;
- муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ;
- асарнинг даҳлисизлигига бўлган ҳуқуқ.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Муаллиф ўз асарига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқукига эга. Агарда асарга авторнинг розилигисиз бирон-бир шахс томондан ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилса, муаллифлик ҳақ-ҳуқуқлари химоя қилинади.

Муаллифнинг мулкий ҳуқуқларидан бири, бу асарни эълон қилиш ҳуқуқидир.

Муаллифи аниқ бўлмаган тақдирда доирадаги шахслар асардан фойдаланиш ва эълон қилиш ҳуқуқига эгадир (қонуннинг 21, Кодекснинг 1055-моддаси).

Юқоридаги кўрсатилган муаллифнинг шахсий номулкӣ ва мулкий ҳуқуқларига оид барча қонуний талаблар хизматга доир асарлар ёки бир неча муаллифлар (ҳаммуалифлар) томонидан ижод қилинган асарларга ҳам бирдек тадбик этилади. Бунда асар бир бутунни ташкил этиши ёки ҳосила асар эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи интеллектуал мулкка оид фан, адабиёт ва санъат асарлари, саҳнага қўйиш, ихтиро, ёзиб олиш, тўлқин ва кабел орқали кўрсатувлар узатиш, эшиттириш ташкилотларига тегишли маҳсулотлар ва улардан фойдаланиш нагижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатларда муаллиф, яъни ҳуқуқ эгаси (жисмоний ёки юридик шахс), меросхўрлар, халқаро ташкилотлар, хорижий фуқаролар, юридик шахслар, давлатлар иштирок этиши мумкин. Амалдаги қонунчилик ва халқаро шартнома (конвенция)ларга кўра, қўйидагилар муаллифлик ҳуқуқининг обьектлари ҳисобланади:

- бадиий асарлар;
- дарсликлар, луғатлар;
- драматик ва мусиқали-драматик асарлар, саҳна асарлари;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;
- аудиовизуал асарлар (кино-теле ва видеофильмлар, сурат фильмлар, диафильмлар ва бошқа кинотелеасарлар);

-рассомлик асарлари, хайкалтарошлиқ, сураткашлик, бадий безак, суратли ҳикоялар, қиска текстли расмлар серияси, бошқа тасвирий санъат асарлари;

-амалий безак ва манзарали санъат асарлари;

-меморчилик, шаҳар қурилиши ва истироҳат бўғ қурилиши санъат асарлари;

-фотография асарлари ва фотография усулига ўхшаб олинган асарлар;

-журофия асарлари ва шунга ўхшаш асарлар;

-электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) дастурлари ва бошқа асарлар.

ЭҲМ учун дастурни қўриқлаш, ЭҲМ дастурларининг барча турига, шунингдек, барча тилларда ва ҳар қандай шаклда ифодаланган ёки моддий шаклда ифодаланганидан қатъий назар, бошловчи, матн ва объектив кодли амалий дастур ва операцияли тизимларга жорий қилинади.

Муаллифлик хуқуки обьектларига, шунингдек, қўйидагилар киради:

-ҳосила асарлар, яъни таржима ва қайта ишловлар, такризлар, рефератлар, қиска хуносалар, шархловлар, томоша, мусиқа мослаштирувлари ва бошқа фан, адабиёт ва санъат асарларининг қайта ишловлари;

-асарлар тўплами, яъни қомус, антология, маълумотлар йиғиндиси ва ижодий меҳнат натижасида материалларни танлаш ва жойлаштиришга оид бошқа таркибий асарлар.

Кодекснинг 1043, конуннинг 7-моддасига кўра, муаллифлик хуқуки билан қўриқланадиган асарлар талабларини қаноатлантирувчи асарларнинг қисмлари, уларнинг номи ва ҳосила асарлар муаллифлик хукуки обьектларидир.

Ҳосила асарлар жумласига қўйидагилар киради:

-бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида хосил бўлган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хуносалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги шунга ўхшаш бошқа асарлар);

-таржималар;

-материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумот базалари) ва бошқа жамлама асарлар.

Кўйидагилар муаллифлик ҳукуки объектлари ҳисобланмайди:

-расмий хужжатлар (қонунлар, суд қарорлари, қонунчилик, маъмурий ва суд характеристидаги бошқа матнлар) шунингдек, уларнинг расмий таржималари;

-давлат рамзлари ва белгилари (байроқ, герб, гимн, орден, медаллар, пул бирлиги белгилари ва бошқалар);

-халқ оғзаки ижоди асарлари;

-ахборот характеристига эга бўлган воқеалар ва фактлар хақидаги маълумотлар.

Қонуннинг 16, Кодекснинг 1050-моддаларига кўра, алоҳида муаллифлик ҳукуқининг эгаси ўзининг ҳукуқларини кучайтириш мақсадида асарнинг ҳар бир нусхасида кўрсатадиган;

-айланма ичида ёзилган «С» ҳарфи;

-алоҳида муаллифлик ҳукуқи эгасининг исми (номи);

-асарнинг биринчи марта чоп этилган йили кўрсатилган уч элементдан иборат бўлган муаллифлик ҳукуқининг кўлланиши белгиларидан фойдаланиш ҳукуқига эга.

Ўзга далиллар бўлмаган тақдирда асарнинг асли ёки нусхасида кўрсатилган муаллиф шу асарнинг муаллифи ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи амал қилиш соҳасига кўра:

-муаллифларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг фуқаролигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади;

-Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

-Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга тадбиқ қилинади ҳамда давлатларнинг фуқароси бўлган муаллифларга тегишли деб тан олинади. Бу норма Конвенция ва халкаро шартномаларда «миллий режим» нормаси деб ўрнатилган. Агарда, Ўзбекистон бирон-бир Конвенцияга аъзо бўлиб қўшилса, ўша кундан эътиборан республикада ҳорижий муаллифлар ҳуқуклари ва асарлари ҳимоясига киришилади.

Муаллифлик ҳуқукининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши (қонуннинг 36, Кодекснинг 1063-моддалари)деб, биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон-bir объектив шаклда унинг ҳудудида турган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки муаллифларга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъий назар, муаллифнинг бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Муаллифга халкаро шартномаларга мувофиқ ҳуқукий ҳимоя берилиши вактида асарнинг чет давлат ҳудудида чоп этилганлиги тегишли халкаро шартнома қоидаларига биноан ўрганилади.

Шунинг учун ҳам қонуннинг 30-моддасида, башарти Үзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Үзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар тұғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланған бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади, деб мустаҳкамланган.

Муаллифлик ҳуқуқи амал килишининг бошланиши деганда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи чоп этилганлиги ёки этилмаганлигидан қатъий назар, учинчи шахслар иштирок эта оладиган объектив шакл берилган вактдан бошлаб амал килишга тушунилади. (қонуннинг 37, Кодекснинг 1064-моддалари). Оғзаки асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахсларга маълум қилинган вактдан бошлаб амал қиласди.

Қонуннинг 38, Кодекснинг 1065-моддаларига кўра, республикамизда муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя этиш муддати қуийдагича белгиланган:

-муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бугун ҳаёти давомида **ва** муаллиф вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қиласди.

-ҳаммуаллифликда ижод қилинган асарга бўлган **муаллифлик** ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бугун ҳаёти давомида **ва** ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр курган шахс (муаллиф) вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Бунда биринчи вафот этган **муаллифнинг** ҳимоя муддати у вафот этган кундан бошлаб эллик йилдан ортиқ вақт ўтгани аҳамиятга эга эмас. Вафот этган биринчи муаллифнинг меросхўрлари эса охири вафот этган муаллиф учун вафотидан белгиланган эллик йиллик ҳимоя муддати давомида тегишли ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Муалифлик, муалифнинг исм-шарифи ва асарнинг дахисизлиги, яъни муалифнинг шахсий номулкий хукуклари муддатсиз ҳимоя қилинади. Бу хукуклар бошқа шахсларга ўтказилмайди.

Асарга бўлган муалифлик ҳукукининг амал килиш муддати тугаганидан кейин асар ижтиомий мулкка айланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон ҳимоя билан таъмин этилмаган асарлар ижтиомий мулк ҳисобланмайди.

Муалифлик ҳукуқида ҳуқуқбузарликнинг бир нечта тури мавжуд.

Ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланган тақдирда қоидабузар ҳуқуқ эгасига етказилган заарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши лозим. Ҳуқуқ эгаси қоидабузардан ўзи курган зарар ўрнига унинг қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳакли:

-хукуқни таҳ олиш;

-хукуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳукуқни бузадиган ёки бузилиш хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

-олинмай қолган фойда билан бирга келтирилган зарарни қоплаш;

-хукуқий муносабатни бекор килиш ёки ўзгартириш.

Қонунчиликда назарда тутилган муалифлик ва турдош ҳукуклар бузилган ҳолларда фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарлик келиб чиқиши мумкин.

Қонунчиликка кўра, муалиф ва турдош ҳукуклар бузилганини тўғрисида етарли асослар бўлганда суриштирув органи, прокурор ёки суд қонунчиликда белгиланганидек тақдим қилинган ёки келгусида тақдим қилиниши мумкин бўлган фуқаролик даъвосини

таъминлаш, шунингдек, мулкнинг мусодара килинган кисмига оид ҳукмни ижро этиш, конунсиз деб тахмин килинган асалар ва ёзув нусхаларини қидириш йўли билан ва уларни тайёрлаш ҳамда фойдаланиш учун мўлжалланган ашё, воситаларни лозим холларда эса олиб қўйиш ва уларни ишончли сақлашга топшириш йўли билан хатлаш чораларини кўришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 149-моддасида муаллифлик ёки ихтирочилик ҳукукларини бузишга тафаккур мулки обьектига нисбатан муаллифлик ҳукукини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбураш, шунингдек, тафаккур мулк обьектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунча ёки эълон килингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш-энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробаридан етмиш беш баробаригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

ЭРК ВА ИСТИҚБОЛ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон халқи ўз Конституциясига асосланиб, улуг аждодлар анъаналари, баркарорлик, миллатлараро ахиллик, фукаролар тотувлигини мустаҳкамлаб, авайлаб асраб, янги тарихий шароитда келажакни курмоқда. Миллий давлатчиликни тикламоқда.

Ўзбекистон Янги Конституцияси ўзига хос хусусиятлари билан диққатга сазовордир.

Биринчидан, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат ҳукукий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик илмини ўзида мужассам этган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Конституциясининг ўзбек халки маданияти ва миллий анъаналарининг чукур илдизларига суюнганлиги ҳам унинг ўзига ҳос мухим хусусиятидир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасидаги аввалги ижтимоий-иктисодий, давлат-сиёсий тизимидан амалда бошқа тизимга ўтилғанлигини, тубдан янгиланиш рўй берганлигини конституциявий расмийлаштириши билан ажralиб туради. Яъники, «социалистик» ўтмишдан, собиқ совет тоталитар тизимидан воз кечган ҳолда, ижтимоий онг давлатлашиб кетган умумхалк мулкчилигини ижтимоий тараққиётта тұғаноқ сифатида инкор этиб, хусусий мулкни, иктисодий эркинлик ва якка тартибдаги тадбиркорликни тан олди. Янги Конституция моҳиятининг ўзига ҳос томонлари ана шу омиллар билан белгиланади. Демокчиманки, Ўзбекистон Республикасининг Конституяси мазмунан янги, принципиал – сиёсий ҳужжатdir.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи асосий тамойиллари ҳам эътиборга лойикдир!

Давлат суверенитетининг мазмунин Конституцияда ўз ифодасини топган ва жуда аниқ очиб берилган. Чунончи I-бобда «Ўзбекистон суверен демократик республика» эканлиги мустаҳкамлаб берилган. Конституцияда давлат хокимияти, бир томондан, мамлакат ичидаги устунлик ва мустақилликка эга бўлса, иккинчи томондан, ташки сиёсат, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатда ўзи эркин, мустақил иш юритиши белгилаб қўйилган. Давлат ўз ҳудуди ва миллий бойликларига нисбатан энг олий ҳуқуқка эгадир. «Ўзбекистоннинг чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир» (3-модда). Ўзбекистон Республикаси мустақил равишда ўзининг миллий давлат

ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимиятни ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташки сиёсатни амалга оширади, республика Конституцияси ўз худудида устунликка эга бўлган конунлар қабул қиласди.

Халқаро доираада Ўзбекистон Республикасининг устунлиги ва мустаҳкамлиги унинг давлатлараро мулоқотларининг тулақонли ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомига асосланади. Конституция Ўзбекистон давлатининг халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини таъминлайди.

Янги Конституцияда халқ азалдан орзу қилган, ўз тақдирини ўзи белгилаши қоидаси мукаммал тарзда ўрин олган. Шу боис у халқ ҳокимияти тамойилига асосланади ва уни мустаҳкамлайди. Халқ ҳокимияти деган ибора бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халқни эканлигини англатади. Халқ ҳокимияти ўз вазифаларини ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширади. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Конституцияда давлат ўз фаолиятини халқ манфаатларини, жамият фаровонлитини кўзлаб амалга оширади, деб белгилаб кўйилган.

Асосий конунда халқ ҳокимиятининг реал омиллари кўрсатиб берилган. Халқ сайлов йўли билан вакиллик ҳокимияти органларини тузади, мамлакат Президентини сайлайди, умумхалқ муҳокамаси ва референдум орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда, карорлар қабул килин ишида иштирок этади (9-модда). Шу тарзда халқнинг суверен ҳоҳиш-иродаси, унинг ўз давлат ҳокимиятини рӯёбга чиқариш усуллари конституциявий йўл билан мустаҳкамланади.

Шуни ҳам алохидат таъкидлаш жоизки, демократизм янги Конституциянинг асосий тамойили хисобланади. Конституцияда инсонларвар демократик ҳукукий давлат барпо этиш назарда тутилган. Чунки ҳалқнинг турмуш тажрибасига республика ахолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гурухлар ва катламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳукукий демократия принциплари ни қарор топтириш янги демократик, адолатли жамият қуришда ута муҳим сиёсий ахамиятга эга бўлган вазифадир.

Шу сабабдан ҳам Конституциянинг муқалдимасида давлатнинг демократия фояларига, инсон ҳукуклари ва ижтимоий адолатга садоқатли эканлиги расман эълон қилинган. Конституцияда «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, уларга кура инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-киммати ва бошқа даҳлсиз ҳукуклари олий қадрият хисобланади», деб таъкидланган.

Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши, ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ҳам асослаб берилган. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунлаштирилган. Уч ҳокимиятдан ҳар бири мустақил фаолият юритади. Конституцияда учала ҳокимиятнинг ўзаро ҳамжихатлиги ва мустақил равишда амал килишининг ута мақбул механизмлари мустаҳкамлаб берилган. Ҳокимиятнинг учала тармоғи уртасида мувозанат саклашнинг оқилона тизими яратилган.

Чунончи, қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти эса Конституцияга киритилган ўзгартеришига кура Баш вазир томонидан бошқарилади. Суд ҳокимияти Конституциявий

суд, Олий суд ва олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда республиканинг ягона тизимини ташкил этади. Яна бир Конституциявий тамойил-одил судлов, **судъяларнинг мустакиллиги** ва даҳлсизлигидир.

Конституцияда кучли ва лаёқатли ижроия ҳокимияти **ҳақидаги** фикр ривожлантирилган. Бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида кучли ижроия ҳокимияти зарурдир. Уни мустаҳкамлаш қонун чиқарувчи ҳокимият мавкеини пасайтириш ҳисобига юз бериши керак эмас.

Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёsat ўтказиш тарафдори эканлигининг баён қилиниши янги Конституциянинг бутунлай муҳим тамойилларидан биридир. Конституцияда жамиятнинг ижтимоий сиёсий хусусияти, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, Республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Конституциянинг маҳсус боби (XXI боб) жойлардаги давлат ҳокимияти органларига бағишлиланган. Бу бобда ўз-үзини бошқариш тамойилларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиги бўлган ҳоким тартиботи жорий этилади. Тегишли ҳудудлардаги маҳаллий вакиллик ҳокимиятига-халқ Кенгашларига, шунингдек, ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик киладилар.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз хаётида катта аҳамиятга эга бўлди. У мамлакатда қонунчиликнинг ривожланиши учун, хуқукий ислоҳотлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Суверен Ўзбекистон Конституцияси инсон ва фуқаро хуқуқларининг демократик қужжати, инсонпарвар, хуқукий давлатни шакллантиришнинг стратегик

дастуридир. У улкан сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Бугунги кунда Конституция жамиятимизда халқ манфаатлари йўлида демократик ислоҳотларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга хукукий асослар яратади. У инсон ҳукукларини, барқарорликни ва ҳар бир оиласинг муносабиб ҳаёт истиқболини белгилаб бермоқда.

ҚОНУНЧИЛИК-ДАВЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИДИР

Ўз вақтида Амир Темур ва унинг даври ҳамда темурийлар салтанати катта сиёсий-ижтимоий, хукукий қарашларни ўзида мужассамлаштирган. XIV-XV асрларда жаҳон тарихи ва сиёсат саҳнасида марказлашган давлатчилик, уни бошқариш, ҳар бир бажариладиган ишнинг адолатли ижро этилиши, хуллас инсон ҳукукларини химоя киладиган бутун бир тизим вужудга келди.

«Салтанатим ишлари ни қонун-коида ва интизомга солиб, салтанат имнинг мартабасига зеб-зийнат бердим», – дейди Сохибкирон Темур. Амир Темур номи билан Бөглиқ бўлган, унинг сиёсий-хукукий қарашлари тўплами «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Воқеоти Темурий» («Темурийнинг бошидан кечирганлари») каби номлар билан шарқ ва гарбда маълуму машҳурдир. Қўлёзмалари айни пайтда мамлакатимизда ҳамда Англия, Франция, АҚШ, Финляндия, Дания, Эрон, Туркия, Миср ва Ҳиндистон каби бир қатор давлатларда сақланаяпти. Бундан ташқари жуда кўп хорижий тилларга таржима қилиниб, нашр этилган. Унинг машҳурлиги, дунёга кенг ёйилишининг боиси, давлатнинг идора қилиш тамойиллари, усуслари, армияни ташкил этиш ва жанг тактикаси каби қатор сиёсий-хукукий ва жарбий маслаҳатларга бойлигидадир. Президентимиз

таъкидлайдиларки, ҳар сафар «Темур тузуклари»ни ўқисам буғунги мұаммоларга ҳам ечим топғандай бұламан.

«Темур тузуклари»-Темур кодекси, яни Темурнинг давлати ва уни идора килиш қонун-коидалари, тамойиллари тұпламидир. Ундан биз үрта асрдаги сиёсий қарашлар, қоидалар, қонунларни үрганамиз.

Китоб асосан икки қисмдан иборат. Бириңчи қисмда Соҳибқирон Темурнинг етти ёшдан то умрининг охиригача бұлган ҳаёти, сиёсий фаолияти тасвирланади. Бөшқача килиб айтганда, унинг Мовароуннахра ҳокимиятни аста-секин құлға киритилиши баён этилған. Иккінчи қисмда эса Темурнинг шахзодаларга айтған панд-насихатлари, үгитлари үрин олған. Унда давлатни идора килиш, жангларнинг нозик саньят ва усууллари, вазир, амир ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тақдирлаш хусусида сўз боради.

Темур ўз тузукларida аниқ ва равшан қилиб, давлатни идора қилишда ўн икки тамойилга асосланғанligини аниқ баён этади. Соҳибқирон бу хусусда шундай дейди: «Мен ўзимча ўн икки нарсани шиор қилиб олдим ва салтанат мартабасига эришдим...». Муваффакиятлар омили, бириңчидан, қонун-коидаларга риоя қылғанлиги, уни құллаб-қувватлаганлигига эди. Унинг ўзи «Тузуклар»да шундай деб ёзади: «Бириңчи галда Тангри таолонинг дини ва Мұхаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вактда ислом динини құллаб-қувватладым». Темур ўз империясида унинг мағкурасини ҳам яратади. Бу эса Темурнинг нақадар үткір сиёсатчи эканлигидан далолат беради.

Навбатдаги иккинчи тамойил ҳам Темурнинг улуғлиги, донишмандларидан нишона, яни оммага, ҳалққа таянған ҳолда, уларнинг фикрини тинглаган ҳолда давлатни бөшқариш.

Учинчиси эса - тадбиркорлик, эҳтиёткорлик, кенгаш, зийраклик билан иш куришдир.

Туртинчи тамойил-давлат ишларини салтанат конун-қоидаларига асосланиб, мулозимларига таянган ҳолда иш куриш.

Бешинчи тамойил-амирлар, тұралар, сарой айынлари, сипохларга яхши муносабат күрсатиш, уларға иззат ва ҳүрматта булиш.

Олтинчи тамойил-адолат ва инсоф билан иш куриш, гунохкорға ҳам, бегунохға ҳам раҳм-шафқатли булиш, ҳаққоният юзасидан ҳукм чикариш. Амир Темур айтади: «Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир күтариб, ишимга күп зиён етказғанларни ҳам, илтижо билан тағба-тазарру қилиб келгандарни ҳүрмат қилиб, ёмон құлмишларини ёддан чиқардим».

Еттинчи тамойил сайидлар, уламолар, оқилю донолар, мұхандислар, тарихчиларни эътиборли шахслар деб эъзозлаш, уларнинг фикрини билиш ва пайти келгандан маслахатлар сұраш.

Саккизинчи тамойил-катьяят билан иш тутган, яъни ишни амалға оширишга қарор қылған бұлса, унға бутун вужуди билан киришган.

Тұққизинчи тамойил-раият (оддий халқ) ҳол ақволидан доимо огох бұлған. Уларнинг улуғларини оға каторида, кичикларини эса фарзанд каторида күрган. Ҳокимлар, сипохлар томонидан раиятта жабр-зулм етказилған бұлса, уларни адолат, инсоф юзасидан жазолаган.

Үнинчи тамойил-турқу тојик, арабу ажтамнинг турли тоифаларидан үз панохига кирған кишиларни мурувват, эҳсон, иззату иқром билан қабул қылған ва дүстликни улуғлаган.

Ўн биринчи тамойил-фарзандлар, кариндошлар, ошналар, қўни-қўшилар ва дўстларини давлат мартабасига эришгач ҳам унутмаслик.

Ўн иккинчи тамойил-дўст-душманлигига қарамай сипоҳийларни хурмат қилган. Чунки улар бокий бўлмаган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини майдонга, ҳалокатга отиб, курбон қиласидилар.

Қўриниб турибдики, тамойилларнинг ҳар бири жамият учун, унинг порлоқ келажаги, юксак мавқеда бўлишида муҳим рол ўйнайди. Амир Темур давлат мутаҳкам қонунга асосланган пойдевор асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, кудрати йўқолишини, бундай давлат яланғоч одамга ўхшаб қолишини кўп маротаба таъкидлаб ўтади.

Яна бир оқилона тадбирларидан бири Амир Темурнинг «келин танлаш» одатидир. Бу бир оддий кўринишга эга бўлган тадбирнинг замирида бутун бир миллатнинг келажаги ётганлигини ўз вақтида ҳар қандай ҳукмдорлар ҳам англаб етавермаган. Амир Темур келин танлашда жуда зийраклик, донолик ва оқилликни кенг қўллаган. Унинг наздида келин насл-насаби, асли соғ, ақл-фаросатли, билимли, вафодор, меҳрибон аёл бўлиши кераклигини айтиб ўтади. Чунки тўқиз ой оиа вужудида ўсиб-улғаядиган гўдак ўша аёлдан озуқа олади, ўша аёл орқали тинглайди, сезади, маънавияти ва табиати шаклланади. Бу эса бутун бир миллатнинг шакл-шамойилини белгилаб беради. Албатта у хак эди. Тарихдан маълумки, Соҳибқирон эътиrozига қарамай, Халил Султон чўрининг кизи Шодимулкбегимга уйланади. Алалоқибат, Темур тузган салтанатнинг парчаланиб кетишига бу аёл каттагина ҳисса қўшади. Амир Темур яна ҳукуматнинг келажаги, тақдирини ўйлаган ҳолда, муҳим бир тадбирни кенг қўллашни тарғиб этади. Бу

тарғиботи, бизнинг таъбиrimиз билан айтга ңда, кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишдан иборат. Амир Темур салоҳиятли ва уддабурон вазир ва амирларни танлашга катта эътибор беради. Унинг фикрича, вазир бўлишга даъвогар шахс тўрт сифатга эга бўлиш керак. Биринчиси - асилик, тоза насллик; Иккинчиси - акл-фаросатлилик; Учинчиси - сипохий раият ахволидан огоҳлик; тўртинчиси-хушмуомалалик, сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлиkdir. Кимда-ким ана шу тўрт сифатга эга бўлса, уни вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинлаш мумкин, деб ҳисобланган.

Амир Темур муҳим масалалардан бўлган давлатнинг уч белгиси хусусида жуда аниқ ўз фикрини билдиради. «Давлату салтанат мулк, қонун-қоида, лашкар билан тирикдир». Бундан аниқ қўриниб турибдики, давлатни хазинасиз, лашкарсиз, конунсиз тасаввур килиб бўлмайди. Президентимиз олиб бораётган сиёsat ҳам бунга ҳамоҳангдир.

«Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан (унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) сўрабдилар: «Агар сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда қайси иш билан шуғулланар эдингиз? Улар шундай деб жавоб берибдилар: «Султонлар хизматида бўлиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказар эдим».

«БИР ОННИНГ БАҲОСИНИ ЎЛЧАМОҚ УЧУН...»

Вазирлар Маҳкамасининг таникли академик шоир Faғұр Ғулом таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тұғрисидаги қарорига биноан, бутун мамлакатимизда улуғ шоиримизнинг юбелейи кенг нишонланди.

Шундай инсонлар бұладики, улар әзгуликка, мангуликка дахлдор ишлари билан тириклигідаёқ үзларига ҳайкал құядылар. Чин инсонийлик фазилатлари билан доимо әзъозланадылар. Ҳеч шубҳаланмасдан оташнафас шоири из Fафур Гуломни шундай инсонлар сирасига құшган ҳолда, рухи-поклари олдида таъзим қиласыз.

Адабиёттинг насию назмида қалам тебраттан алибимизнинг бир үзбек шоири сифатидаги одамийлик хислатларининг үзиёқ бир олам.

F.Гулом бизга жуда катта адабий мерос қолдирғанки, биз уларни үрганмоғимиз ва келажак авлоддарга етказмоғимиз лозим.

Улуғ шоир Faфур Гулом 1903 йил 10 майда Тошкент шахрининг Құрғонтең маҳалласыда дәхқон оиласыда туғилған. Отаси Гулом Мирза Ориф үғли ва онаси Тошибиби Юсуф қизи үқимишли, зеки, адабиётта иштиёқи баланд кишилар бўлған. Шоир үзи ёзган таржимаи ҳолдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, унинг оиласи кичик адабий мұхитни эслатган. Faфур Гуломнинг саводи эрта чиққан, у саккиз-тўққиз ёшлигига Навоий, Саъдий, Фузулий асарларини сув қилиб ичган. Афуски, шоир ота-онадан эрта ажради ва унинг зиммасига оила боқиши ташвиши тушди. Алалоқибат у олий үкув юртларида таҳсил ололмади. Faқат саккиз ойлик муаллимлар тайёрлов курсида үқий олди, холос. Ёшларимизга яна бир ибратли томони, у мустақил үкиши, изланиши орқали замонасиининг илгор, етук зиёлиси даражасига кутарилди. Узбекистон Фанлар академиясининг академиги ва Узбекистон халқ шоири бўлди.

Айни вақтда олий таълим муассасаларида ёшларимизга үкиш учун барча шароитлар яратилган

бўлса-да, баъзилар таҳсилга панжа орасидан қарашади. Улар учун энг муҳими қандай қилиб бўлса ҳам баҳоларин и олиш, сессияни ёпиш ва дипломга эга бўлишдан иборат. Лекин мутафаккир шоирнинг энг кучли ўқитувчиси ҳаёт ва матбуот бўлди. Отасининг эркатойлари на ҳаётни ўрганишади, на матбуотни ўқишади. Қизикиб курсам, «бойвачча талабаларимиз» ўқишидан кейин ўз уловида кафема-кафе, дискотека кезиб, «суюқоёқ» қизлар билан дон олишиб вақт ўтказишади. Мансабдор отанинг эса бунга парвойи палак. Ахир, шундай давом этаверса ҳалиги шоввознинг келажаги нима бўлади? Амаллаб дипломга ҳам эга бўлди, дейлик. Эртага у қаерда ишлайди. қовоқкала «кадр» кимга керак? Айтмоқчиманки, азиз ҳамкасларим, бу аянчили ҳолга бефарқ қарамасдан, бугунги кун эркатойларининг танобини тортиб қўйалик. Агарда шунда ҳам аҳволи ўнгланмаса, улардан воз кечайлик. Ахир мақсадимиз саводсиз кадрлар эмас, балки баркамол мутахассислар тайёрлашдир. Сизга айтсан,Faфур Гулом сингари, миллат ифтихорларининг ҳаёт ва фаолиятини ўрганиш ёшлиrimизни илм чўққилари сари дадил ва событқадам боришга ундейди ва «Бир онни нг баҳосин ўлчамоқ учун, Олтиңдан тарозу, олмосдан тош оз»лигини англашга чорлайди, аъло мамлакатнинг аъло фарзандларини Ватан кутажагини билиб қўйишини таъкидлайди.

Faфур Гулом ҳакиқатан ҳам XX аср ўзбек шеърияти ва насрининг буюқ вакилидир. Үнинг ўн жилдлик «Асарлар» (1972-1977) ва ўн икки жилдлик тўла асарлар тўплами (1984-1989) нашр этилган. Юбилей муносабати билан шоирнинг қатор асарлари босилиб чиқди. Азиз талабалар, Faфур Гуломдек буюқ ижодкор асарларини ўқинглар ва шоир сингари юксак чўққиларга интилиб яшашга одатланинг.

ДИН ВА АХЛОҚ

Бисмиллахир роҳманир роҳийм, Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, «Дин афюндири» деб эълон килган мустабид тузумдан халос булиб, «Дин ахлоқдир, маънавиятдир, маърифатдир» деган ҳақиқатга амал қилинаётган мустақиллик даврида яшамоқдамиз.

Дарҳақиқат, муқаддас динимиз Ислом-ахлок, маънавият, маърифат, руҳий баркамоллик динидир. Ушбу фикримизни пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг «Мен гўзал ахлоқларни мукаммал этмок учун пайғамбар килиб юборилдим» деган ҳадиси мубораклари ҳам тасдиклайди.

Яратган эгамиз томонидан айнан курайш кабиласи вакили Муҳаммал ибн Абдуллоҳнинг (с.а.в.) пайғамбарлик мақомига кўтарилишига ҳам Расули Акрамнинг ҳалол, тўғрисуз, самимий ва диёнатли эканликлари сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримда «Эй Муҳаммад, Сиз буюк ахлоқ соҳибисиз», дея марҳамат қилинади.

Оллоҳ томонидан нозил килинган барча динлар, хусусан Ислом дини ҳам инсоният ахлоқсизлик ва жаҳолатга юз буриб кетаётган тарихий паллада, ўзи суйган зот - Пайғамбар (с.а.в.) воситасида нозил қилинган ва асосий вазифаси юксак ахлоқ, маърифат ҳамда руҳоният соҳибларини тарбиялашдан иборат бўлган.

Ҳақиқий мусулмоннинг қандай фазилатларга эга бўлиши қераклигини, пайғамбар алайҳиссалом ҳадиси муборакларида батафсил баён қилганлар: «тилдан ва қўлидан бирорвга зарар етмайдиган киши ҳақиқий мусулмондир», дейдилар. Демоқчиманки, террор, зулм, тажовузкорлик, қўполлик, дилозорлик мусулмон кишига хос эмас. Яна бир ҳадиси муборакда Расулулоҳ: «одамларнинг энг яхшиси башариятга купроқ манфаат келтирадиганидир», деб марҳамат қилганлар. Яъни ким

жамиятга мөддий ва маънавий манфаат етказса, ўша одам комил мусулмондир.

Динимизда илм олиш ва меҳнат қилиш ҳар бир мумин мусулмон учун бурч қилиб қўйилган: «Илмни Хитойда бўлса ҳам ўрганинглар», деб кўрсатма берганлар сарвари Анбиё (с.а.в.). Яна бир ҳадиси шарифда шундай дейдилар: «Агар киёмат бошланиб колсаю, бирортангизнинг қўлингизда кўчат бўлса, уни имкон қадар экиб қўйиб, кейин ўрнингиздан туринг». Набийи Акрам (с.а.в.) уззукун масжиdda ибодат билан бўлиб, егулик-ичимликни бошқалар олиб келади, деб умидвор бўлганларни ёмон кўрганлар, кўл меҳнати билан кун кўрувчиликни мақтаганлар ва Аллоҳ меҳнаткаш бандаларни сийлади, деганлар. Бинобарин, Аллоҳга эътиқод қилиш-меҳнат қилиш, мөддий ва маънавий қадриятлар яратишдан ва улардан баҳраманд бўлишдан воз кечиши англаатмайди. Аллоҳнинг номини зикр қилган, унинг буйрукларини бажарган ҳолда, зарур нарсаларни мухайё қилиш ўз зиммамиизда эканини у нутмаслигимиз керак. Аллоҳ меҳнат килувчи ҳамда ҳаракат қилувчилар билан биргадир. Ал-Раъд сурасининг 11-оятида «Ҳақиқатдан Аллоҳ кишилар ният мақсадларини ўзгартиргунларича, уларнинг ҳолатини ўзгартирмас», дейилган. Халифалардан Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг «Осмондан на олтин, на кумуш ёмгири бўлиб тушмайди», деган машхур ибораси ҳам, у зотнинг меҳнат килиб насиба топишга бўлган чақириклари ҳам пайғамбаримиз (с.а.в.) ва сахобаларнинг кўл меҳнатига, ҳалол тер тўкиб тирикчилик ўтказишига бўлган эътиборлари ҳамда даъватларини тасдиқлайди.

Динимиз ота-онага эҳтиромни исломий ахлоқнинг асосларидан бири, деб билади. Сайиди Коинот (с.а.в.)нинг «Жаннат оналарингизнинг оёклари остидадир», «Аввало онангизга, яна онангизга, такрор

онаңгизга, сўнгра отангизга яхшилик қилинг», «Ота-она тириклигига уларнинг ҳар иккисининг, хеч бўлмаса биттасининг розилигини ололматан фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин» мазмунидаги муборак кўрсатмалари Фикримизга мисол ва далилдир. Қуръони Карим ва ҳадисларда фарзанд тарбияси, аёлларга муносабат, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар билан муомала мавзуларига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Ёлғон сўзламаслик, ҳалоллик, фитнадан йирок бўлиш, қон тўқмаслик, зулм қилмаслик, зино, қимор, ичкилик каби фаҳш ишларни қилмаслик ҳам динимиз кўрсатмаларидир.

Кўриб турибмизки, Ислом динининг асосий мақсади ахлоқий камолотдир. Бу ҳақда кўплаб уламоларимиз мақолалар ёзишган.

Афсуски, баъзи шум ниятли кимсалар, тажовузкорлар, жиноятчилар мана шундай юксак инсоний қадриятларни ўзида жамлаган муқаддас динимизни никоб қилиб манфур ва бемаъни ғояларини илгари суриб, ёшларимизнинг онгу-шуурини захарлашга уринишмоқда. Дини-диёнатдан бехабар, диний ва дунёвий илмда саводсиз айрим жоҳил кимсалар бундай тоифаларга эргашиб, жиноят кўчасига кириб қолмоқдалар. Улар Аллоҳнинг «Фирқаларга бўлинмаслик», «Аллоҳга, пайғамбарларига ва сайлаб кўйилган бошликларга итоат қилинг», «Динда мажбурлашнинг йўклиги», «Аҳли китобларга ҳурмат билан муомала қилиш» лозимлиги тўғрисида буйрукларига амал қилмай, жоҳил ва бетайн бошлиқларнинг залолат, жаҳолат ҳамда ҳалокатга бошлайдиган кўрсатмаларини кўр-кўронга бажармоқдалар. «Одамлар орасида шундай кимсалар борки, дунё ҳаёти тўғрисидаги гали сизга қизи карли бўлади. Дилядаги «иймони»га Аллоҳни гувоҳ қилади, ваҳоланки ўзи (исломга) душманларнинг

ашаддийсидир», дейилади Бундай мунофиқлар ҳақида Бақара сурасининг 204-оятида.

Сўнгги вақтларда жаҳонда содир бўлаётган воқеалар улар таълаган йўлнинг биринчи навбатда ўзлари ва яқинларига, қолаверса, муқаддас динимиз учун, инсоният учун нақадар хавфли Эканини кўрсатиб турибди.

Биз мухтарам юртдошларимизни, айникса ва биринчи навбатда ёшларимизни бундай кимсаларнинг пуч «Фоя» ва «даъват» ларига учмасликка, Аллохнинг розилиги, энг аввало, ота-она розилиги эл-юрт розилигига эканини унутмасликка ҳамда юксак ахлок ва руҳоният соҳиблари булишига чақирамиз.

ҲИНДИСТОН МУЖИЗАЛАРИ

Ҳиндистон кўхна ва навқирон, ажойиботларга бой мамлакат. Бир гурӯҳ Ўзбекистонлик сайёҳлар 1989 йилнинг кузидаги Ҳинд диёрига боришга муяссар бўлдик. Кўрганларим гўёки тушга ухшайди...

10 ноябр эрталаб соат 5 да божхона кўригидан ўтиб Дехлига қараб ИЛ-62 самолётида парвоз килдик. Фазога кўтарилиганимизда, Караби шахрига (Покистон) кўниб, шартномага мувофиқ бир соат тўхтаб ўтишимиз маълум бўлди. Бунақанги қўниб ўтиш, соғ, юраги бакувват инсонлар учун ҳеч нарса эмас, лекин юраги хаста бўлганларнинг эса бурқсиган мотор хиди нафасини кисади. Энг ёмони шуки, моторлар бир соат давомида ишлаб туриши салонни бадбўй ислар билан анқитади. Карабидан кўкка кўтарилиб, Дехлига учдик. Улуг ватандошимиз Бобур Мирзо ҳақида билганларим ёдимга туша бошлади:

*Толеъ иўкки жонимга балолиг бўлди,
Ҳар ишники айладим халолиг бўлди.*

*У зерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз каролиғ бўлди.*

Деҳли аэропортида божхона вакиллари сайёҳлар гурӯҳларини бир зумда (5-6 та жойда) кўриқдан ўтказиб юбордилар. Юкларимизни кулагай аравачаларга жойлаб, автобус томон ғиддиратиб кетдик. Автобусга ўтириб шаҳар меҳмонхонасига йўл олдик. Деҳлининг қок марказидаги 16 каватли шинам меҳмонхона - «Канишка» га жойлашдик. Меҳмонхонада хизмат кўрсатиш маданияти жуда юкори. Унда 4 та ресторон, ўнлаб магазинлар, бассейн мавжуд, такси истаган пайтингизда муҳайё, хоналарнинг барчасида рангли телевизорлар, холодильник ва зарур жихозлар бор.

Тушдан сўнг Деҳлидаги энг улкан ибодатхонани зиёрат қилдик. Ушбу ҳашаматли обидани Деҳлининг энг бой маҳараджиси курдирган. Ибодатхонада рамзий маънода барча урф-одатларни (ритуалларни) бажарган ҳолда ҳинд маъбулларидан дунёда тинчлик бўлишини тиладик. Лакшми, Кришна, Шива илоҳларининг ҳайкаллари ажойиб қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Ҳар Бир илоҳнинг ўз вазифаси бор: Лакшми - севги тангриси бўлса, Шива - эзгулик маъбути. Янги Деҳли кўчаларини, пою пиёда сайр килдик, Ҳиндистон дарвозаси ва Президентнинг муҳташам саройлари шаҳарга кўрк бағишлиб турибди. Кўриб кўзинг тўймайди. Одамлар майсазорлар устида бемалол ялло қилиб дам олишмоқда. Сизга айтсан, ибодатхонада қизиқ воқеа содир бўлди. Одатда ибодатхонага оёқ кийим ечилиб, пайпоқ билан кирилади. Чиқаётганда эса пайпоқ қолдирилади. Қашқадарёлик йўлдошимиз (Қосим ака) чиқсалар туфлини «илиб кетишибди». У ҳам бўш келмай ўлчами оёқка мос бир пайафзал кийиб олибди.

Хумоюн ва унинг яқинларининг мақбараларини зиёрат қилиш бирам мароқли! Муҳаммад Хумоюн Мирзо

Бобурнинг тўнғич ўғлидир. Унинг онаси Моҳимбегимдир, Мирзо Бобур эса, васиятига биноан, Қобулга дафн килинган. Ҳумоюннинг афсонавий мақбарасини Ҳумоюннинг ёри Ҳамидахоним курдирган. «Ҳумоюннома» муаллифи Гулбаданбекимнинг ёзишича, Ҳамидабону бегим Ҳиндол Мирзонинг пири Мирбобо Дўстнинг кизи бўлган. У Ҳиндол Мирзо учун сингилдек, бўлиб қолган эди. Шунинг учун подшоҳнинг уқаси Ҳиндол акаси Ҳумоюн бу қизга кўнгил қўй ганидан ҳабар топиб, булажак никоҳга унчалик рўйхушлик бермади. Ҳумоюн Мирзо қизни бор йўғи бир марта кўриб, совчи юборди ва ҳузурига чорлади. Ҳамидабону эса подшоҳ ҳузурига боришдан бош тортди. Булажак малика қирқ кун совчиларни кетма-кет розилик бермай қайтариб юборди. Охири орага подшоҳнинг ўғай онаси Дилдорбеким орага тушди. Шунда ҳам киз «қўлимни узатсан этагига ҳам етмайдиган кишига қандай тегаман» деди ўжарлик билан.

Ҳамидабону Ҳумоюнга текканида 14 ёшлик қиз эди. Ҳамидабонудан 1542 йилда Ақбаршоҳ туғилди. Манбаъларда ёзилишича, малика эри вафотидан (1556 йил) қирқ саккиз йилдан сўнг, яъни 1604 йилда вафот этган. Мавзолей мармардан, кошоналар эса қизил тошдан ясалган. Зиёратга келадиган одамларнинг кети узилмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳинд ҳалқи Мирзо Бобур сулоласи обидаларини кўз қорачигидек асрраб-авайлаб келмоқда ва уларни ўзларининг муқаллас зиёратгоҳларига айлантирган. Ҳинд ҳалқи Бобур Мирзони босқинчи сифатида эмас, балки Ҳиндистондек буюк давлатни барпо этган давлат арбоби деб эътироф қиласи. Жавоҳирлаъл Неру таъбири билан айтганда «Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўради».

Мавзолейдан чиқаётганимизда құққисдан кулги кутарилди. Бояги акахонимиз үз оёқ кийимларини бир инглиз сайёхининг оёғида күриб қолиптилар ва ҳаш-паш дегунча алмаштириб ҳам олибдилар. Зиёратгоқ олдида кобра илон үйнатувчиларга кўзимиз тушди. Тамоша қилдик. Вишиллаган илон одамзод қўлида қўйдек ювош бўлиб қоларкан. Кўз-очиб юмгунча кун ҳам ботди.

12 ноябрда эса Индира Ганди уй-музейини томоша қилишга бордик. Жоиз бўлса айтиш керакки, Гандининг уйи ҳашаматсиз, яъни хоналари оддийгина безалган. Ажабланарлиси, унинг ичидаги ҳар биримизнинг уйимизда мавжуд бўлган стенкалар, креслолар, диванлар ҳам йўқ. Фақатгина мўжаз кутубхона, иш столи бор. Гандига ўқ узилган жойга бориш учун эса маҳсус ойнадан йўлакча қилинган ва у ерга гулчамбарлар қўйилган. Боф ҳам шинамгина ва ундаги анвои гулларни кўриб баҳри-дилингиз очилади. Кўм-кўк майсазор, кўзингизни камаштиради. Махатма Ганди ва Индира Ганди куйдирилган мажмуани зиёрат қиласр эканман, этларим жимиirlаб қетди. Зиёратгоқ одамлар билан тирбанд, ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, хамма үз иши билан машғул.

Чошгоҳдан сўнг эски шаҳарни томоша қилишга йўл олдик. Ҳумоюн қурдирган «Қизил қўрғон» шохнинг қароргоҳидир. Афсуски, хоналарни безашга нақш ўрнида ишлатилган қимматбаҳо тошлар үйиб олиб кетилган (урни бор, холос). Үз вактида, бу иншоотлар жуда ҳам гузал ва ҳашаматли бўлган. Мармар тошларга үйиб ишланган гуллар қимматбаҳо тошлар (ёқут, феруза, марварид) билан безатилган. Қайтаётгандаги қўрғон ичидаги қатор расталарни, атторлик дўконларини томоша қилдик. Қўрғондан сал нарироқда жойлашган Ҳумоюн қурдирган масжид осмонўпар ва муҳташамдир. Мусулмонлар ва

ҳиндлар ўртасида эскитдан, баъзи-баъзида нифок бўлиб туриши боис уни томоша қилишга юрагимиз бетламади.


13 ноябрда эса эрта билан Бобурнинг қароргоҳига, Ҳиндистоннинг биринчи пойтахти Аграга қараб автобусда йўлга тушдик. Бобурдан Бизга шерий девон билан бирга «Бобурнома», «Хатти Бобурий», «Муфассал», «Мубаййин», ҳарб иши, мусиқа илмига оид асарлар мерос колган. Агра билан Дехли оралиғи 205 км экан. Йўлда сув ичиш учун бир кемпинг (вақтинча дам оладиган жой) Өлдида тўхтадик. Не кўз билан кўрайликки, майсазорда 3 метрли бўғма илон ястаниб ётар эди. Оғирлиги нақ 20–25 кг келади. Сайёхлар уни бўйинларига ўраб расмга тушишди. Маълум булишича, илоннинг эгаси шу жонивор туфайли оиласини боқар экан, чунки у билан суратга тушганингиз учун рупия ёки бирор нарса бериш зарур. 5 соат йўл босиб, Сикандра шаҳарчасига етиб келдик. Бу ерда Мирзо Бобурнинг набираси Акбаршоҳнинг қабри бор. Мавзолей ҳашаматли қурилган, атрофи кўркам, лекин маймунлар билан лиқ тўла. Ҳиндлар бу зиёратгоҳни хам эъзозлаб, авайлаб-асраб келмоқда. Одам гавжум, нафақат сайёхлар, балки ҳиндлар, колаверса мусулмонлар хам бор. Акбаршоҳ Ҳиндистонда энг кўп давр яъни 49 йил (1556–1605) шоҳлик қилган. Бобур шоҳ эса атиги 4 йил подшоҳлик қилган. Лекин унинг авлодлари 3 аср (1526–1858) мобайнида Ҳиндистонни идора қилишган. Акбаршоҳнинг уч хотини бўлган, аммо «Айни Ақбарий» асарида улар сони еттита, баъзи манбаларда ўн уч нафар дейилган. Улардан фақат қизлар дунёга келган. Айтишларича, кунлардан бирида унинг хинд хотинидан ўғил, яъни Жаҳонгир туғилган. Ривоятларга кура бунинг учун Акбаршоҳ Аградан 40 чақирим нарида яшайдиган устози шайх Салимбий (Салим Чештий)га сифиниб боради. Чунки авлиёнинг дуолари ижобат бўлар экан. Завжай


мухтарамаси ҳам яёв шайх ҳузурига катнаб дуодан баҳраманд бўлади, қарабсизки, бир йилдан сўнг Мухаммад Салим Жаҳонгир дунёга келади. Шайхга бўлган ихлос туфайли, Акбаршоҳ пойтахтни ўша ерга кўчиради ва ҳашаматли қасрлар бунёд этади. Азбаройи ҳамма қасрлар қизил тошдан. Қолаверса, ўша машҳур авлиёнинг дуо ўқийдиган кошонаси ҳам мавжуд. Ҳудди шу жойда шоҳ ўн йилча яшайди. Курғочилик оқибатида бу ер кейинчилик Үлиқ шаҳарга айланади. Бир замонлар ҳаёт, базмижамшид қайнаган масканни кўз олдимга келтираман. Ҳа, жеч нарса абадий эмас. Шоҳ ҳар бир хотини учун алоҳида қаср қурдирган. Жуфти ҳалолларининг бири христиан бўлган. Суратини музейда кўрдик. Тарихдан маълумки, Акбаршоҳдан сўнг Ҳиндистонни Жаҳонгир бошқарган ва у Лоҳур якинидаги шоҳдарада дафн қилинган. Ундан сўнг подшолик Шаҳзода Ҳуррам Шоҳжаҳон қўлига ўтган. Албаттга, бутун дунёга Мирзо Бобурдан сўнг Шоҳжаҳон маълум ва машҳур. Негаки, у барпо этган Тож Маҳал оламшумул тарихий обида, жаҳондаги етти мўжизанинг бири ҳисобланади. Хаёлимда Бобурийлар тарихи чархпалақдек айланади.

Агранинг ҳавоси Дехли ҳавосидан тубдан фарқ қиласи. Ҳавоси майин ва тоза. Тож Маҳал шундай қурилганки, у баландликда жойлашган бўлиб, кечкурун ва тонгда унинг тасвири олдидаги сувда акс этади. У тўртбурҷак шаклида бўлиб, мақбаранинг атрофида 4 та минора қад ростлаб турибди. Макбара ял-ял товланувчи мармар тошдан ясалган, кимматбахо ёқутлар билан безатилган. Мавзолейнинг ичига кириш машакқат. Мингминглар одам турнақатор тизилиб турибди. Амаллаб, ичкарига кирамиз. Гумбаз остида Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳал бегимнинг ясама мақбаралари. Шоҳжаҳонники бироз каттароқ қилиб ишланган, лекин нақшинлари бир

хил. Ажойиб санъат асарлари кишини ҳайратга солади. Асл кабрларнинг тошлари гўзал ва кўркам. Яна тепага кўтарилиман ва мавзолей атрофини томоша қилиб бошқа қабрларни ҳам зиёрат қиласман. Афсуски, сайёҳлар ичидаги араб тилини биладиган тиржимон бўлмаганлиги учун мақбаралар пештоқидаги ёзувларни ўқий олмадик. Келажакда сайёҳлар орасида араб ва инглиз тилини биладиган таржимон бўлса мақсадга мувофиқ бўлар экан. Бу зиёратгоҳнинг атрофида ўнлаб бошқа даргоҳлар бор эди, лекин уларни кўришга имконият бўлмади. Ажратилган вақт жуда қиска.

Бобурий шаҳзодалар шахараси





14 ноъябрда эрта билан «Ўлик-шахар»га қараб йўл олдик ва у ерга бир ярим соатда етиб бордик. Бийдек чўлда айтиқбозларни учрагдик, хинд деҳқонлари экинтикин билан машғул. Бир талай одамлар бошларидаги саватчаларда майдаланган тошлар ташиб, йўл четига йўлка қилмоқдалар. Ҳеч кандай машина-механизм йўқ, барча ишлар инсоннинг қўл кучи билан уddaланмоқда.

Шахарни томоша килиб, яна Аграга қайтамиз ва тушилик ҳам килмасдан Деҳлига жўнаймиз. Шу куни автобусда миқ этмай 9 соат ўтиришга тўғри келди. Аъзойи-баданларим автобуснинг елим ўриндиғи ва ичининг дикканафаслигидан увишиб, қақшаб кетди.

Ҳинд адибаси Нина Эптоннинг ёзишича, «Аржумандбонуга гўзаллик баҳш этадиган нарсаларнинг энг муҳими - ёниб турган катта-катта кўзларию юзини майнин ифодаси, белигача тушиб турган қоп-қора ялтироқ соchlари, қалин кип-қизил лаблари эди. Унинг бадани майнин етилиб пишган ўрик раңгига бўлиб, ияги бир оз чўзиқроқ, унинг остидан сезилар сезилмас бақбақаси кўзга ташланиб турарди. Ўнг ёноғига чиройли кулдиргич чуқурчаси бўлиб, бу унинг икки хислатидан биринчи нозик калбига яшириниб ётган кучли иродасидан, иккинчи томондан кулги шинавандалиги ва ҳаёт неъматларидан лаззатлана олиш кайфиятидан гувоҳлик бериб турарди. Қуллари кичикроқ, бармоқлари калта ва бақувват бўлиб, бу хол эгасини нг саховатли ва маҳоратли эканидан далолат бериб турар эди. Ҳаракатлари охуникедек нозик ва ёқимли, овози майнин ва сероҳанг эди». (F.Сотимов «Бобурийзодалар» Т: Маънавият. 2003. 61 бет)

Аржумандбону сарой амалдорларидан Асафхоннинг қизи бўлиб, 1594 йил дунёга келган. Табиатан камтар ва художўй бу қиз 1611 йилнинг 26 июня Шахзода Хуррамга узатилади. Шоҳжаҳон Аржумандбонудан ўн тўрт нафар фарзанд кўрган.

1628 йилда Шоҳжаҳон таҳни эгаллаган доим уни маънан кўллаб кувватлаб турган Аржумандбонуга «Мумтоз маҳал» (Саройда тенги йўқ) деган унвон берди. 1931 йилда маликанинг Гавҳароробегимга кўзи ёрийди. Бироқ, туғиш пайтида кўп қон йўқотиши туфайли жони узилади. Мумтоз Маҳалбегим жасади Бурҳонпурдан Аграга келтирилиб, сўлим боғга дафн этилади.

Мумтоз Маҳалбегим ўлимидан аввал эри Шоҳжаҳонга бундан буён бошқа ўйланмасликни илтимос қилган экан.

Шохжаҳон ваъдасининг устидан чиқади ва боз устига унга багишлаб дунёда тенги йўқ, ок мармардан ял-ял товланиб турган мақбара курдирган. Айтишларича, 20 минг ҳунарманд 22 йил давомида ушбу мўжизани барпо этган. Ҳунарманд усталар сафида бағдодлик ва мисрлик усталар ҳам бўлган. Усталарнинг меҳнатига тасанно ўкишдан чарчамайсан, киши. Ривоятларга қараганда, Шохжаҳон ўзига ҳам бу обидага қарама-карши килиб қора мармардан мавзолей қурмоқчи бўлган экан. Афсуски, унинг ношуд ўғли Аврангзеб, таҳт талашиб, падарини зинданбанд килади ва Тож Маҳал кўриниб турадиган ҳужрага қамашади ва ниҳоят, афтодаҳол ота ушбу кулбада вафот этади.

Толиқиб Дехли тайёрагоҳига етиб келдик, чунки бу ердан Бомбейга учишимиз керак. Яна осмону фаллакда, сутдек оппоқ булутлар қўйнида парвоз қиласиз.

Тасодифни қарангки, Дехлида бомбейлик машхур ҳинд артисти Раджеш Кханнани учратиб колдик ва инглиз тилида бироз бўлса-да гаплаша олганимиз учун ундан дастҳат олишга ҳам мұяссар бўлдик. Кейин билсак, шу артист туфайли ушбу самолёт рейси 2 соатга кечиктирилган экан. Самолёт 300 кишилик бўлиб, ихчам ва кулай (бизнинг ИЛ-86 каби). Шовқин-сурон деярли йўқ. 3-10 минут ичида у зарур баландликка кўтарила олади. Аэрапортга қўнишга ҳам кам вакт сарфланар экан. Бу эса йўловчилар учун жуда қулайдир. Бомбей шаҳрига эрталаб етиб келдик, парвоз давомида мижжа коқмадик. Бизни бир соатдан ортиқроқ вақт ичида автобусда «Хоризон» меҳмонхонасига олиб келдилар. Мезбонлар илиқ кутиб олиб, бўйнимизга гулчамбарлар тақишиди. Кайфиятларимиз кутарилиб кетди. 10 минут ичида хоналарга жойлашиб ҳам олдик. Меҳмонхона ҳам ўта шинам, барча қулайликларга эга. Меҳмонхонадан

тұғридан-тұғри Араб деңгизига чиқылады. Мәхмөнхона бассейнида мазза қилиб чүмилиб олдик. Дам олиш вактида Ҳиндистон технология институтига құнғироқ қилиб боғландым. Афсуски, декан дүстүмиз Сингапурға бир йилга шартнома асосида ишта кетган экан, баҳтимизга кафедрадаги бошқа бир фан доктори (у билан камроқ танишмай) бор экан. Бу киши бундан бир неча йил муқаддам Боку шаҳрида кандидатлик диссертациясини химоя килған эди. Камина ва жаноб Даривал бир-бірларимизни танир эдік. Илм бизни бир-біримизге яқынлаштирганди. Телефонда гаплашдық ва у билан учрашишта келишиб олдик. Доктор Даривал ярим соат үтар-үтмас хонамизга кириб келди. Қучоқлашиб, қуюқ сұрашдық. Сұхбат мобайнида илмий-ұкув ишларимиз ҳақыда қыскача ахборот алмашдық. Ҳиндистон технологик ҳамда Тошкент автомобил ва йүллар институтлари ўртасида илмий битим тузиш ҳамда, имконияти бўлса, инглиз тилида биргаликда дарслик ёзишта келишиб олдик, Бунинг учун эса институт раҳбарлари билан маслаҳатлашиш лозимлиги таъкидланди. Камина саёҳат ўрнига доктор Даривал билан бирга Технология институтига равона бўлди. Кафедра мудири профессор Шарма билан З соатлар чамаси дўстона сұхбат курдик. Сұхбат самараси ўлароқ, Ҳиндистон иклим шароитидан келиб чиққан ҳолда, талабалар учун инглиз тилида «Автомобил ва трактор двигателлари» дарслиги яратишига келишиб олинди. Учрашувда илмий ҳамкорлик битимининг протоколи кўриб чиқылди. Тошкентта қайтгач бу протокол вазирликка тақдим қилинади. Мазкур битим институт раҳбарияти томонидан маъқулланган. Бомбейдаги институт биноси хушманзара жойда, яъни кичкинагина қўлнинг бўйига курилган бўлиб, майдони 400 гектардан иборат, ҳамма ёқ боғ, тарвақайлаган дараҳтлар

билан Үралган. Институт алохида шаҳарча ҳам ҳисобланади. Домлалар ушбу шаҳарчада яшашади. Талабалар эса катнаб ўқийди. Домлалар дарс беришда МДҲ даъватлари олимларининг китобларидан қўпроқ фойдаланадилар (албатта, инглиз тилига ўтирилган). Агарда Ўрта Осиёлик олимлар Ҳиндистонлик ҳамкаслари билан ҳамкорликда ишласалар натижа ёмон бўлмайди. Чунки мамлакатларимизнинг иқлими ва автомобил-йўллар соҳасидаги муаммолари ҳам ўхаш.

16 ноябр куни эрта билан автобусда Араб денгизи томон йўл олдик. Бир ярим соат чамасида портга етиб келгач, пароходга ўтириб Элефант (филлар) ороли томон йўл олдик. Оролда тоғ ёнбағридан ўйиб ишланган ибодатхона бор. У VI асрда бунёд этилган. Ибодатхонада Шива худоси 9 хил шаклда тасвиранган. Мазкур тош асар ҳинд усталарининг юксак маҳорати маҳсулидир. Бу ерда ҳам сайёҳлар илонизи зинапоялардан юқорига кўтарилади. Ибодатхона ёнгинасида ҳинд атторлари турли-туман маҳсулотларни сизга таклиф қилишади. Феруза тошлардан ясалган тақинчоқлардан беихтиёр харид қиласан киши. Кизларим кўз олдимга келади. Ҳаётим мазмуни Бўлмиш фарзандларим учун чиройли совғалар излайман.

Бомбейга қайтиб, тушлик қилдик, сунгра совға-салом харид қилиш учун дўконларни айландик. Дўконларда хамма нарса бор. Таассуфки, кўпчилик ҳамроҳларимиз кўзи оч одамдек ўзларини тўғри келган дўконга урадилар. Қўлларига илашган, кўзлари тушган кийим-кечакларни арzon гаровга сотиб ола бошлидилар. Автобус олдида соат 18.00 гача йиғилишга келишилганди. Аммо самарқандлик бир акахонимиз белгиланган вақтга етиб келмади, 15 минут, ярим соат кутдик, вақт зувуллаб ўтмоқда, у эса ҳануз йўқ. Ҳамманинг тоқати тоқ бўлди. Гуруҳ раҳбари

жиғибийрон. 32 киши 1 кишини кутаяпти. 40 минут ўтгандан сўнг у кишим бемалол ялтоқланиб келаяптилар. Дунёни сув босса ўрдакка неғам, деб шунга айтсалар керак-да. Акахонимизнинг танобини тортиб қўйишса, у киши дийдиёга тушди ва жаҳл билан қўллари даги «босоножкани» боққа қараб иргитиб юбордилар... Сизга айтсам, воқеа мана бундай бўлган. У сувтекин деб сотиб олиб, босоножкани кийибди ва сувли жойдан кечиб ўтибди. Ўн минут ўтар-ўтмас унинг чакаги очилиб кетибди. Разм солиб қараса, у сабил қоғоз ипдан тикилган экан.

Бир амаллаб аразгўйининг ўпкалашига қарамасдан автобусга чиқардик ва автобус қўзғалиб. Транспорт оқими кечкурун шундай зич эканки, тошбақа юриш қилиб кеч соат 20.00 ларга меҳмонхонага кириб бордик.

17 ноябрда сахарлаб Мадрас шахрига учиш учун ҳозирлик кўра бошладик. Аксига олиб бомбейлик учувчилар шу куни иш ташлаган экан. Шу сабабли бизларни вактидан 3-4 соат илгари учириб юбордилар. Бомбей жуда ҳам серҳашамат ва гўзал шаҳар бўлиб у ерда 10 миллион аҳоли истикомат қиласиди. Лекин ҳавоси иссиқдим.

Мадрасга ҳам соғ-саломат етиб олдик ва у меҳмонларни жала қўйиб кутиб олди. Ерлар шалоббо бўлиб кетган, юкларимиизни автобусга ортгунча биз ҳам ивидик. Одатдагидек ҳашаматли меҳмонхонага жойлашдик. Унда барча шароитлар муҳайё.

Мадрас ҳудуди Бир замонлар Франция ва Португалиянинг мустамлакаси бўлган. Шу сабабли кўчалар, иморатларнинг ташқи куриниши қўпроқ европача. Кўчалар нисбатан ғозода, қашшоқлар кам. Тонг отгандан сўнг шаҳар бўйлаб сайр қилдик ва гўзал ибодатхонани бориб кўрдик. Унинг баландлиги 40 метр.

Энг хайратли жойи шуки, бу ибодатхонани мусулмонлар дүстлик рамзи сифатида ҳиндуларга қуриб берган экан. Ибодатхона 3000 та ҳайкалчалар (санъат асарлари) билан безатилган. Офтобда шундай яраклар эдики, күзни олади. Ибодатхона олдида жуда катта сунъий ҳовуз ясалган булиб, у ерда диний маросимлар ўтказилади. Тарихдан яна шу нарса маълумки, Бобурйлар Мадрасни ҳеч кандай қурбонсиз забт этишган. Сунгра португалияликлар томонидан қурилган ибодатхонани томоша қилдик. Махатма Гандига ўрнатилган (Бенгал қўрфазида) ҳайкал олдида суратга тушдик.

19 ноябрда эса Серпентарий (илонлар, тимсоҳлар, калтакесаклар сакланадиган жой) га бордик. Бу ерда гаройиб, аммо ўта заҳарли илонлар, ҳамелеонлар ва 100 кг оғирликдаги тошбакаларни томоша қилдик. Чошгоҳдан сўнг шаҳар бўйлаб айлантириб бозорга олиб боришли. Бозор ўта гавжум, ҳамма нарса бор. Бозорга кираверишда, гид бизга тайинлашича, савдолашиб, харид қилинса, сотувчи айтган нарҳдан 4-5 баробар арzonга ул-бул олиш мумкин экан. Шундай бўлиб чиқди ҳам.

20 ноябряда яна қадрдон автобусда Пондичерри шаҳри томон йўл олдик, Мадрас ва Пондичерри оралиги 160 км, бу йўлни тўрт ярим соатда босиб ўтдик. Йўл жуда ҳам тор, лекин шофёrlар ўзаро мулозаматли. Шунинг учун ноxуш ҳодисалар ва автоҳалокатлар йўқ. Йўл бўйлаб гўзал боғларни, қўркам далаларни кўрдик. Деҳқонлар экинтикин билан машғул. Ҳинду дехқонларининг паст-баланд уйлари қўзга ташланади. Кулбалар Аградагидан фаркли ўлароқ, Европа услубида қурилган. Гоҳ автобус ойнасидан ҳаёт қайнайётган далаларга, гоҳ йўловчилар қўзи қадалган салон телевизоридаги видеофильмларга қараб, зерикмайсан киши.

Пондичеррига келиб, икки қаватли меҳмонхонага жойлашди. Деразадан шундокқина Ҳинд уммони (Бенгал кўрфази) кўриниб турибди. Боши-адоги йўқ пўртганалар, сув мавжлари узоқдан киши кўнглини тўлқинлантириб юборади. Ҳамма ёқда анвойи гуллар экилган, майсазорлар кўм-кўк. Мехмонхона янгитдан курилгани билиниб турибди. 4 кун мазза қилиб, океан бўйида, тўлқинлар бағрида ва қўмда ётиб, кўёш нурларига тобландик. Чарчоқларимиз чиқиб кетди. Пондичерри шаҳрини томоша қилиб келдик. Шаҳар озода ва гўзал. Шаҳар ошхонасида самарқандлик окахонимиз ўзбекча паловхонтўра тайёрладилар, эртасига яна нўхот шўрва тортилди. Ҳар ҳолда ўзбек таомлари бошқача-да!

Ҳинд таомлари тўғрисида икки оғиз сўз. Бизга «шведский стол» тайёрлашди. Унда турли хил (15-20 хил) таомлар қатор қилиб чиройли териб қўйилган. Иссиқ таомлар совиб қолмаслиги учун идишлар тагида спирт ёниб турибди. Сиз эса қулингизга каттароқ тарелка олиб истаган таомингиздан хоҳлагангизча солиб олиб, столга ўтириб тановул қиласиз. Аммо қулингиздаги тарелкада овқат қолмаслиги керак, акс ҳолда таомил бузилади. Афсуски, бошида бу ўринда хам бизлар «юкори» маданиятишимизни кўрсатдик. Кейинчалик ҳаммаси жойига тушиб кетди. Таъкидлаш лозимки, овқатларнинг тури кўп: гўшти овқатлар (қўй, товуқ гўштидан ва балиқ), ҳар хил салатлар, гарнирлар ва ҳ.к. Лекин гўшти таомлар жуда ҳам аччиқ қилиб тайёрланар экан.

Пондичерридаги Ботаника боғи экзотикага бой экан. Дараҳтлар, палмалар бетон-трубаларга ўрнатилганга ўхшайди, бир хил дараҳтнинг мингта тупи бор, шоҳи пастига ўсиб ерга кириб кетаверар экан. Яна бир гўзал, шар шаклидаги одамлар яшashi учун мўлжалланган қурилиш обьектини кўрдик. Бу комплексда инсон учун барча

шароитлар мавжуд бўлади. Бу ер - озод шаҳар деб аталар экан.

23 ноябр эрта билан Мадрасга йўл олдик. Парвоз давомида Ҳайдарободда қуниб, Дехлига қараб учлик. 24 ноябр куни эрта билан Дехлини томоша килдик, ер ости бозорини кўрдик. Қолган кутган рупияларимизни ҳам сарф қилиб, ҳам чўнгакни қуритиб, ҳам ёмғирда шилта бўлиб меҳмонхонага қайтиб келдик.

Кечкурун Саёҳатни уюштирган фирманинг раҳбари ўзининг боғи-«фазенда»сида бизни қабул қилди. Бундай юқори даражадаги қабул ҳаммамизни беҳад қувонтириди. Бўйнимизга ялтироқ иплар билан безатилган туморлар тақишиди. Майсазорда теннис, бадминтон ўйнадик. Бошимизга сингхларнинг салласини кийиб, дўстлик рамзи сифатида суратга тушдик. Ранги суратлар З соатда тайёрланиб, бизларга тақдим этилди. Фазендани минг марта Эшитгандан бир марта кўрган маъқул. Чунки, уни сўз билан тасвирлаш мушкул. Ҳамма ёқда анвойи гуллар ва дарахтлар, чиройли қилиб ўрилган, духобадек майсазорлар. Шарафимизга мушакбозлик уюштирилди. Хайр-хўшлашиб жўнацик ва йўлда, ясатилган филларда кетаётган келин-куёвларга кўзим тушди. Ҳиндистонда тўйлар дабдабали ва чиройли ўтар экан. Тўйлар кўплигидан, Ҳиндистонни тўйхоналар мамлақати дегим келди. Ҳа, қунимиз ўйин-кулгу, шодлигу қувонч бўлсин! Меҳмонхонага келиб юкларимизни олиб Ҳалқаро аэропортга отландик. Йўл-йўлакай Дехлининг кафтдек равон ва озода кучаларига тикиламан. Транспорт ходимларининг хушмуомалалигига ҳам ҳавасинг келади. «Мерседес» ҳайдовчиси ҳам, рикша ҳайдовчиси ҳам бир хил имкониятга, бир хил эътиборга лойик. Йўлларда барча белгилар мужассам. Чорраҳанинг ўртасидаги «безопасная зона», яъни ҳавфсиз жой баланд килиб ишланган, бу эса

ЙПХ ходими учун жуда құл келади. Сигирлар ва маймунлар йүлларда бемалол юрганлиги учун шофёрлар эхтиётлик билан улов бошқарадилар (чунки Ҳиндистонда сигирлар ва маймунлар улуғланади). Автомобиллардан биздаги каби күк тутун ёки қора тутун чиқмайды. Сабаб, техник талабни нг қучлилиги ҳамда тоза бензин ишлатилишидир.

Аэропортда божхона қуригидан үтиб үзимизнинг үша ИЛ-62 самолётимизга чиқиб олдик. Самолёт бортида яна тартибсизлик бошланди. Ҳар ким қаерга ҳохласа шу ерга үтирди. Тартиб-интизом анқонинг уруги. Ақалли чигтада үриндиклар номери күрсатилгандаку, олам гулистан бўларди. Бир амаллаб жойлашдик. Бир ярим соат учганимиздан сўнг, яна бизни Караби қарши олди. Салонни яна үша эски «қадрдон» қўланса ис ҳид қоплади. Бурқиб кетдик. Наилож, лом-мим демай чидадик. Ҳайрият, самолёт яна фалакка кўтарили ва эсон-омон она шахримиз - Тошкентга қўндиник.

Тошкент кучоқ очиб кутиб олди. Соғинчларимни яшира олмай, мени кутиб олишга чиққанларни тўйиб-тўйиб бағримга босдим.

Үйлаймизки, биз жуда катта маънавий бойлик ортириб келдик. Ҳинд ва ӯзбек халқининг дўстлиги беш асрдан бери давом этаётганлигининг гувохи бўлдик. Дўстлигимиз абадийди р.

МИСКОЛЛАБ ЙИГИЛГАН ТАЖРИБА (ЖАНУБИЙ ҚУРИЯНИНГ ХУСУСИЙ ХОСЕО УНИВЕРСИТЕТИДА МАЛАКА ОШИРИБ...)

Корея ярим оролида 70 миллион нафар аҳоли яшайди. Шундан 46 миллиони Жанубий Кореяда, 24 миллион киши эса КХДРда истиқомат қиласи.

Ярим орол майдони 220 миллион кв. километрдир.

Миллий валюта вон деб агалади. Бир доллар 1100 вондир. Мамлакат алифбоси 10 та унли ва 14 та ундош харфдан иборат.

1948 йилдан Корея Япония мустамлақачилигини бартараф этиб, мустакилликка эришган. Жанубий Кореяниң биринчи Президенти Ви Син Синдир. Иккинчи Президент Пак Чанг Хи номи қашшокликни тугатилиши ва иқтисодий ривожланишга эришилиши билан боғланади. Президент Ченг Ду Хан эса халқ ибораси билан айтганда, «тұла қозондаги гуручни тарқатди». Содда килиб изохлаганда, иқтисодиётни таназзулға учратди.

«Нобел» мукофоти сохиби Президент Ким Де Жунт эса «йүқөтилған қозонни қайтарған», яъни үлкани оёкка турғызған арбоб саналади.

Аҳоли жон бошига тұғри келадиган миллий даромад 1967 йилда 87 доллар бўлған бўлса, 1999 йилга келиб 8581 долларга етган.

Корея қандай қилиб тез ривожланди? - деган савол туғилади. Эмишки, Президент тушида Худога халқимга Эйн штейн, Эдисон, Ньютон, Галилей ва Кюридек 5 нафар салоҳиятли олим ато эт дейди: Парвардигор эса «излаб топ, сенга юборғанман» деб жавоб қайтаради. Ва у топиб келади. Ҳаттоқи энг узок жойдаги мактабдан ҳисобчини топди.

Таълим тизими яратилди. Иш билимга қараб берилди. Демократия тартиби ўрнатилди. Аёллар юксак лавозимларга кўтарилиди. Тенгхукуқлиликка эришилди.

1977 йилда юз берган инқизозга ким сабабчи бўлди деб ўйлайсиз? Кореяликлар бу саволга 44% - сиёsatчилар, 37% - коррупция, 15% - иирик компаниялар, 2-3% ишчилар ва директорлар орасидаги нифоқ айбдор деб жавоб беришади.

Бизнингча, бунга оқсок таълим тизими сабабчи. Турган одамга кўл узатиш лозим. Утирган одамга эмас, акс ҳолда пастга энгашиш керак бўлади.

8-ноябрда Чанон шаҳарчасидаги университетнинг Ижтимоий фанлар ўқитиладиган факультетига бордик. У ерда 2000 талаба таътим олмоқда.

Ҳар бир ўкув ҳонасида: проекцион аппарат мавжуд! ЭҲМ ишлаб тур ибди. Қанийди бизда ҳам тезроқ шундай бўлса?

Фақат аълочи талабаларгагина стипендия берилади. Бизда ҳам шундай қилиш керак. Назаримда стипендия контракт пули ичизда бўлмаса, ўкиш ва изланишни кучайтиради. Грант ҳам аълочиларга тақсимланиши, мақсадга мувофиқ.

Давлат университети ҳам талабалардан контракт пули олади. Лекин у ҳусусий университетга нисбатан арzonроқ. Бюджетнинг 42,5% ини - талаба тўлови ташкил қиласи. Ҳусусий университетларда коида хийла мураккаброқ.

Талаба тўлови - 61,8%. Давлатники - 3,5%. Талабаларга харажати - 10,5%. Ҳомийлар тўлови - 7,7%дир.

10,5% маблаг талабаларга семинарлар уюштириш ва чет элга юбориш учун (дарсдан ташқари) сарф қилинади.

57,5% ДУ	3,5% ХУ	Давлат таъминоти
42,5% ДУ	61,8% ХУ	Талабалар тўлови
50,5% ДУ	34,4% ХУ	Маош
25,6% ДУ	8,5% ХУ	Бошқарувга сарф
ХУ-ҳусусий университет		
ДУ-давлат университети		

Ҳусусий университетларда ракобат ниҳоятда кучли. Талабалардан ҳар Бири ҳомийларни жалб қила билиши керак. Акс ҳолда, бошқалар «илиб кетади». Раҳбарият

профессор-ұқытывчиларга танлов талаби пасайтирилиши, керак деган фикрга келаялти. Чунки, профессор ҳам яхши жихозланған университетларга боради.

Илмий ишлар аник ишлаб чиқариш муаммоларига үнналғирилған. Профессорларга хусусий корхоналар очишлари учун рисоладагидек шароит ҳам яратылған. Университетнинг олдинги ректори кичик бизнес учун 8 млн. долларлық фонд ташкил қылған. Профессорлар доим бизнес план тузиб, үзининг янги өясины тақлиф килади. Айтмоқчи, 300 минг доллар битта режага берилади. Берилған маблагни кайтариш қандай амалга оширилади демоктизиз, азиз үкувчи. Тұғри, олмокнинг ҳам бермоғи бўлади. Фоя янгитдан очилған корхонанинг 5% акцияси Университетга берилади. Бозор иктисадиётининг стратегияси ана шундай. Ривожланған сари ғазнага мўмай пул тушиди.

Сизга айтсан, фанлар бирлаштирилиб, кискартирилади. Потокда маъруза үқилимокда, аммо бутун куч илмий ишлар ривожига имконият яратишга қаратылған.

Университетда аъло баҳога үкіган талабага Магистратурада үқишига руҳсат берилади: харажатнинг 70 фоизини давлат коплайди. Колаверса, бунда ҳам талабалар илмий ишга күпроқ жалб қилинади. Бунинг учун маҳсус бино ҳам қуриб берилған. Ҳар бир гурухга бир профессор раҳбарлик қилади. Профессор шогирдларига илм оркали пул топшиш йўлини ўргатади. Фонд оркали илмий изланиш учун - 5 минг АҚШ доллари берилади. II босқичда бу маблағ 100 мингта етади. Янги маҳсулотнинг дастлабки нусхаси ишлаб чиқарилиб ҳайъатга тақдим қилинади. Агарда маҳсулот ишлаб чиқаришга лойик деб топилса - яна 300 минг доллар берилади. Ана шу соҳада 20 та гурух ишламоқда. Уларга бунинг учун 2 млн. доллар берилған.

Кизиги шуки, институтни битирган 20 нафар талабалар бун ишларда иштироқ этмоқда. Маошдан бор йүғи 5 фоиз солиқ олинади.

Профессор 1 йиллик шартнома асосида университетга ишта қабул килинади. Шарт шуки, у фақат шу университетда ишлайди. Фан доктори 3 йилдан сұнг профессор-ассистент, 4 йилдан кейин профессор бўлади. 1 ҳафтада 9 соат, 1 йилда 300 соат дарс беради. Ўқитувчиларнинг умумий сони 233 нафар. Демак, Бир йилда 70 000 соат дарс берилади.

Талаба 1 ҳафтада - 18 соат дарс ўтади. Дарс қолдиришлар ва кечикишлар йўқ. Улар билан 4 йилга шартнома тузилади.

Университетга кабулда 30 фоиз - аттестат баҳолари, 40 фоиз имтиҳон, 30 фоиз - музика, тил, компьютерни билиш хисобга олинади. Бир ўринга ўн даъвогар тўгри келади.

Университет бюджети 2000 йилда - 60 млн долларни ташкил килган.

Олий ўкув юрти ҳомийларига солиқ тўлашда имгиёз йўқ.

Хусусий университет ректорининг ойлиги Давлат университети ректорининг ойлигидан 2 баробар кўп. Ў 1 йилда 100 минг доллар олади. ДУ ректориники эса 40 минг доллардир.

Профессорларнинг 60 фоизи хусусий университетларда ишлайди.

Энг зўр Университет асосан тадқиқот билан шуғулланмоқда. Шунинг учун университет олимлари 1 йилда 1-2 та диссертация ёзади. Шунга қараб унинг меҳнати баҳоланади. Талабаларни илмий янгиликтар, тадқиқот орқали тарбиялаш, – иқтидорлilar назоратини кучайтириш самаралидир. Хар хил ташкилотлар тадқиқотларга буюртма бераб, маблағ билан таъминлаши

ҳам айни муддао. Дарс соатларини кисқартириш, профессорларнинг ўкув соатларини аниқлигини таъминлаш университет тажрибасида ўзини оқлаган. Биз ҳам буни татбиқ қылсақ фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Домлалар дарсларга тайёргарликни галдаги семестрдан 3 ой олдин бошлайди. Маъруза номи 1 хафта илгари Эълон қилинади. Қизиги, талаба ўз ихтиёри бўйича домлани танлайди. Маъруза кимларга мўлжалланганлиги ҳам Эълон қилинади. Зарур китоблар кутубхонада бўлмаса буюртма берилади. Маъруза режаси ҳам интернет орқали Эълон қилинади. 1 ой муқаддам ушбу фанни тинглайдиган талабалар рўйхати тузилади (15-80 киши). Энг муҳими, 1 хафта олдин ўқитувчи ўкув аудиториясини кириб текширади ва керакли жиҳозлар сўрайди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, аудиторияда дарс беради. Биринчи дарсда 10 та принципга амал қилинади. Аввало унга ҳаяжон билан кириш, татабанинг дунёқарashi, билимини Эътиборга олиш, «маърузага умид боғлаб эшитинглар», бу фан керак деб айтиш лозим. Бундан ташқари, дарсга вақтида келиш шарт. Кеч колиш мумкин эмас. Вазифани бажармаган жазоланади.

Дастлаб ўргатилади ва талаба амалиётда тобланади. олган билимларни такрорлайди. Ёшларга доимо изланишдан тўхтаб қолмаслик шарт эканлиги уқтирилади. Доскада муҳим ва керакли фикрларни киска ёзиш керак. Аудиторияда ҳамма тенг хукукли.

Уларнинг фикрича дарс хаётнинг бир кисми бўлгани учун қизиқарли булиши керак.

Зерикарли маърузалардан воз кечилади. Энг олий мақсад-талабаларнинг дарста муносабатини яхшилаш ва унга сеҳрлаб қўйишдан иборат.

I-семестр охирида қўйидаги принциплар асосида ҳисобот тайёрланади.

1) баҳолаш мезонлари (баҳо олиш мезони). Қандай қилса яхши баҳо олади? 2 ёки 1 оладиган талабалар бўлади.

2) Талабалар профессорнинг маҳоратини баҳолаши шарт.

3) Баҳолар компьютерга киритилади ва ректоратга узатилади. Талабалар уйига унинг баҳоси юборилади. Агар талаба баҳодан норози бўлса, эътиroz билди ради.

4) Маъруза ўқиш-бу санъатдир.

Сифатли дарс бўлиши учун ректоратнинг эътибори керак!

Хонанинг ахволи, профессор вактида келаяптими, йўқми, дарсни таъминлайдиган жиҳозлар борми, барча-барчасидан у ҳабардор бўлиши лозим. Яхши спектакл учун парда ортидагиларнинг хизмати муҳим аҳамиятга эга. Маъруза ҳам шундай.

20 балл	20 балл	60 балл
дарсга катнашиш учун ; 5 баҳо=90-95 балл;	уй иши учун 4 баҳо=80-84 балл;	имтихонда йиғилади З баҳо=70-79балл;
2 баҳо=60-69 балл;		
59 баллдан кичиги=1баҳо		

Кореяда 300 та техник бизнес-инкубатор ТВІ мавжуд. Бу борада Германия III ўринда, Хитой IV ўринда, Россия V ўринда, АҚШ эса I ўринда - Чунки унда бундайлардан 800 та ТВІ бор. Hong Kim янги технологиялар мактаби ректори. Университет ректори НАСАнинг директор ўринбосарини чакириб, ТВІ га директор этиб тайинлади ва бунинг самараси ўлароқ бизнес ривожланди. 20 йил ичида 100 та бизнэс корхонаси ташкил килинди. 10 таси иирик компанияга айланди. Бир магистр - 1 компания ташкил килди ва ҳозир 15 тасини бирлаштириб, катта компанияга айлантириди.

Университет ректори бир йилда 6 марта энг зўр университетларга бориб зўр технологияларни олиб келиб, ўзида қўллар экан. Университет тажрибасини кузатиб ўзимга ўз им, дейман: ҳани биўда ҳам шундай бўлса.

Ҳозир саноат давридан ахборот даврига ўтмоқдамиз. Спутник орқали информация олиб ҳосил оширилади. Янги кашфиётлар ахборотсиз инқирозга юз тутади. Ахборот ҳал қилувчи омил. ДЭУ шунинг учун инқирозга учради. Форд - эса интернет орқали янгиликларни бошқариб, улоқни олиб кетди. Маълумотлар орқали бошқарув 30 йил ичидаги бугун дунёга ёйилади. Буни бизнинг олий ўкув юртларимиздаги мутасаддилар тушунишлари қерак.

HOSE Университетида энг катта эътибор тил ўрганиш ва сонли технологияларни йўлга кўйиш ва маҳаллий саноатга ривожланиш учун ёрдам беришга қаратилиади.

Олий таълим вазирлиги бунинг учун катта маблағ ажрагиб салоҳиятли университетларни танлайди. Мақсад - Нобел мукофоти олиш. Ҳозир бу ишлар Пилгейч деган одам бошқараояпти (Нобелдан ҳам кучли). 5 йил мобайнида ҳар йили бунинг учун 2 млн. доллар ажратиласяпти. Максад Пилгейчек олимларни кўпайтириш. Бу тизимда 40 та профессор ишляяпти. Энг яхши бизнес-планлар танлаб олинади.

Fox	Feasibility study	Technology development	Commerce alization	Business Start-up
-----	-------------------	------------------------	--------------------	-------------------

Босқичлар!

Талабаларнинг илмий даражаси юқори эмас. Уларга баҳо битириш даврида берилади. Маънавий дунёқараш эътиборга олинади. Компьютер ва инглиз тили ўргатиш асосий йўналиш этиб белгиланган. Университетда 20 та

чет эллик профессорлар маъруза ўқимоқда. 1 та факультетда барча фанлар инглиз тилида олиб бориш мўлжалланмоқда. Венчо бизнес билан шуғулланадиган факультет тузилган. Бу бинога фақат Венчо гурухи талабалари киради. Бир неча йилдан бери таълим соҳасида ислоҳот бўлмоқда. Жамият ривожи учун юқори савияли мутахассислар тайёрлаш керак. Аввал мутахассислик олиш учун 70-80 кредит балл тўплаш керак эди. Ҳозир 32-35 балл етади. Ҳаракатчан талабалар 2-3 та мутахассисликка эга бўлиши мумкин. Фалсафа 35 балл иқтисод 35 балл, компьютер 35 баллдан иборат. Блокли схемада ўқиш олиб борилади. Ҳар семестрда 21 балл. Ўқиш бир йилда 34 хафтадир. Давомат 95 фоизни ташкил этади. Таътил вактидан самарали фойдаланиб, 4 йилни ўрнига ўқишни 3 йилда тутатиш мумкин.

Ўқишига қабул вақтида олимпиада ғолиблиги билан бирга мактаб директори тавсияси ҳам ҳисобга олинади.

Бир хафтада 1 соат маъруза бўлса, семестрда - 1 балл тўплаш мумкин. Амалиёт курси: компьютер ва инглиз тилидир. Умумий фанлар: асосий фан - маънавият, фалсафа, адабиётдан иборат. Талаба мутахассислик фанлари бўйича 32-38 кредит балл олиши керак. 2-3 та мутахассислик бор. Агарда у фақат 1 та мутахассисликка эга бўлмоқчи бўлса 55-59 кр. балл кифоя. «Жамият учун хизмат» курси бор, уни ҳам ўқиш шарт. Бўлмаса қуруқдан қуруққа диплом берилмайди.

100 талабадан - атиги 30 нафари аъло баҳо олиши мумкин, 40 физигача - яхши, 40 фоизи қониқарли, 30 фоизи қоникарсиз баҳоланади.

Ҳозирда университетларда кечки ва кундузги курслар бор. Унга ҳам қатнаб ўқиб кредит баллар тўплаш мумкин. Талабаларга эркинлик берилган. Бошқа университетларга

бориб ўқиб келса ҳам у кредитлар тан олинади. Интернет орқали бу фанлари ўзлаштириб, эпласа бўлади.

Талаба бақалавриатура билан бирваракайига магистратура курсларида ўқиб, кредит балларга эга бўла олади. Бу кейин хисобга олинади.

Профессорлар - 1 хафтада 9 соат дарс ўтади. Олдин ҳам айтганимдек, илмий иш билан шуғулланиш мажбурийдир.

Таълим - саноат професори - 6 соат дарс беради. Қолган пайт Венчо бизнеси билан шуғулланади ва шу йўл билан институтга маблаг олиб келади. Самарасига қараб ойлик белгиланади. Соатбайлар ҳам профессорлар билан бирга ҳар йили аттестациядан ўтади. Агар илмий иш қилмаётган бўлса - ишдан бўшатилади.

Фул профессор - бир йилда 60 минг доллар ойлик олади ва у институт учун 2 баравар қўп маблағ олиб келади. Шундан 10 фоизи институтга, 90 фоизи ўзига тегади.

Хусусий университет тизимида Шахс қобилияти ривожланади. Рақобатбардошлилиги оргади. Шу билан бирга, ахлоқий-маънавий ишларга катта аҳамият берилмоқда. Университетда диний эътиқодга ҳам кенг йўл очилган. ХУни ташкил қиласидан шахс ёки жамоа, ташкилот бўлиши мумкин. Бунинг учун энг кераклиси маблаг. Яна орзу-ният. Максадни амалга ошириш учун савдо ёки бизнес билан шуғулланади. Бунинг учун акл-заковат ва маблаг етарли бўлиши лозим. Бу тояни давлатга билдиради. Ер сотиб олади, мажмуани қуради, жихозлайди, ойлик беради. ХУ да барча профессорлар масъулият билан ишлайди.

Азиз ўкувчи, кўриб турибсизки, мисқоллаб йигилган тажриба мамлакатни туркиратмоқда. Бу тажрибани ўрганиш, керак бўлса ўзлаштириш фойдалан ҳоли эмас.

САФАР ВА СОГИНЧ

2000 йил 10-17 июн Чехия Республикасининг «ДЭУ-Авиа» фирмаси раҳбариятининг таклифи билан Прагада бўлиб, «Авиа» заводи билан танишиб чиқдим. Бу завод қурилганига 100 йилдан ошган, аввал кичик авиация двигателлари, кейинчалик эса тепловозларга ва 70-йиллардан бошлаб автомобиллар учун дизеллар ишлаб чиқарилган. Завод асосан йиғув заводи бўлиб, ихчам ҳолда қурилган. Автомобилнинг қўпчилик агрегатлари бошқа заводларда тайёрланади. Хизмат сафари баҳонаси билан кичик Париж – сулув Прагани томоша қила олдим. Ҳакиқатдан ҳам гўзал ва қадимий шаҳар. 1000 йиллик тарихга эга у. Прага аэропортига бориб тушганда қизик ҳол рўй берди. Мени шаҳарга чиқармай паспорт назорати хизмати тухтатиб колди, чунки Чехияга визасиз борган эканман. Тошкентда паспортимни тўғрилаб бериб, 2000 йил охиригача ҳохлаган давлатга бориш мумкин деган муҳр босиб беришган эди. Афсуски, бу муҳр маҳсус визасиз ўтмас экан. Зудлик билан радио орқали Авиа заводи вакили чақирилди ва у менга холатни тушунтириди. Шу ернинг ўзида расмий ҳужжатлар тўлдирилиб, виза очилди. Муаммо ҳал бўлди. Прагада дам олиш қуни Политехника музейини ва Кремлни бориб кўрдим. Азбаройи ажойиб, нақ мўжизанинг ўзи. Осмонўпар қасрлар ва шинам ва мужаз, кўркам иморатлар кўзларингни сеҳрлаб, Бир пасда ўзига мафтун этади. 17 июн эрта билан самолётга ўгириб, Москвага учиб келдим, Тошкентга ҳам эсон-омон етиб келдим. Бир ҳафтада она Ватанимни соғинганим ни хис этдим.

АЁЛ ЗОТИ

Бугун барчами зда бажорий кайфият ҳукумрон. Чунки Бугун - Халқаро хотин-қизлар байрами!

Юргашимиз таъкидлаганлари дик: «Ҳар бир инсонга хаёт ато қилювчи, ҳар бир инсон күнглини мунааввар этувчи, наинки оиласа, балки бутун жамиятга ҳам ахилик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир. Аёл табиатнинг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу улуг мўъжизани яратган Оллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг бурчимиздир».

Маълумки, кўхна Шарқимизда аёл хамиша юксак мартабада кўрилган. Энг қадимги аждодларимиз зътиқоди бўлган оташпастлик маъбудалари – куёш худоси Митра, хосилдорлик худоси Анахиталар ҳам аёл киёфасида тасаввур килинган. Тарихий манбаларда кўхна Турон маликалари Спаретра, Зарина, Тўмарис номлари садоқат, жасорат тимсоли сифатида тилга олинган. Қуръони Каримда авва 3 бор онани улуғлаб, сўнг ота тилга олинади. Бекорга «Жаннат оналар оёғи остидадир» - деб айтилмайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад ала иҳиссалом ҳам барча ишларни жуфти ҳалоzlари Ҳадиҷа разиоюлоҳу анху билан маслаҳатлашиб килганлар. Соҳибқирон Амир Темурнинг оналари Такинахоним, аёллари Бибихоним маслаҳатгўйлари бўлган. Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим, Мирзо Бобурнинг онаси Кутлугнигорхонимлар ҳам ўқимишли, зукко аёллар бўлишган. Нодирабетим, Зебунисо, Увайсий, Зулфияхонимлар номи элда маълум ва машҳурдир. Ўзбек аёлларининг бу улуг намояндайлари, албатта, бизнинг күнглимида, қалбимизда гуур, ифтихор туйғуларини уйғотади ва ниҳоят, биз шунга амин бўламизки, сиз азиз олималар, мураббиялар тарбия килаётган хонадонлардан, олий ўкув юргларидан янада маърифатли авлодлар етишиб чиқаверади.

Замон бизнинг зиммамизга янги, демократик жамият куриш билан бирга, юксак маънавиятли, баркамол инсонни вояга етказиш масъулиятини юклар экан, бунда сиз

муҳтарама аёллар нинг алоҳида ўрнингиз бор.

Биргина институтимиз мисолида оладиган бўлсак, ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-тарбиявий соҳаларга аёлларимиз кўшгаётган хисса ҳам ўзига хос салмокқа эга. Ҳозирда ўкув юрти мизда аёлларимиздан 3 нафар профессор, 20 нафар фан номзоди-доцент, 50 нафар катта ўқитувчи, 30 нафар ассистент ёшларга таълим сирларини ўргатмоқда. Биз улар билан ҳакли равишда фахрлансан арзиди. Улар орасида профессор Аълоҳон Қодирова МАДИ фахрий профессори, 2 томлик дарслик таржимонидир. Доцентлар Аида Барханаджан, Гулчехра Тулеметова, профессор Гулбаҳор Шахобовнатар ҳам янги дарслик яратдилар. Доцент Мая Муратова «Ўзбек ва рус тилилари», Рањо Бобохужаева «Янги демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти», Раиса Раджабова «Инглиз тили» кафедраларига мудирлик, Гулчехра Турсунова «Халкаро алоқалар», Ирина Анатольевна «Режа иқтисод» бўлимига, Шойиста Акромовна «Хотгин-қизлар» кенгашига раҳбарлик килмоқдалар. Олим аёлларимиздан Наталья Сарвирова «Автомобил бошқаруви ва иқтисодиёти» факультети декани, Зебо Хамидуллаевна «Автотранспорт», Хушнида Шарифхўжаева ФТФ факультети деканлари ўринbosари лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Шунингдек, биз кафедра ва бўлимларда сидқидилдан меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилардан Рањо Холикулова, хизматчи ходималардан В. Терентьева, Т. Недоступова, Нина Ким, Подтуркина, Роза Акоповна, қизларимиз Нилюфар, Муборак. Шахло номини фахр билан тилга оламиз. Бир суз билан айтганда, институтимизнинг кўп сонли хотин-қизлар жамоаси «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»нинг II-босқичини амалга оширишга ўзларининг муносиб хиссаларини кўшиб келмоқдалар.

Сизга маълум, Президентимиз ёшларга катта ишонч назари

Билан қарамоқда, уларнинг эртанги камолида юртимизнинг буюқ келажагини тасаввур этмоқда.

Ҳозирги кунда институтимизда 347 талаба-қизларимиз ўқимоқда, улардан 35 нафари айлочилардир.

Магистрантлар ва иктидорли талабалар орасида ҳам кўпгина аълочи талаба-қизларимиз бор. Бу йилги «Мисс-Экология» кўрик танловида 150 гурӯҳ талабаси Дилафуз Якубова ғолиба бўлди. «Экология» фестивали ғолиблари орасида 8 нафар кизимиз бор. Экосан стипендиялари билан 6 кизимиз тақдирланди. Реферат конкурси ғолибларининг ичида 2 талаба-қизимиз бор. Шуни аниқ айта оламанки, Йигитларимиз хафа бўлмасин, кизларимиз ўқиши ва изланиши билан уларни йўлда қолдириб кетмоқда.

Ўйлайманки, қизларимиз орасидан ҳам қанчадан-канча истеъодлар етишиб чикади.

Азиз аёллар! Мен Сизларни чин дилдан байрамингиз билан табриклайман, чехрангиздан табассум аrimасин, жонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, барчангизга сихат-саломатлик, бошлаган кутлуг ишларингизга ривож, илмий-педагогик фаолиятингизда улкан муваффакиятлар тилайман.

II БОБ ХАЁТ МАКТАБИ

ХЎЖАПАРХОНДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ НУРЛАРИ

Хўжапархон номи собик советлар даврида «Ингичка кўрик» тор кўчасига айланган эди. Бу кўча Тошкент шаҳрининг Аллон маҳалласига қарашли бўлиб, бир боши Чифатой кўчасига, охири эса «Ўзбекистон» колхозига туташар эди. Бу кучада иккинчи жаҳон уруши йилларида йигирмага яқин хонадон истикомат килар, аксарият уй ва боғларнинг сатҳи каттагина, яъни 18 сотих бўлар эди. Айрим кўшнилар бу ерга фақат ёзда кўчиб келишар, биз эса қишин-ёзи н шу ерда истикомат қилар эдик. Бу ердаги хонадонлар 1971 йилда Бузилиб кетди. Ўрнига мактаб ва «дом»лар қад роствлади.

Хуш, Аллон маҳалласи дунёга кимлар билан машҳур деган савол туғилади? Унда эшитинг: Нуритдин Акрамович Мухитдинов, машҳур файласуф олим Абдулла Аюпов. «Ўзгазаппарат» заводининг кўп йиллар давомида директори булиб ишлаган Сайдмурод Султонов, Тошкент автомобил йўллар институтиning ректори Сарвар Қодиров, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрга маҳсус таълим вазири нинг муовини, ақадемик Шавкат Аюпов, Республика Фан ва технология маркази бошқарма бошлиғи Марвар Тошпўлатов, «Давстандарт» илмий текшириш институтининг илмий бўлим мудири Мирсобир Мирагзамов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг собик кафедра мудири Мирортиқ Мўминов, Кибернетика институтининг собик директор ўринбосари Нигматилла Мўминов, Ипакчилик институтида кўп йиллар директор ўринбосари бўлган Одил ақалар айнан шу маҳаллада туғилиб, ўсиб ўлғайиб вояга етганлар.

Яна рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Тарих институти масъул ходими Аҳмат Аюпов ва шу маҳаллалик олимлар, ақа-ука Мусаевларни ҳам киритиш мумкин. Маҳалладош Баҳодир ака Абдуллаев эса радиотелевидение соҳасининг отажонларидан. Ўз навбатида таникли маҳалладошларим хақида қискача тұхталиб ўтишни лозим топдим.

Н.Муҳитдинов - собиқ иттифоқ даврида, ўзбеклардан мансаб шоҳсупаларидан энг баланд чўккига кўтарилиган, яъни Марказқўм котиби, сиёсий бюро аъзоси даражасига кўтарилиган ҳамюргимиз. Миллати ғурурланса арзидиган инсонлардан.

А.Т.Аюпов - иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Республикада таникли файласуф, профессор, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, 30 йилдан ортиқ ТошДУ (хозирги ЎзМУ)да кафедра мудири бўлиб ишлаган. Ҳозирда ҳам фидокорона мөҳнат қилиб, ёшларга билим бермоқда.

С.С.Султонов - маҳалладан етишиб чиккан биринчи муҳандис. Секин-аста заводнинг бош муҳандиси ва директори лавозимларига кўтарилиган. Бу инсон каби салоҳиятли муҳандис бўламан деб кўплаб ёшлар муҳандислик касбини таңлаган.

Аҳмад Аюпов - тарихчи олим, кўп йиллар давомида тарих институтида кичик ва катта илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида ишлаган. Айни пайтда нафақада.

Одил ақа - ипакчилик соҳасидаги етук олим, улар уч ақа-ука эдиллар (Ориф, Обид). Уларнинг оиласи маҳаллага ўрнак хонадон бўлганлиги эсимда.

М.Мирағзамов - у ҳам муҳандис. Кибернетика соҳасида етук олим, профессор.

Мўминовлар сулоласи хақида икки оғиз сўз. Мирортиқ ақа кўп йиллар Низомий номидаги педагогика

давлат университетида ёшларга география фанидан сабоқ берган. Бир неча дарслар, китобларнинг муаллифи: профессор Нематилла ҳам машинасозлик соҳасида етук олим, профессор, қатор рисолалар муаллифи.

Шавкат Аюпов - математика соҳасида дунёга таникли олим, энг ёш академиклардан. Масъулиятли лавозимларда ишлаган. Бир неча йиллар давомида республика олий аттестация комиссиясининг раиси вазифасида ишлади. Республикага етук олимларни етиширишда катта хизматлар қилган.

Қодировлар оиласидаги ўғил болалар мактабни олгин ва қумуш медаллар билан тугатишган. Техника соҳасида институтларни битиришган. Гүнгинчимиз Анвар Алока вазирлиги, Марказий телеграфда масъул лавозимларда ишлаган, афсуски, 1995 йилда вафот этган. Кичик ўғил Марвар профессор, бир неча монографиялар муаллифи, ЎзФТМда бошқарма бошлиғи вазифасида ишлайди ва ТДТУда дарс беради. Унинг ўғли Даврон тиббиёт фанлари номзоди. Ўртанча ўғил, яъни камина хозирда Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг ректори. Ватан мустакиллигини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялаш, билимдон килиш йўлида меҳнат килмоқда. Москва Техника университетларининг фахрий профессори, Нью-Йорк Фанлар Академиясининг ҳакиқий аъзоси, бир неча бор «Йил қишиси» унвонига сазовор бўлган. Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби, қизи Ойдин - фан номзоди.

Мусаевлар оиласидан Мирфаёз ака географ олим. Мирсоат ака кўп йиллар «Тошкент ҳақиқати» газетасида бош мухаррир Үринбосари, пенсияга чиққандан сўнг эса Ўзбекистон Энциклопедияси нашриётида бўлим боштиғи бўлиб фаолият қўрсатмоқда.

Эркин ака Комилов - йигирма йилдан ортиқ Үзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаб келдилар. Ҳозир нафақада.

Баходир ака Абдуллаев - ТошДУ (ҳозирги ҮЗМУ)ни битиргандан сунг хаётини Үзбекистон радиосига бағишилаб, 25 йилдан ортиқ меҳнат қилди ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсаган маданият ҳодими» унвонига сазовор бўлди. 90 йиллардан бошлаб телевидениеда масъул лавозимда фидокорона меҳнат қилмоқда. Дубляж килинган кўпгина хорижий фильмларда уларнинг номларини ўқиймиз.

Оллоҳнинг ишларини курингки, биргина тор кучада Үзбекистон учун шунча олимлар дунёга келипти.

ҲАҚИҚАТНИНГ СИНМАС БИЛАКЛАРИ

Ректор олий ўқув юртининг бошқарувчиси хисобланади. Университет ёки институт педагогик ўқитувчилар жамоаси ва олимларининг ишончини оқладиган, бошини бириктирадиган инсон, яъни ғамхўр ректор бўлиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Инсон бунинг учун ниҳоятда салоҳиятли ва Яратганинг назарига тушган бўлиши керак.

1994 йил 14 ноябрда Тошкент автомобил-йўллар институтининг ректори Салим Пўлатов мажлис ўтказа туриб, тўсатдан юрак ҳуружидан вафот этди. Бир хафта ўтар-утмас ушбу даргоҳда проректор ва деканлар ўртасида бўшаган ректорлик лавозими учун зимидан кураш бошланди. Институтда дув-дув гал, бугун бир проректор ректор бўлади дейилади, эртасига бошқаси. Вақт эса физилаб ўтиб бормоқда. Кафедра мудирлари ўртасида ректор булишга талабгор йўқ хисобида.

1995 йил ҳам кириб келди. Камина бу пайтда ТАЙИда «Автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш»

кафедраси мудири. Кўнгилда ректор бўлиш орзуси йўқ эмасди ростини айтсан. Айтадиларку, генерал бўлишни орзу килмаган солдат солдат эмас деб. Сизга айтсан, ушбу институтга 1985 йилда ректор бўлиб тайинланишимга бир баҳя колган. Бу лавозимга ўша пайтдаги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири С.П.Пўлатов тавсия килган. 15 номзоддан фақат камина номзоди Ўзбекистон МК Фан бўлимидан ўтиб, Марказий Комитет бюросига 20 июл куни тақдим этилган. Ҳужжатларимни Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети котиби куриб чиккан. Лекин нимаям бўлиб вазир С.П.Пўлатов ишдан олиниб, 18 августда Тошкент автомобил-йўллар институтига ректор қилиб юборилди. Замонанинг гардишини қарангки, қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг мутахассиси бу гал ўзи учун бутунлай ёт бўлган соҳа, автомобил ва йўллар институтига раҳбар этиб тайинланди. Ҳужжатларим эса собиқ компартия Марказий Комитетининг столида қолиб кетди. 10 йилдан сўнг иккинчи марта ректор бўлишга имконият пайдо бўлди. «Нима килмоқ керак?» - деган саволни ўз-ўзимга Бердим. Ахир менинг ҳам мақсадим ушбу даргоҳни ривожлантириш ва унда замонавий таълимни жорий этишдан иборат эмасми?! Ана шу вактда хаётимда катта бир воеа рўй берди. Феврал ойининг бошларида Эроннинг Ўзбекистондаги элчихонасидан бир мактуб олдим. Бу хатда менга Халкаро ал-Хоразмий мукофоти берилганлиги ва уни олиш учун 8 феврал соат 12 да Техронда бўлишим ва бу мукофотни менга шахсан Эрон Президенти топшириши ёзилган эди. Лекин, мутассадди идоралар сансалорликлари сабабли у ерга боролмадим. Шуниси мамнуният бахш этадики, Эрондан келган хушхабарни Президентимиз эшишиб «Ўзбекистонда ҳам дунё тан олган Олимтаримиз бор экан», - деб хурсанд бўлибдилар. Албатта, бу менинг камтарона меҳнатларимга

берилгани юқори баҳодир. У киши миллат обруси учун тер тұкаёттеган олимлар хизматини юксак қадрлайдылар ва бундай фидойи инсонларни башта күтариадылар.

Менга берилиши лозим бўлган мукофотни Ўзбекистоннинг Эрондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрон Президентининг қўлидан қабул қилиб олди ва ўша куни кўнғирок қилиб табриклади. Диплом ва мукофотни Эроннинг Ўзбекистондаги элчихонасига диппочта орқали юбора жагини айтди. Эроннинг Ўзбекистондаги элчиси 26 феврал куни эса «Наврӯз» ресторанида менинг шарафимга зиёфат уюштириб, мукофотни топширди. Мукофот топшириш маросимида Ўзбекистоннинг ўша вактдаги ташқи ишлари вазири Абдулазиз Комилов (ҳозир Ўзбекистоннинг АҚШдаги фавқулодда ва мухтор элчиси), Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ўша пайтдаги Президенти Абдулаев ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Ҳалқаро техника фестивали раҳбариятига, Эрон президенти ва мени шу даражага етишимга сабабчи Устозларга ўз миннатдорчилитимни билдиридим. Тадбирда иштирок этган Эрон элчиси эргага Эрон ташки ишлар вазири Тошкентта келиши ва у билан бирга Ўзбекистон Президенти кабулида бўлиши ҳамда Ислом Абдуғаниевичга мукофот топширилганлиги тўғрисида ахбор от беражагини айтди. Ҳакиқатдан ҳам эртанги куни бу учрашув бўлиб ўтди. Мартнинг бошида Президентнинг давлат маслаҳатчиси А.Азизхўжаев (ҳозир Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари) институтга келиб, навбатдан ташқари Илмий Кенгаш чакирди. Бу кенгашда ўртага бир савол кўйилди: «Сизнинг фикрингизча, ким ректор бўлиши мумкин? Ҳар ким ўз номзодини - фактат 1 кишини ёэсин» деди у. Проректор F.Саматов - 28, декан Ш.Бўтаев - 14, кафедра мудири С.Қодиров - 8, кафедра мудири Т.Асқархўжаев эса 6 та овоз олишга муваффак бўлишибди.

Бундай Илмий Кенгаш бўлиб ўтганини эртанги куни эшилдим. 2-3 кундан сўнг А.Азизхўжаев собиқ проректор А.Багдасаровнинг хонасида юқоридаги номзодлар билан яккама-якка сухбатлашди. Мен чакирилганимда бу хонадан Т.Асқархўжаев чиқиб келаётган эди. Ичкаридан кимdir мени «киринг» деб таклиф этди. Савол-жавоб асосан ўқиш жараёни ва ундаги қатор камчиликлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари ва бартараф этиш усуслари ҳакида бўлди. Назаримда, жавобларим давлат маслаҳатчисини қаноатлантириди.

Номзодимни кўпчилик ҳамқасбларим қўллаб-кувватлай бошлади. Узбекистон Олий ва ўрта маъсус таълим вазирлигига декан Ф.Маҳмудов, академик О.Лебедев ва кафедра мудири Л.Хакимов холис тавсиянома ёзиб юборишиди. Апрелнинг бошларида А.Азизхўжаев яна ўз хузурига чорлади ва сухбат ярим соат давом этди. Мулокот институтда авж олган порахўрлик ва унга карши кураш чора-тадбирлари ҳакида бўлди. У менга: «Уларни биласизми?» - деб саволомуз қаради. «Биламан» - деб бош силкидим. «Сиз улар билан кураша оласизми?» - деди яна у. «Албатта, агар қўллаб-кувватлаб турсангизлар», дедим. Сухбат асносида институтдаги барча қинғир ишлар уларга маълумтигига ишонч хосил қилдим. Яна у киши менга шуни таъкидлади, Президент хузурига З та хужжат олиб кирилган ва у киши менинг номзодимни муносиб кўриб тўхталган.

Худди шу даврда Анвар акам оғир хаста эдилар. Март ойида улар Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий-тадқиқот марказига ётдилар ва аниқ ташхис қўйилгач, у ердан шаҳар онкология касалхонасига кўчирдим. Муолажалар кор килмади, З апрелда яна уйга олиб келдик. Афсус, умри кисқа экан, 9 апрелда жон таслим этдилар. Қайғуга ботдим, акангдан айрилиб қолсанг кийин экан. Қўнглимга

чироқ ёқса ҳам ёришмайди. Ҳамма ҳамдардлик билдиради. Кошкийди, айрилиқ тасалли билан даво топса?! Такдир экан, кўниқмай наилож.

Апрел ойининг охирида яна Президент девонига ча кирилдим. Ўша вақтдаги давлат маслаҳатчиси Т.Алимов (ҳозир Узбекистон Байналминал маданият маркази раҳбари) қабулида бўлдим. 40-45 дакиқалик ўта жилдий сұхбат давомида автомобил транспоргининг ҳозирги аҳволидан тортиб, илмий-тадқикот жараёнигача, порахурлик ва институтдаги иллатларидан тортиб, унга қарши кўриладиган чора-тадбирларгача, ҳамма-ҳаммаси атрофида фикрлашилди. Ўз фикрларим ва дастуримни исфодалаб бердим. Маъқул бўлди шекилли, «бўлти, ўзимиз хабар берамиз» - деб самими хайрлашди.

10 июн куни жияним билан «Мерседес» автобусларининг тақдимоти маросимига қатнашиш учун кетдим. У өрдан тушда қайтиб келсан, институтимизда яна Илмий Кенгаш бўляяпти. Маълум бўлдики, проректор F.Саматов ректор хонасига кўчиб ўтди. Бу «кўтарилиш» расмана Байрамга айланниб кетди. Эртасига менга проректор хонаси бўшатиб берилди. Ажабланарлиси, узиб кўйилган телефон, эски стол-стул, дакқионусдан колган шкафли хонада енг шимариб ишга тушиб кетдим. Тақдирга тан бериш, азалий одатим. «Ҳақикат ўз ўрнини топди. Сиз бунга лойиқсиз» дейишди якин кишиларим шунда. Энг кизиги шуки, на ишхонам, на уйимда телефонлар ишлайди. Хайронман?... Кимга керак бўлиб қолли бундай майнавозчилик?! Жума куни тонгда F.Саматов отамнинг йигирмасини ўтказиб келаман (2 хафта олдин отаси қазо килган эди) деб, Сурхондарёга жўнаб кетди. Шанба куни эрта билан проректор Ж.Рўзиев ички номердан кўнғироқ қилиб табриклади. Мен буни проректорлик лавозими билан қутлаяпти деб ўйлапман.

Аслида, у... Бироз вакт ўтгач собиқ проректор Д.Багдасаров хонамга тиржайиб кириб келди ва ректорлик билан муборакбод эта кетди. Ҳайрон бўлдим, ҳазиллашяпти, деб ҳам ўйладим. Унинг гапида жон борга ўжшарди. Чунки у ё ҳасад қилиб, ё кек сақлаб беш кун давомида мен билан лоақал гаплашмаган ҳам эди. Энди эса биринчилардан бўлиб... Гапига қараганда, унга вазир қўнғироқ қилган ва жума кеч соат 5 да Президент каминани ректор этиб тайинлаш ҳақидаги фармонга имзо чекканлигини айтган. Менинг эса ҳеч нарсадан ҳабарим йўқ. Ваҳоланки бошқалар бу янгиликдан ўша куниёқ воқиф бўлишган.

Соат 10 ларда Вазир мени бошқа телефондан йўқлади ва соат 15⁰⁰да кичик залда ҳаммани йиғишни буюрди. Соат 12⁰⁰да мени яна А.Азизхўжаев қабул қилди ва яна бир бор институтдаги қамчиликлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида гаплашиб олдик. Маслаҳатчига «ишончни албатта оқлайман» - деб сўз бердим ва институтга равона бўлдим. Соат 13⁰⁰ ларга якин институтга ўша пайтдаги Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири О.У.Салимов (хозир вазир малсалаҳатчиси) келди. У қулогимга шивирлаб, «Мажлисда сизга тош отадиганлар ҳам бўлар эмиш», - деб айтди. Мийигимда кулиб, «Бударгоҳда ҳеч кимга ёмонлик қилган эмасман, бироғдан тилим кисик жойи ҳам йўқ», - дедим дадил туриб. Фикримдан бироз кўнгиллари жойига тушди. Соат 15.00 га институт фаоллари кичик залда тўпланди. Ўша даврдаги бош вазир муовини С.Сайдқосимов Президентнинг фармонини ўқиб эшиттириди: «Президент тайинлаган ректорга қулоқ солиб, бир тану бир жон бўлиб ишланлар. Юмалоқ иғво хатларни ёзишни тұхтатинглар» - деди сўзини давом этиб. Суз менга тегди. Кўнглимдан, «Юргурғаники эмас, Буюрганники эканда», - деган фикр

үтди. Қувонганимни сөздирмасликка ҳаракат қиласан. Бир томондан, елкамни масъулият босади. Юртбошимизга ўз миннатдорч илигимни билдиридим ва бор кучимни жамоани бирлаштириб, институт обрў-эътиборини кутаришга вайда бердим. Қўштирнок ичидаги дўстларим лага нбардорлик тўнини кийиб, бирпаста мен томонга ўтишди.

Шундай қилиб, бир ҳафта ўтар ўтмас проректорликдан ректорликка қўтарилидим. Оллоҳга беадад шукрки, орзуларим амалга ошиди. Сизга айтсам, 1965 йилда Москвадаги кулбамиизда аспирантлар билан йигилганимизда (яъни Омон, Сурат, Марат, Ҳаёт ва бош қалар) келажакда Тошкент автомобил-йўллар институти очилиши ҳакида сўз борганда, каравотда китоб ўқиб ётиб, мен ректор бўламан, деб айтган эканман. Фаришталар ўшанда омин деган экан. Аммо, бунинг учун 30 йил тинмай тер тўкиб меҳнат қилинди, доктор, профессор, фан арбоби, мухбир-аъзо унвонларига эришиш насиб этди. Дунё илм йўлидаги хизматларимни эътироф этди. Энг муҳими, Президент ва ҳалқ назарига тушдим. Илм ахли ихтиро-ю қашфиётларимни муносиб баҳолади. Нимагаки эришган бўлсан, барчаси илм ва меҳнат туфайли.

Ректор хонасига киришга шошилмадим. Чунки бу даргоҳда бир инсон вафот этганди. Унинг руҳини шод килмасдан турраби, хонага кириш удумларимизга зид келади. Жума куни олдинги ректорларнинг қариндош-уругларини, институт оксоқолларини йиғиб Қуръон тиловат қилдик. Оқ фотиха беришли ва шундан сўнг рекфорлик курсисига ўтирдим. Шу кунларга етказгани учун Оллоҳга шукр.

1 АВГУСТ – СИНОВ....

1-август олий ўкув юртларида синов палласи. Тест-талабаликка ўтиш күприги. Ким агар күприкни мустаҳкам қурган бўлса-бахтидир ва у талабалик чўққисини эгаллади. Устозига раҳмат!

Кимки, күприкни килдан, нобоп ёғочдан қурган бўлса паст баллар билан у дарёга қулайди. Демак устозлар ўз бурчларини яхши бажармаганлар. Назаримда, бу йил 2003 йилдаги шпаргалкаларга бир оз чек қўйилди. Абитуриентнинг кўлидагилар эса эски, бултургилари иш бермади. Ўйлайманки, тест синовларидан юқори билимли абитуриентлар ўтди ва институтларда уларни тарбиялаш ва ўқитишда муаммолар туғилмайди.

Фақат шартнома (контракт) пулинин тўлаш муаммоси туғилиши мумкин. Бу соҳада ҳам маълум ишларни амалга оширидик. Бизнинг соҳаларимиз раҳбарлари билан маҳсус битим имзоланганд. Унга мувофиқ биз уларнинг ёзма илтимослари асосида бўшаб қолган ўринларга абитуриентлар, яъни студентлар қабул қиласиз. Улар эса талабаларга контракт пулларини ўтказиб берадилар ва келажакда ўзларининг ташкилотларини етук кадрлар-мутахассислар билан таъминлайдилар. Автомобилчилар, автомобилсозлар, йўлчилар ва метросозлар сулоласи давом этади.

Бу йил 4 мингтага яқин ҳужжат қабул килинган бўлса авто-йўлчилар сулоласига мансуб абитуриентлар ҳам жуда кўп. Улар ўз оталарининг, боболарининг ишини давом эттириш иштиёқида. Бу жуда яхши: «қуш уйидаги кўрганини қиласи» - дейишади ку. Институт олимларининг фарзандлари ва набиралари ҳужжат топширишган ва ўйлайманки, яхши тайёргарлик ҳам куришган. Афсуски барча фарзандлар грантта кира олмайди. Маълум бир кисми контрактга тушади. Уларни ҳам моддий жиҳатдан

қўллаш савобли иш бўлади. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, савобли ишни ҳар ким килиши керак. Мен ҳам бир раҳбар сифатида шу институтда меҳнат қилаётган устозларнинг фарзандларига ёрдам беришга ҳаракат киласман, чунки улар нажот излаб мени ёнимга киришади. Бунинг учун соҳа раҳбарларини шу савоб ишга кўндиришим керак. Бу албатта осон иш эмас. Катта дипломатия керак! Оллоҳга шукр, Ҳомий ташкилотларимиз етарли: Улар «Ўзавтойўл», «Ўзавтосаноат», Тошшаҳарйўловчitrans, Тошметроқурилиш, Тошвилоят-транс, Тошюктранс ва х.к. концерн ва уюшмалар. Ва ниҳоят, абитуриентлар тест саволларига жавобларни белгилаб чикишди, ким нимага қодир бўлса шуни белгилади. Натижа 10-12 кунда чиқса керак, бу кунни 3980 абитуриент ва унинг ота-оналари орзиқиб кутади. Афсуски, кимгадир баҳт кулиб боқали, кимгадир-акси.

Хафа бўлишнинг, менимча, ҳожати йўқ, чунки ким нима эккан бўлса, шуни үради. Ўзбекларда мақол бор «Агар бурнинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама!». Айбингни ўзингдан қидирсанг фойдадан ҳоли бўлмайди. Келажакда хатога йўл қўймайсан.

Айрим абитуриентларнинг ота-оналари Фирибгарларнинг қўлига тушган бўлишлари мумкин. Бу ҳолат ҳар иили қайтарилмоқда. Содда, хом сут эмган банда ё кўчадаги қаллобларнинг ёки институтдаги Фирибгарнинг қўлига тушади. Институтдаги муттаҳамларнинг исми-фамилияси бўлса ва бу иш тасдиғини топса унинг думи тугилади, талабами-ўқитувчими барибир. Бундай воқеалар бўлган. Афсуски, Фирибгарлик давом этаяпти. Барча жойларга ота-оналар учун маҳсус эълонлар осиб қўйганмиз. Лекин.... шунга қарамай қармоққа илинишмоқда, сўнг йиғлаб юришади.

Эх, содда ўзбегим! Бунинг ўрнига репетитор ёллаб эркатойга қўшимча билим берса бўладику. Шпаргалка ёрдамида омади чопиб қириб кетди, дейлик. Хўп, у энди қандай ўқийди? Бундан буён бизнинг институтда билими йўклар - ўқишни хоҳламайдиганлар ўқий олмайди. Шундай муҳит яратилди. Билими бўлса адолатли баҳосини олади, бўлмаса-йўқ. Бу йил юздан ортиқ талаба ҳайдалди. Мезон бигта - билим, билим ва яна фақат билим.

Афсуски кўпчилик ота-оналар ва қоракўз ўзбек ёшларимиз бу аксиомани тушуниб етишмаяпти. Бозор иқтисоди шароитида билимсиз инсон яёв одам каби, билимли инсон учкур от каби ҳаракат қилишини наҳотки англамайдилар. Ўзбекистон келажагини ўрта миёна билимли кадрлар белгиламайдику? Наҳотки, миллий ғурур йўқ?

Бор! Лекин 10% ёшларда. Бу етарлими? Менимча, етарли. Чунки тарихдан маълум - миллат равнақини, давлат тараққиётини фақат 2-3% талантли инсонларгина белгилар экан. Тарихга назар ташланг. Демак истеъоддларни излаб топиб тарбиялаш лозим. Улар эса миллатимиз шаъни-шавқати, келажагидир. Ўзбекистонни дунёга танитувчи идир. Бу жабхада тинмай меҳнат қилиш устозларнинг миллат олдидағи вазифалари идир.

ТУЗОҚ

Замонанинг зайлни билан, Президентимизнинг назарига тушиб, Оллоҳ иродаси ила менга ректорлик лавозими насиб этди. Мана 9 йилдирки, бу мушкулот вазифани баҳоли қудрат, лекин сидкидилдан бажариб келмоқдаман. Салоҳиятли, ташкилотчи, журъатли ва адолатли, тадбиркор ва айтган сўзида турадиган инсонга бу ишнинг ғифирлиги йўқ. Фақат барчани (ҳам ўқитувчиларни, ҳам ходимларни ва талабаларни) бир

мақсад сари, яъни ватан равнаки ва манфаати йўлида жисплаштириш даркор. Бу иш осонми? Афсуски, йўқ. Бунинг учун кунни тунга улаб, астойдил меҳнат килмок зарур. Тушганишимча, ректорнинг шиори ўзундай бўлмоғи зарур: «Менинг қабулимдан бирор бир киши норизо бўлиб чиқиб кетмаслиги керак». Демоқчиманки, инсонларга кўлдан келганча яхшилик, меҳрибонлик қилиш ва, қолаверса, керакли маслаҳатни бериш айни муддао. Умр давомида ўзинга дўстлар (хайриҳоҳлар) орттириб боришинг даркор. Утиш даврида олий даргоҳни баркарор холда тугиб туришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ҳамиша дўстларнинг ёрдами қўл келади. Ректор бўлганингдан сўнг кўп қишиларнинг иши сенга тушади. Баъзилари юкори ташкилотлардаги раҳбарлар кўнғироғи орқали ҳам келишади. Қонун даражасида ёрдам ҳам берилади. Секин-аста илиқ муносабат пайдо бўлади ва ўзингиз уни дўст деб ўйтай бошлайсиз. Инстигутга кириш имтиҳонлари яқинлашиб колганда у сенга жиянимнинг ўқишга киришига ёрдам беринг, деб сўрайди. Сиз унга бу иш кўлингиздан келмаслиги, унинг ягона йули тайёрлов курслари эканлигини тушунтирасиз ва ўшаларга олиб боринг, деб чиқариб юборасиз. У эса сенинг ишончингни суюстемол килиб, «жияни»нинг отасидан мўмайгина пул ундиради. «Менга ректор ундей деди, бунча деди» - ёлғон гапириб, содда қишиларничув туширади. Ректор унга «Бола тайёргарлик кўрсин. Худо хоҳласа кириб кетади», деб тасалли берган бўлади, халос. Чунки ректор ҳар кимни ноумид килиб чиқариб юбориши мумкин эмас. Бу Оллоҳга ҳам хуш келмайди. Ҳар бир инсон ректор ёнига бир умид билан киради. Бирор ректорнинг қулидан ҳеч нарса келмаслигини тушунади, бирор асло тушунмайди.

Бола ўқишга киролмагандан сўнг товламачи сувга тушган мушукдек бўлиб қолди ва гумшуғидан илинади ва

сўроқ қилинганда, бир қисм даромадни ректорга бермоқчи эдим, деб бўхтон курсатма Бера бошлайди. Чунки у қопқонга илинган сичкондек нима қилиб бўлса ҳам қутулиб чиқиб кетиши керак-да. Лекин юзлаштирилганда «мен бу номаъкул ишни ёлғиз қилганман» деб дийдиё килишга ўтади. Қиссадан хисса шуки, ректорлар, огоҳ бўлинглар, тулки қиёфасидаги «дўст»лардан нарироқ юринглар. Ҳаёт бу синов, яратган ҳалол бандаларига ҳаром луқма юбориб ҳам уларни синаб куради. Ён-теварагингда замонавий шайтонларнинг пайдо булиши ҳам тақдир имтиҳони. Шунинг учун ўз мақсадингда катъий туриб ҳаракат қилишинг, фирибгарлар тузоғига илинмаслигинг лозим. Ўзини асрори тангри ҳам асрайди. Парвардигор ва қонундан кўркинг.

СИНФДОШ УЛФАТЛАР

1947 йилнинг 1 сентябрида ilk марта мактабга яни биринчи синфга қабул қилиндим. Бу Октябр (ҳозирги Шайхонтохур) тумандаги М.В.Будённий номидаги 111-мактаб эди. Хўжапархондан мактабгача 1,5 чақирим йул, устига устак, яёв Бораман. Тор кўчалар, йуллар тупроқ-қум бўлганилиги учун иссиқ кунлари чангдан кўз очолмайсан. Асфалът, равон йуллар ўшанда қаёқда дейсиз. Маҳалладошлардан акам, камина, Собир, Соат; Аллондан Борий, Музроб, Тулаган, Ҳабиб, Олим ва Озодлар синфларга булиниб ўқий бошладик. Мен, Собир, Соат, Тулаган, Ҳабиб, Олим - 1^нда устозимиз эса Фиёсқори aka Мусаев. Унинг қўлида «Алифбо»ни ўргандик. Биринчи муаллимимга умрбод таъзи мдаман. Жойлари жаннатда бўлсин раҳматлининг. Ўшанда фамилиям Муқадиров бўлган, кейинчалик бобомнинг номига ўтганман. Сабабини ҳали ҳануз билмайман. Қирқинчи йилларни

эсласам, юрагим оркага тортиб кетади, электр чироклари йўқ, жинчироқ ёқиб дарс тайёрлаймиз. Бир-биrimizни гира-шгира кўрамиз, холос.

Кўчамизning бошидан катта анҳор ўтарди. Сузишни биринчи бор шу ерда ўрганганман. Сувдан чиқиб мазза қилиб, қоринни тупроққа (иссиқ) белаб ётардик ва баданимиз «курбака» пўсти бўлиб кетарди. Кечкуунлари беркинмачоқ ўйнар, кечалари эса онам ёки опам эртак айтиб беришар эди. Иккинчи синфда устоз Қўчкор aka дарслар сони қўпая борди ва ўқитувчиларнинг сони ҳам. Ўкув жадвалига рус тили, кейинчалик инглиз тили дарслари киритилди. Чет тилларни берилиб ўргана бошладик. Рус тили ўқитувчимиз Вера опа, инглиз тили ўқитувчимиз - Бэлла Семёновналар хушмуомала ва меҳрибон мураббийлар эди. Устозлардан умрбод миннатдорман, чунки мактабда олган билимларим ҳаётим давомида қўп асқотди. Ҳар бир зиёли инсон бир неча тилни билиши шарт. Акс ҳолда у ўз қобигида ўралашиб колади. Афсуски, бу ҳақиқатни кўпчилик ёшлиаримиз тан олишни ҳоҳламайдилар. Ўзбек тилига 1989 йилда давлат тили мақоми берилиши катта ютуқ ва ғалаба бўлди. Лекин, сарҳисоб қилиб кўрсан, иш хужжатлари, мажлислар, институтларда дарслар факат ўзбек тилида бўлишига карамасдан, ўз она тилини етарли даражада билмайдиган, колаверса, ўз гапини гушунтириб бера олмайдиган ёшлиаримиз бор. Ўзбекчада ариза ёздириб кўринг, камида 5-6 та имло хато қиласи бояқиш. Бунга бирор эътибор қиласи, бирор - йўқ.

Ёшлиаримиз баландимоғ чала-ярим рус тили ҳам, афсуски, унугилиб бўлинди. Аммо, чет тилларни билиш кони фойдали. Аксарият дарсликлар рус ва инглиз тилида. Уни кимлар ўқийди? Албатта, факат тил биладиганлар.

99% талаба келажақда қандай иш юритади? Чет элдан келадиган барча йүрикномалар рус, инглиз ёки нөмис тилида-ку?! Ёшларимизнинг (айниқса, мухандисларнинг) тақдирин узок үйлантириб қўяди мени. Содда қилиб айтганда хато қилмаяпмизми? Жанубий Куря, Таиланд, Истроил, Чехия, Франция, Германия, Россияда бўлганимда кўрдимки, институт талабаларининг юқори курслардаги дарслари инглиз тилида ўқигишига утилган. Нега? Дунёни жаҳон тили билан «забт этиш» мумкин. Биз бу институтлар билан ҳамкорлик қилишга келишганмиз. Факат битта шарти Бор. Аспирант ёки ўқитувчи инглиз тилини билиши шарт. Нега улар ўз тилларини биринчи ўринга қўймаяпти? Чунки уларнинг ақли етади. Интернет орқали барча маълумотлар инглиз тилида ёки рус тилида берилади. Тил билган инсоннинг ошиғи олчи. Тараққиётнинг қалити тил билишладир. Чет тилларни мактабда анча пухта ўрганганлигим боис бу борада ҳаётда кийналмадим. Секин-аста инглиз ва рус тилларида ёзишни ўргана бошладим. Албатта, бунинг учун ўқитувчиларим менга катта ёрдам беришди. Хорижий лисонларни ўрганишимда Любовь Степановна, Фарида Ахатовна (рус тили муалимимиз) ва москвалик инглиз тили ўқитувчисининг хизматлари бекиёсdir. Шуни айтиш жоизки, уша замонда ўртоқларимиз билан инглиз изча оғзаки гаплашишнинг имконияти бўлмагани учун нутқим ривожланмай қолди, аммо ёзма нутқимга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Ўқувчилигимда секин-аста алгебра, геометрия, география, тарих, зоология, биология «дунёси»га кира бошладим. Физика, химияни ҳам яхши ўрганиб олдим. Ўқитувчиларимиз бизнинг муваффақиятларимиздан мамнун. Эсимда, уруш йилларига бағишлиланган спектакл қўйганмиз. Физикадан конференция ўтказга ғимиз. Математикадан мактаб бўйича

бизнинг синф энг кучли эди. Сабаби ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг 5-курс талабалари бизга дарс беришар, яъни амалиёт ўтишарди. Ўқитувчиларимиз: Фатхулла ака, Мажид Қодирий (математиклар); Зокир ака (физика); Ҳамидулла ака (тарих); Зиёвутдин ака (химия); Ахат ака (зоология); домла Рафиқов (география)лар ўз фанининг чукур билимдонлари бўлганликлари учун барча билимларни бизга бериш учун вақтларини аямаганлар. Шунинг учун бу мактабдан Ўзбекистонда таникли инсонлар етишиб чиқкан. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президенти бўлиб ишлаган марҳум Обид Содиков, Тошсаҳарнур бошлиғи - Содикжон Толипов, генерал Ўтқир Комилов, Тошкент вилояти ҳокими - Козим Тўлаганов шулар жумласидандир. Ўкувчиларнинг асосий қисми ҳеч қандай қийинчиликсиз институтларга кирада эдилар. Сизга айтсан, синфдошларимиз аксарияти олий маълумотлидир: Нигмат Ғойипов - ТошПИни 1962 йилда битирган. Кўп йиллар ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ва ТАЙ Ида бош механик лавозимида ишлаган. Афсуски, 2000 йилда вафот этган. Синфдошларимнинг «ёшуллуси» эди. Акром Зияходжаев - Самарқанд савдо институтини тутатган, Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кўмитасида инспектор, кейинчалик «Универсам» магазинининг мудири лавозимларида ишлаган. Ажойиб, ширинсухан ва олижаноб инсон эди. 1992 йили казо қилди. Мирсобир Мирагзамов - ТошПИни 1962 йилда тутатган. Умр бўйи илмий иш билан шуғулланди. Техника фанлари доктори, профессор. Ўздавстандартнинг илмий институтида бўлим мудири бўлиб ишлайди. Уни кори деб атаемиз. Абдуборий Юсупов - 1963 йили Андижон тиббиёт институтини тутатган. Юқумли касалликлар бўйича кўли енгил дўжтир. Ошқозон бўшлиғидаги яраларни даволаш хам қўлидан келади. Ҳозир нафақада. Анвар Ҳайдаров - 1962 йили

Тошкент алоқа институтини тутатган. Күп йиллар давомида Тошкент төлевидениесида ва Тошкент темир йўлида самарали меҳнат қилган. Ҳозирда - фахрий. Тўлаган Одилов - 1962 йилда Самарқанд савдо институтини тамомлаган. Күп йиллар давомида савдо соҳасида ишлаган. Фахрий бўлишига қарамай тадбиркор. Кўли гул инсон. Убайдулла Абдуллаев - 1962 йили Тошкент темир йўли институтини тутатган. Қурувчи-инженер. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига катта лавозимларда меҳнат килди. Ҳозирда ТАЙИда бош қурувчи лавозимида меҳнат қилмоқда. Олим Орифжонов - Тошкент педиатрия институтини 1963 йили тутатган. Аптекачи. Ҳусусий аптеканинг бошлиғи бўлиб ишлаб, афсуски 2003 йили қазо килди. Махмуда Зияходжаева - бизларга 8-синфда келиб қўшилган ва Ақромга турмуш га чиқкан. Юқорида келтирилган синфдошлар 10 синфдан бошлаб гап-гаштакда улфатчилик килиб келадилар, хаш-паш дегунча бунга ҳам 44 йил бўлибди. 1970 йилдан бер и оиласиз билан бирга йиғилиб турамиз ва ҳар ойда бир марта учрашамиз. «Гап»да мактаб давридаги ҳазиллар, эсадаликлар тилга олинади. Беғубор ёшлиқ оламига тушиб қолгандек бўламиз, ҳамма teng, бир-бирини сенлаб гаплашади. Бир-бирига «зависимый» ҳам эмас. Баралла гаплашилади, танқид ҳам, асқия ҳам, барчага баробар. Ҳакиқий дўстлар, назаримда, ана шундай бўлади. Улар доим бир-бирини йўқлаб туради. Тўйингда ҳам, оғир қунингда ҳам бирга. Садоқатли дўстлар. Илоё, улар ҳамиша омон бўлсин!

ҲАЁТДАГИ УСТОЗИМ

Баланд бўйли, бақувват, қотмадан келган бу инсон бағрикенг, софдил, меҳрибон ўзбек тимсоли ва букилмас иродга соҳибидир.

Оқил ака бутун умрини мамлакат олий таълими ва илму фанини ривожлантиришга сарфлади. Қаерда ишламасин, одамийлигини йўқотмайди, камтарлигини қўлдан бермайди. Мени бу олижаноб инсонга илм яқинлаштириди. Бора-бора бу ришта устоз-шогирдлик муносабатига айланди. Устоз ҳакида ёзар эканман, Оқил ака Билан бўлган учрашувларим, сухбатларим тафсилотлари миямда чарх айланади.

Оқил Умурзокович 1953 йили МАДИда номзодлик диссертациясини химоя килгач, 1961 йилгача Ўрта Осиё политехника институти (САЗПИ)нинг механика факультети декани муовини бўлиб ишлади. Айни вақтда «Ички ёнув двигателлари» ва «Эксплуатацион материаллар» фанларидан дарс берди. Ушбу даргоҳдаги талабалик даврим, хусусан 1957 йилги пахта терими мавсуми ёдимда. Октябрнинг тўргинчи куни, биз, биринчи курс талабалари, Тошкент вилоятидаги Бўка гуманинг далаларига етиб бордик. Автомобилчилар бригадасига Оқил Умурзокович раҳбар бўлдилар. Биз у қиши билан пахта далаларида ва хирмонларида яқиндан танишдик. Оғир-босик ва меҳрибон раҳбар хар бир талабанинг кўнглига йўл топа оларди.

Иккинчи курсда ўқиб юрган кезларим «Материаллар қаршилиги» фанидан илмий маъруза килганимдан сунг Оқил Умурзокович менга «Автомобиллар» дарслигини шахсан ўз дастхатлари билан совға қилган. Бу мени илмга қизиқишимга туртки бўлди. Мен уни ҳозиргacha қимматбаҳо мулкдек саклайман.

Мен, одатда имтиҳонларга биринчи бўлиб кирав ва жавоб беришда ҳам биринчи эдим. Уйдан нонушта қилмай чиқар эдим, шунда мия яхши ишлайди, дейишарди. Лекин, бир марта «Металлар технологияси» фанидан имтиҳонга кечикиб қолдим, ўқитувчи ҳузурига соат 12 да

кирдим. Билетни олиб, партага ўтирганча саволларни ўқийман, қани әнди фикрларни тұплай олсам! Бошим айланиб, құнглым күтарила бошлади. Туриб, ўқитувчим доцент Якунин олдига бориб, жавоб бера олмайман деб, билетни қайтардим. У ҳам ҳайрон бўлди. Чунки у менинг яхши ўқишимни биларди-да. Ноиложкликтан шекилли, «ведомост»га икки баҳо қўиди. Хонадан чиқдиму, Оқил Умурзокович хузурларига кириб, руҳсатнома сўрадим: аълочи талаба шундай мурожаат билан келганига у киши ҳам ажабланди ва шу заҳоти руҳсатнома ёзиб бердилар. Эртасига тушдан кейин имтиҳонга кириб билет олдиму, тайёрланмасдан ҳамма саволларга шартта-шартта жавоб бердим. Якунин менга "5" Баҳога жавоб бердинг - у, лекин кеча 2 олганлгинг сабабли ҳозир "4" дан ортиқ баҳо қўя олмайман» – деди. Баҳони қўйиб бўлди-ю, «Нега бундай бўлди?» деб сўради. Мен унга имтиҳонларга нонуштасиз бориш одатимни, лекин бу сафар кечикиб, жуда очикқанимдан ўзимни ноҳуш ҳис қилганимни айтдим.

«Ички ёнувдвигатели» фанидан курс лойиҳаси бўйича Оқил Умурзокович менга раҳбарлик қилган эди. Бу даврда дарсликлар мутлақо йўқ, шу сабабли раҳбарим Алишер Навоий номидаги кутубхонага аъзо бўлишим кераклигини, у ерда Каргополовнинг китобини топиш мумкинлигини айтдилар. Унда менга зарур двигательнинг 5x5 см ўлчамдаги қундалант кесими бор экан. Шу чизмадан фойдаланган ҳолда курс лойиҳасини бажаришим мумкин эди. Шундай қилдим ҳам. Курс лойиҳаси яхши чиқди, баҳо ҳам яхши бўлди. Энг қизиги, 60-йилларда ҳам талабалар кўпинча лойиҳаларни бир-бирларидан кучирап эдилар. Мендан арман дўстим кўчириб олиб, у ҳам яхши баҳо олди. Мен тер тўкиб 3 ой меҳнат қилдим. У бўлса 1 кун ишлади. Натижা эса бир хил. Югурганники эмас, буюрганники деганлари шудир-да?

Тұрғинчи курсдан сұнг Оқыл Умурзокович Москва автокорхоналаридан биридаги ишлаб чиқариш амалиётида бизга раҳбарлик қилди. Бу ерда раҳбаримиз АТК фаолияттінг бутун технологиясینи яхши әгаллаган ғұлдарига гувох бұлдық. Бешинчи курсда үқиёттегінде Оқыл Умурзокович факультет декани бұлды ва менинг тақдиримде ҳал қилувчи роль үйнади. Чунки онам Оқыл Умурзоковичдан маслаҳатлар олиб, у киши айтганидек іш туғишимни тайинлаб турар әдилар. Онам у кишини яхши билар ва жуда ҳұрмат қиласынан. Мен ҳам Оқыл Умурзоковичнинг оналарини яхши танирдим, сингиллари Лола ола ва күевлари курсдош дүстім Мухсин ака хонодонларига келгандырыла күриш турадым.

Битирудчиларга Тошкентдан ха деңгана иш топилмасди. Шунинг учун республика вилюятлари ташкилотларидаги бүш иш үринларига тақсимот үтказилар ва бу билан битирудчилар вилюятлар бүйлаб «сочилиб» кетарди. Яңғиер шаҳридеги АТКни танладым. Чунки корхона узок Бұлсада, маоши чакки эмас экан. Құп үтмай «Автомобиллар» кафедрасы мудири Н.Абрамов чақириб, ассистенттікка тақлиф этди. Бирданияға рұйхұщлық бермадым. Үйге шошилиб, волидамға маслаҳат солдым. Онам олиммік истиқболи билан қызықдилар ва деканимиз Оқыл Умурзокович билан маслаҳатлашишга юбордилар. Оқыл ақа: «Қолавер, мен сени МАДИға максадлы аспирантурага юбораман» - дедилар. Шу тарика, ассистенттік вазифасынан розиilik бердім ва тақдиримде бурилиш ясалды. Шунинг учун Оқыл Умурзоковични үз мұраббийим ва устозим деб биламан. Ҳаётда нимагаки эришган Бұлсам, у кишининг маслаҳатлари ва мададлари туғайли, шунинг учун улар олдида қарздорман. Ҳатто аспирантурада үқиған йилларимда қаерда ишламасынлар, проректорми ёки КПМК бўлими бошлиғи лавозимидами,

мени құллаб-қувватлаб ёрдам бердилар. Мана 41 йил үтибдикі, мен Оқил аканинг доно маслағатларидан баҳраманд бўлиб келаман.

Кунларнинг бирида дон ишманддан сұрабдилар: «Айтишларича, сиз онангиздан ҳам кўра устозингизни кўпроқ хурмат қиласмишсиз?» У жавоб берди: «Тўғри, онамдан мени дунёга келтиргани учун қарздорман, яъни у отам билан бирга мени осмондан ерга туширди. Устозим эса мени осмонга кўтарди».

1962 йилнинг октяброда Оқил Умурзоқович мени МАДИнинг максадли аспирантурасига, яъни «Автотрактор двигателлари» кафедрасига, ўз устозлари профессор М.С.Ховах ҳузурига юбордилар. Бироқ иш мен ўйлаганчалик бўлмади. Олган билимларим аспирантурага киришимга етмади. Афсуски, айрим педагогларимиз бизга бўш билим берган, замонавий курилма ва асбоблар мавжудлиги ҳақида лом-мим демаган эканлар. Эҳтимол, уларда ҳам айб бўлмаган. Чунки ТошПИда техника фанлари бўйича зарур адабиётлар йўқ эди. Биз фақат конспектлардан ўқиб, имтиҳон топширадик. Кейинчалик бизга техникум дарслклари бўйича маърузалар ўқиганларини билиб, жуда ажабландим.

М.С.Ховах кафедра мудири эди, менга бир йил стажировка үтишни таклиф қилди. Москвадан турриб, Тошкентга, Оқил Умурзоқовичга телефон қилиб нима қилишим кераклигини сўрадим. «Бу йил стажировканинг иложи йўқ, ҳамма ўринлар банд. Кейинги йилга қолдирамиз, қайтавер» - дедилар. Мен қадрдон ТошПИга шаштим тушиб, лекин ўз устимда қаттиқ ишлаш нияти билан кайтдим. Москвада олий ўкув юртлари учун ИЁД бўйича чиқарилган бир неча дарслик сотиб олгандим, уларни синчиклаб ўргандим. Дарс бера бошладим, тинмай

ўқидим, устозларим ўтадиган дарсларга кириб, педагогика сирларини ўргандим.

1963 йилнинг октябрида Оқил Умурзоқовичнинг ёрдами билан МАДИга, бир йил муддатга стажировка ўтиш учун кетдим. Ўша кафедрага бордим, менга раҳбар қилиб доцент С.Е.Никитинни тайинлашди. Булажак тажриба двигателини лойиҳалашга киришдим, бир вактнинг ўзида «Иссиклик двигателлари» мутахассислиги бўйича китоблар ўқий бошладим. Бошқа талабалар сингари дарсларга катнадим, дарслик муаллифлари: А.Н.Воинов, В.М.Архангельский, М.М.Вихерт, М.С.Ховаҳ, К.А.Морозов каби педагог-олимлардан сабоқ олдим, ИЁД фанидан ҳамма лаборатория ишларини бажардим, «Материаллар қаршилиги», «Материалшунослик», «Машина деталлари» кафедраларига қатнаб унутган билимларимни тикладим, мустахкамладим. Кейинроқ К.А.Морозов назорати остида «Иссиклик техникаси» фанидан маъruzалар ўқий бошладим. Шу тарзда бир вактнинг ўзида ҳам талаба, ҳам педагог ва конструкторлик килдим.

Саксонинчи йилларга келиб МАДИ ректори В.Н.Луканин талабаларга ўқиган маъruzаларида менинг конспектларимдан ҳам фойдаланганидан ҳурсанд бўлиб юраман.

Оқил Умурзоқович Москвага тез-тез келиб, Ўзбекистонлик аспирантларнинг турмушидан, юриш-туришидан ҳабар олиб турарди, бир пиёла чой устида суҳбатлар қуарди, юртимиз ва ҳалкимизнинг бизлардан умиди катта эканини бот-бот таъкидларди. Биз, ўша ерда ўқиган аспирантларнинг ҳаммаси, гарчи Москвада яхшигина ишларни таклиф килишган бўлса-да, ўз юртимизга қайтиб келдик ва унинг равнақи учун ишладик, ишляпмиз.

Шундай қилиб, 60–70 йилларда Ўзбекистон зиёлиларининг шаклланишида, Республика раҳбари Шароф Рашидов, ЎзФА Президенти Ҳабиб Абдуллаев билан бир каторда Оқил Умурзокович Салимовнинг ҳам хизматлари бор. Ўзкомпартия МК котиби бўлиб ишлаган кезлари собиқ Иттифокнинг барча республикаларида, ҳалқлар ва миллатлар орасида Ўзбекистон кунларини ўтказиб дўстлик ришталарини боғлашда гайрат килиб жанбозлик курсатиб катта обрўга эга бўлганлар. Шу боис Оқил Умурзокович ўзбек ҳалкининг муносабатдан фарзандларидан.

Оқил ака қайси лавозимда ишламасин, одамларга эътиборли, хушмуомала, камтарона муносабатда бўлган. 1973 йилги бир воқеа ёдимда. Мен москвалик устозлар М.С.Ховах ва Г.С.Маслов ёзган «Автомобильные двигатели» дарслигини ўзбекчага ўгиришни тугатдим ва «Ўқитувчи» нашриёти билан уни нашр этишни 1970 йилда келишиб кўйган эдим. Орадан ўтган уч йилда нашриёт раҳбарлари ўзгариб кетган экан, янги раҳбар мен таржима килган китобни рад этди, хатто кўлига олиб қарамай, «ўзбек тилига таржима қилиш керак бўлса, ўзимиз ҳам килаверамиз» - деди. Илгариги келишувни эслатсам-да, гапга кўндира олмадим. Ҳафсалам пир бўлди.

Шу кезлари хўжалик шартномаси асосида илмий иш устида ишлардим. Москвага сафарим чоғида китоб гаржимаси ҳакидаги гапни М.С.Ховахга сўзлаб бердим. У «Ҳозир Тошкентга телефон қилиб, мени Оқил (улар жуда яқин эдилар) билан улагин» - деди. Ўша заҳоти қўнғироқ килдим. Икки устоз бир оз кўнгил сўрашиб бўлгач, Ховах: «Ўзбек талабаларига ўзбек тилида дарслик керак эмасми? - деди, - Сарвар менинг дарслигимни таржима килган экан, нашриётда у билан гаплашишни истамабдилар ҳам». Шундан сўнг Ховах телефон гўшагини менга берди. Оқил

ака: – «Тошкентга қайтгач, менга учрашгин,» - дедилар. Китоб чоп этиладиган бўлди.

Тошкентга келгач, МК қабулхонасидан ичкарига қўнғироқ килдим, гушакни Оқил аканинг ёрдамчиси М.Подлипский кўтарди. Ўзимни таништирганим заҳоти: «Сизнинг масалангиз ҳал бўлган. Олий таълим вазири Абдураҳмоновга учрашинг» – деди.

Вазир хузурига «учиб» бордим. Очик чехра билан қабул килди ва тегишли жойларга зарур топшириклар берди. Масала ҳал бўлди. Оқил Умурзоковичнинг узоқни кўра билиш қобилияти, тезкорлиги ва меҳрибонлиги бўлмаганида, мен техника адабиётларини ўзбекчага таржима қилишдан ёки ўзбекча дарслик ёзишдан совиб кетган бўлармидим?

70-йилларда собиқ Иттифоқнинг давлат матбуот қўмитаси рухсатисиз ўзбек олимлари на ўзбек тилида, на рус тилида техник адабиётни чоп этиши мумкин эди. Ўзбекистонлик олимлар фақат пахтачилик, ипакчилик, қоракўлчилик соҳаларида дарслик ёзишлари мумкин эди-ю, лекин техника соҳасида ёзишга ҳақсиз эдилар. «Марказ»нинг назарида ўзбеклар бундай китобларни ёзиш даражасига етиб бормаган эмиш.

Шундай қилиб, Оқил Умурзокович туфайли, 1977 йили Биринчи дарслик ўзбек талабалари қўлига тегди.

Яна бир воқеа эсимдан чиқмайди. Бу 1969 йили ТошПИ таркибидаги «Автотранспорт факультети»да бўлган эди. МК котиби Оқил Умурзокович олий таълим вазири нинг муовини К.И.Афанасьев билан биргаликда факультетда пораҳурликка карши мажлис ўтказиб, мени (янгигина фан номзоди ва бюро аъзоси бўлганим туфайл и) «Автотрактор двигателлари» фани бўйича масъул этиб тайинлашди.

Мажлисдан кейин пораҳұрлық йүқолгандек туюлди, лекин мен талабалар ва ўқитувчилар орасида бұлғаним учун бунга ишонмадим, чунки 74 нафар сиртқи талаба менга бирон марта күрінмай туриб, «ИЁД» фанидан аъло ва яхши баҳо олиб улгурибди. Мен бу ҳақда Оқил Умурзокович га ҳабар бердім. Партбюро масаланы үрганиб чикиб, айбдорларни жазолаш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин «хурматли, эътиборли» ўқитувчилар бор-йүғи хайфсан билан қутулишди. «Уларни ишдан ҳайдаш керак» деган фикрим танглай имда қотиб қолди, тилемни тишлиғанча қолавердім.

Оқил Умурзокович 70-йиллардаёқ пораҳұрлық деган иллатга қарши фаол қураш бошлаган раҳбарлардандир.

Үша кезлари Институт омборида уч йилдан бери двигателларни синашга мұлжалланған замонавий чет эл жиҳозлари чанг босиб, занглаб ётарди. Мен бир-икки ҳамкасабам ва талабалар билан биргалиқда (Оқил аканинг рухсати билан) ИЁДни синайдиган лабораторияни жиҳозлашга киришдім. Иш асосан тугаб, электрни улаш ва ишга тушириш қолганда жиҳозларни факультетта келтиришда бироз хизмати синганлар менга қарши баъзи бир даъволар билан чикишди. Оқил Умурзокович ҳамон МК да банд бұлсалар-да, мухокама мажлисига келдилар. Рақибларим 5 киши, мән эса, бир ўзим! Ҳамманинг гапини әшитиб, охирида Оқил ақа, «Сарвар нима ишлар қилған экан, бориб күрайлик-чи» - деди. Учта хонага илмий ускуна ва жиҳозларни үрнатыб қўйғанман, қайси бирида қанақа иш бажарилиши мумкинлигини сўзлаб бердім. Оқил ақа «Давом этавер!» дедилар-у, бошқа ҳеч бир сўз айтмай, ҳеч ким билан хайрлашмай, чиқиб кетдилар.

Қисқа, лўнда ва эътиро зга ҳеч қанақа ўрин колдирмайдиган қарор қилинди, ҳақиқат ўрнини топди.

Шу лабораторияда бир неча аспирант, докторант ўз ишини бажарди, минглаб талабалар сабоқ олди. У ҳанузгача ишлаб турибди, илм-фан ривожига хисса күшмокда.

Оқил Умурзокович атрофига доимо турфа: яхши, ёмон, ишончли одамлар гирдикапалак бўлгани ҳаммага маълум. Кимнинг кимлиги 80-йилларда «ўзбеклар иши» номи остида Ўзбекистон раҳбарлари бошига тушган савдоларда маълум бўлди. Баъзи «дўстлар» терговлар пайтида устозига тухмат тошларини отиб қўйишли. Бироқ, биз-ТошПИ механика факультетининг 1962 йилги битирувчилари, институт олимлари ва кўпчилик академиклар устозга содик колдик, қўлдан келганча уларни собиқ иттифоқ қонунлари олдида химоя қилдик. Оқил аканинг ўзлари ҳам мардонавор туриб ва асосан, Республика Президенти Ислом Каримов ёрдамида юзлари ёруғ бўлиб ноҳақ ҳибсдан чиқдилар. У даврнинг оғир юки фақат Оллоҳга ва ўзларига аён, биз эса, Оқил Умурзоковичнинг устозлик фаолиятлари учун шароит яратиб берган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдан миннатдормиз.

Машъум «ўзбеклар иши»дан кейин Оқил Умурзокович ТИҚҲМИни яна бошкардилар, 1991 йилда Ўзбекистон кишлоқ хўжалик академиясига академик бўлиб сайландилар.

Оқил Умурзокович бир вақтлардаги талабалари ҳозир ёши улғайиб қолган, турли-туман илмий даражалар-у, унвонлар олган шогирдларига ҳамон ёрдам қиласидилар, мадад берадилар. Бундай меҳрибонликлардан мен кўп мартаба баҳраманд бўлиб келаяпман ва бунинг учун Устозимга таъзим қиласман.

ЯХШИЛИК ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ТИББИЁТ-ТАБОБАТ-ТАБИБ

Менинг кўлим эмас, Лукмони Ҳакимнинг кўллари ёки Ибн Синонинг кўллари деб даволагувчи табиблар бор. Дунёда врачлар кўп. Айримлари ўта билимдон, ўз ишининг устаси, кўлидан ми нглаб bemорлар шифо топади. Бундай инсонлар хар бир қасалхонада бир неча нафар, холос. Уларни худо берган инсонлар дейишади.

Баъзилар бор, «имтиёз»ли дипломга эга-ю, лекин, консультантларнинг айтгани ни қилиб, врачлик қилаяпман деб кўкрак керади. Афсуски, кейинги йилларда қули енгил врачларимиз, айникса, бошқа миллат вакиллари кетиб қолишиди. Бу, албатта, катта йўқотиш, буни тан олиш керак. Уларнинг ўрнини Босадиган юқори салоҳиятли врачларни тайёрлаш заруратдир. Ўз навбатида, ёшларимиз дунёнинг энг ривожланган, замонавий ускуналарга эга бўлган клиникарида, илмий-текшириш институтларида малака ошириб келиши лозим. Шундагина аник ташхис қўйилади ва bemорлар тезда шифо топа бошлайди. Аниқ биламанки, Франциянинг энг зўр клиникаридан бирида ҳар куни 150 bemорнинг юрагида операция ўтказилади ва 7 кунда bemор оёқка туради. Албатта, бундай операция арzon эмас. Лекин асосий маблагни сугурта компанияси тўлайди, ҳар бир инсон ўзини сугурта қилдиради. Худо курсатмасин, биронта корҳол, нохуш ҳодиса юз берса, уни дарров компания ўз ҳимоясига олади ва зарур маблағ билан таъминлайди. Кейинги пайтда бизларда ҳам барча операциялар (оддийдан то мураккабигача) пулллик. Пул олдиндан берилмаса (ҳамма жойда эмас), bemор операция столига олинмайди ва бу билан касалванд инсоннинг шўри курийди. Ишонмасангиз, қизиқиб куринг... Агарда бизда сугурта компаниялари кун ўтарга ишламаганда бундай муаммо туғилмасди?! Чет элга чикаётган ҳар бир

фуқаро ўзини тиббий сугурта қилдиради-ку? Бу ҳақда ҳалқка тушунтириш даври келди, назаримда. Юртбошимиз ҳам ҳар бир фуқоро ўзини сугурта қилдириши айни муддао эканлигини мисоллар билан шархлаб бердилар. Шунда bemор хавотирга (пули йўклигидан) тушмасдан шифохонага боради. Клиникага бу пуллар ўз вактида ўtkазиб берилиши ва бундан жарроҳ моддий манфаатдор (ҳар бир операцияси учун) бўлиши мақсадга мувофик. Нима учун ҳар матчда катнашган тенинчи ёки шахматчи ўз чекига тушган пулларни қуртдек санаб олади?! Чунки, бу маблағ пешона тери маҳсули. Врачнинг улардан қаери кам?

Статистикадан ҳабарим йўғу, лекин ҳайит кунлари кўчаларда казо бўлганларнинг фотиҳалари жуда кўп учрайди. Демокчиманки, касаллик туфайли ўлим кўп. Баъзи бир кўчалардан ўтиб бўлмайди. Ҳар бир хонадоннинг олдида дўппи кийиб белбоғ bogлаганлар тизилиб туради. Дори-дармоннинг нарҳи осмонга чиқиб кетди. Касал бўлмайдиган давр келди. Пулинг бўлмаса дардингга даво йўқ. Азимаган касалликдан ҳам ўлиб кетиш мумкин. Касал бўлмаслик учун жисмонан чиникиш керак.

Халқ табобатида ҳам элнинг дардига малҳам бўлаётган табиблар борми? Ҳа, бор! Булардан бирини аниқ биламан. Шунинг учун бу инсон ҳақида икки оғиз сўз юритишни лозим топдим. Ёзмасам ўзимни гуноҳкор сезаман, чунки газеталарда кўпгина шифокорларга миннатдорчилик тарзида мактублар чоп этилади. Лекин негадир табиблар ҳақида очерклар кам. Озодлик-хурлик замони келдику?! Тибет табибларининг донғи дунёга тараалган. Ўзбек табиблариники-чи? «Куролмаслик ботқоги» бадном этган десам, муболага бўлмайди. Уларга йўл йўқ. Нима учун уларга ҳам ишониб, даволаш учун имконият яратиш

мумкин эмас? Нима эмиш, дипломи йўқ, сертификати йўқ. Балким унга Оллоҳ юқтиргандир. Мен билган табиб минг йиллик ҳалқ табобати тажрибаси ва Ибн Синонинг китоби ёрдамида даволайди. Тайёрлаган дориларининг таркиби Ибн Синонинг тавсиялари асосида. Улардан ўнлаб беморларни, даволаганларига қарамасдан шубҳаланишади. Бильякс ўзлаб беморлар операциядан чиқмасдан ўлиб кетаверса майлими? Бу ҳақда «тажрибали» врачлар яхши билишса ҳам табиб даволайман деса кўнишмайди. Чунки табиб даволаб тузатиб юборса уларнинг обрусларига путур етади-да!

Шундай табиблардан бири профессор Н.Мўминовнинг қўшниси Аномрат aka экан. Бургут кўзли, юзларидан нур ёғилиб турган, содда бу инсон уз касбининг устасидир. У бир қарашда сизга аниқ ташхис кўя олади. Ута мулоҳазакор. Дардингизни хис қиласди. Шифобахш гиёҳлардан ташқари ширин забон билан даволайди. Вактни қўлдан бой бермасликка интилади. Ўткир нигоҳлари худо берган зехн соҳиби эканлигини билдиради. Қатъиятлилик раҳмдиллик билан қўшилиб кетган. Шифобахш гиёҳларни номма ном санашда адашмайди. Хотирасининг кучлилигига қойил қоласан киши. Ибн Сино, Розий ва яна кўплаб табиб - аждодларимизнинг гиёҳ билан даволаш усувларини қиёслаб, таҳлил қила олади.

Ҳар битта сўзи бирам ёқимлики, жон озиги дейсиз. Ташқи кўриниши, юриш туриши, тийнати гўзаллигидан тақдирингизни унинг инон-ихтиёрига топширасиз. Кўрсатмаларига бўйсунасиз ва албатта, шифо топасиз. Фақат унинг йўл-йўриклари, тиббиёт тили билан айтганда, «рецепт»ларига рисоладагидек амал қилсангиз олам гулистон. Лекин унда диплом йўқ. Тез-тез юрганида ҳам, беморни даволатганда ҳам лаби одатдагидек

пичирлайди. «Ҳар биримизни асрайлик, яхшилик қилишга шошилайлик».

Барчага маълумки, талабалар одатда гастрит касаллигига мубтало бўладилар, чунки вақтида овқатланмайдилар, гоҳида овқат учун пуллари йўқ, очнахор юрадилар. Секин-аста бу гастрит ошқозон ёки 12 бармоқли ичак яраси касаллигига айланади ва беморга қаттиқ азоб бера бошлайди. Бу азобдан қутулишнинг бирдан-бир йўли жаррохнинг тифидан даво топиш. Ҳархил дори дармонлар ва уколлар мавжуд бўлса-да, улар вақтингчалик даво хисобланади. Яна уч-тўрт ойдан сунг касаллик яна хуруж қила бошлайди. Чора тополмасангиз, алалоқибат операция столига ётасиз.

1990 йил биринчи стационарда даволанаман. Ўн икки бармоқли ичагимда яра бор экан, Япон аппаратида текшириб шундай ташхис қўйишган. Аввал Ҳудо, қолаверса, шу табиб ёрдамида, турли хил шифобахш гиёҳлар асосида, дардимга даво топдим. Узоқ йили бир киши билан сұхбатлашганимда, у ўттиз йил давомида ўн икки бармоқли ичак яраси хасталиги билан оғриганини айтди, врачлар бу дардни операциясиз даволаб бўлмаслигини такрор-такрор таъкидлаганлар. Муолажалар эса кор қилмаган. Кунлардан бирида бир табиб арпабодиёндан ичимлик тайёрлаб, унга тавсия қилган. Шу-шу, бу инсон хам ўттиз йиллик касалликдан қутилган. Айтмоқчиманки, ихлос халосдир. Қўли енгил табиблар хам беморларга малхам бўлишни исташади. Бундайларни фақат қўллаб қувватлаш ва шароит яратиб бериш керак. Ана шунда касаллик билан оғриганлар камаяди.

ОНАИЗОР...

Онадек улуғ зот бўлмайди. Ҳар бир фарзанд ўз онаси олдида бир умрга қарздордир. Унинг сен учун чеккан

дардининг бир кунига онангни кўтариб, Маккаи Муккамага олиб бориб зиёрат қилдириб келсанг ҳам қарзингни уза ололмайсан. Шунинг учун Ҳадиси шарифда аввал онангни хурмат қил, яна онангни ва яна онангни деб уч бора таъкидланган. Оналарни эъзозлаганлар азиз бўлгайлар. Айтишларича, онамнинг киндик соchlari Маккага бувалари билан бирга кўмилган экан. Онамнинг исмлари Ҳожия бонудир, улар Хопискуйки маҳалласи (Чифатой ва Сағбон кўчаларининг ўртаси)да 1910 йили дунёга келган. Ёшлиқ даврлари қандай ўтганлигини билмайман. Ҳар холда ўзига тўқ ҳонадоннинг тұнғич қизи бўлган. Балоғатга еттач амакиларининг ўғилларига узатилган ва 1931 йилда кўзи ёриб Баҳтия исмли қиз дунёга келган. Тахминан 29-30 йилларда турмушга чиққан бўлсалар керак. Айтишларича, турмуш ўртоғига унчалик кўнгли бўлмаган ва, шунинг учун бўлса керак, тез орада ажралиб кетишган. Кўп ўтмай чақчимонлик Алимжонбойнинг (Аслида Олимжон) набираси Қодир бойваччанинг ўғели отам Муқаддир (1907 йили туғилган) онамни куриб қолиб, ошику-бекарор бўлиб қолади. Онам хақиқатан гўзал ва нозик табиатли, саронжом-саришта, ибо-хаёли фаришта аёл эди. Хушбўй гул хидини яхши кўрар, шунинг учун йиллар давомида ҳовлимиизда турли-туман анвойи гуллар экилган бўларди. Ҳаттоқи, «ўлсам ҳамма ёғимга атир сепинглар ва гул билан қўминглар» дердилар. Қизиқ одатлари бор эди, ухласалар қаттиқ пинакка кетар ва шу боис «Отам тирилиб келса ҳам мени уйғотманглар» деб тайинлардилар. Ошиқи бекарор бўлган Муқаддирбойвачча уйидаги хотиннинг жавоби ни бериб, 1932 йилда ойим билан аҳду паймон қилган. Отам ва онам оила куриб баҳтиёр яшашган. Ширин турмушлари давомида кетма-кет 5 фарзанд дунёга келган. Қийинчиликларга қарамасдан, чайлада яшаб туриб, уй

қуришган. Мол-ҳоллик бўлишган. Эшишимча, падари бузрукворим 4-5 йил давомида бошқа вилоятларда онамнинг тօғалари билан бирга (Боғдод туманида) ишлаб ҳам келган. Болалик хотираларимни жамлашга ҳаракат киламан. Чайлада бешикда ётганимни кўз олдимга келтираман. Онамнинг аллалари қулогимга чалинади. Чайланинг ҳиди эса димогимга урилади, яхши ашула айтар эдилар. Отам ҳам келишган, қўркам инсон бўлган. Кечкурун ишдан қайтаётганларида кўчанинг бошидан ашулани батанг қўйиб келар экан. Хуштори ҳам йўқ эмасди. У кишини бир хўжанинг қизи Муҳаббат яхши кўриб қолганини эшигганман. Онам ҳам анойилардан эмас эди. Ўша боёқушнинг боплаб таъзирини берган бўлсалар, ажаб эмас. 1943 йилнинг қишида отамни онам, тоғам, опам ва мен фронтга кузатганимиз. Аскарлар вагонларга чиқиб ўтирганларида, отам тиззасига қўйиб, мени майин эркалагани ва рўмолча олиб кўз ёшини артгани кечагидек кўз ўнгимда. Кучофидан олиб, мени онамга узатдилар. Поезд тебраниб, ўрнидан қўзғалди. Отам дийдорига тўймай қолдим. Бутун умр у кишини соғиниб яшадим, кутиб яшадим. Қора хат келганда унинг ҳалок бўлганига ишонмадим. Болалигимда ўксирдим, унсиз йиғлардим. Ҳали хануз у нима ва ким учун қўлига курол олиб машъум урушга кетди ва нега мавхум бир Ватан - Молдавиянинг чекка қишлоғида жон берди, деб савол бераман. Бу жумбоқ бир умр калбимни ўртаб яшайди. Эвоҳ, неча миллионлаб норасида болалар етим қолди. Жумладан биз 5 бола етим ва онам 34 ёшида бева қолди. Эсимда, уруш охирлаган замонларда маҳалламизга лўли-фолбинлар келар ва улар отам тўғрисида фол очар эди. Бечора онам фолбинларга ишониб, то охирги нафасигача отамни тириқ ва у ҳали замон келиб колади деб кутиб яшадилар. Қора катни ўқиганимда этларим

жимиirlаб кетганди. Күзларимда эса ёш қотиб қолди. Ўлганлар қайтмайди, лекин уларнинг руҳлари доим биз билан.

Онам бадавлат одамнинг қизи, қўлини совуқ сувга урмаган, хеч бир ҳунари йўқ аёл эди. Эсимда, қийинчиликларни яшира билганди. Бир бошидан уйдаги кимматбаҳо буюмларни сотдилар. Ахир, жўжабирдай жонни боқиши осон эмасди. У пайтда тиллатакинчоклар, зар-парларнинг нархи ҳам тушиб кетган, дурмарваридларга бор-йуғи 5-10 кило ун ёки гуруч бериларди. Тилла-бриллиант зирақ, билакузуклардан кейин, гал кўрпа-кўрпачаларга келди. Деворга осилган гулпардалар ҳам пулланди. Боз устига кимсан бойвачча бўлмиш Тошпӯлат заргар бувам ҳам камбағаллашиб қолган. Онам боёқуш маҳалладаги хотинларга кўшилиб фронт учун кўрпалар кавий бошладилар. Мен 4-5 яшар гудак кўрпанинг уёқ, бу ёғини ушлаб туриб, онажонимга тикувбичув ишларига кўмаклашардим. Вақт ўтиб онам қўшнимиз Ҳакима опа билан фуфайка тикишини ўрганишиди. Бир амаллаб битта Зингер машинаси (эски) сотиб олдик. Ана энди она-бола фуфайка тикиб, Хости имом бозорига олиб бориб, пуллаб кун кўра бошладик. Онамнинг ўнг қўлларига-дастёрларига айландим. Улар машинанинг қулоғини айлантирадилар, мен эсам фуфайканинг ҳар хил бўлакларини тикаётганда чок тўгри чиқиши учун тортиб турман. Чунки машина эски бўлганлиги учун ўзи чиқармайди. Бахтия опам айни пайтда колхўзда ишлайди ва уни 1950 йили битта чит кўйлак билан турмушга узатдик. Фуфайка тикиб сотиш 1954 йилгача давом этди. Сунгра оқ қаламинкадан, жужундан костюм-шим қилиб, сотишга ўтдик. Бу ҳам кўп фойда келтирмади. Онам қўшнимиз, яъни бир кеннойи ёрдамида аёллар учун чиройли либослар тикишини

ўргандилар. Уйимизга ёш кизлар, келинлар ул-бул юмуш билан оқиб келадиган бўлиб қолди. Ён қўшниларимиз Обид ака, Маҳсуд ака ва маҳалладаги бошқа аёллар Қозоғистоннинг Абай бозорига қатнаб говуқ-хуроз, қўлда тайёрланган сариёғ, творог, тухум олиб келиб сота бошлишди. Онам ҳам акам билан бирга шу ишга қўл урдилар. Сергей деган шофёрнинг юк автомобили бўлар, уни кира қилишиб, маҳалла «бизнесменлари» Абай бозорига бориб кўтарага нарса сотиб олиб келишар, эртасига Чорсу бозорига олиб бориб қимматроққа сотишар эди. Савдо-сотиқ биз ака-ука институтга киришимизга қадар, яъни 1957 йилнинг қузигача чўзилди. Талабалик насиб этгач, онамизнинг савдогарлик қилиши эриш туюла бошлади. «Бошқа бозорга тушмайсиз» деб шарт қўйдик бирваракайига. Шундай бўлди ҳам. Сабртоқат билан стипендияга яшадик. Биз ака-укалар бир вақтда яъни 1962 йили институтни тугатдик. Акам Қарағандага ишга кетди. Мен эса Тошкент политехника институтининг «Автомобиллар» кафедрасига ассистент бўлиб ишга қабул қилиндим. Акамнинг ёши улғайиб боргани сари уни уйлантириш тўғрисида бош қотира бошладик. Этак-этак муаммоларнинг поёни йўқ. Дастрраб бир амаллаб укам (ошна-оғайнилар, кўни-қўшнилар билан биргаллашиб, хашар килиб) бир хонали иморат даҳлизи билан солдик. Уй битгандан сўнг қўшнилар (аёллар) чиқиб «уйни осмондан тушириб қўйдингларми?» деб савол берганлари эсимда. Чунки уни тезда қуриб битказган эдик. 1963 йил кузда акамга, севган қизини олиб бердик. Лекин дидларига қойил бўлганимиз йўқ. чунки онамга нисбатан кеннойим кўп одобсизликлар қилган.

2-октябрда эса Москва автомобил-йўллар институтига педагогик стажировкага йўл олдим. Уйда онам, акам, кеннойим ва синглим колишли. Укам институтга ўқишига

кирган, уни 2-курсдан сүнг ҳарби й хизматта юбориши. Таъкидлаш лозимки, Бизлар қамбағалликда яшаган бўлсак-да, онам фарзандларини мард, ҳалол, тўғри сўз ва мағрур килиб ўстирди. оқ ювиб, оқ тараб, ҳар дам қўллаб-кувватлаб турди. Этимиз меҳнатда қотди. Доимо илм чўққиларига интилдик. Онам фарзандлари билан фахрланарди, чунки биз ўқиган олий даргоҳларнинг раҳбарияти билимга чанқоқ фарзандлар тарбиялагани учун у кишига доимо раҳмат айтарди. Ҳар доим сессия пайтида бизларни имтиҳон топ шириб келишимизни интиклик билан кутиб, ҳатто чой ичмай ўтирас, эшикдан очиқ чехра билан «беш» деб қелсак, юзларидан қуёш нурлари тараплар, хурсандлиги терисига сифмай кетар эди. Раҳматли бизга эътиборли ва мөхрибон эди. Сизга айтсан, мени 1-синфдан 10-синфгача бўлган барча дафтарларимни тартиб билан даста-даста килиб кутига солиб кўйган. Бундан ташқари, фанларни ўзлаштиришимизни ҳам қузатиб борарди. Дафтарларим солинган қутилар 1971 йили уйни рухсатсиз бузишганида, тупроқ остида колиб кетди. Аспирантурада ўқиб юрган давримда (1963 й. октябр-1969 й. январ) онам бир неча марта қўргани Москвага борди. Онам Москвага мошни тозалаб «посилка» қиларди?! (Чунки, мошкичирни яхши кўраман). Каминани еруқўкка ишонмас ва барча ишларини мен билан маслаҳатлашиб қилгувчи эди. Тўй бўладими, бошқа муҳим ишларми - ҳамма-ҳаммасини фикрлашиб, амалга оширадик. Эсимда, синглимни қўлини сўраб, совчи келганда олдимдан ўтиш учун боёқишлиарни Москвагача юборганлар. Совчилар ҳам бегона эмас, ўзимнинг амаким ва поччам. Демоқчиман ки, волидам оқила ва зукко, доно, етти ўлчаб бир кесувчи эди.

Москвадан туриб фикри-зикрим онамга ёрдам беришда. Пешона тери ва стипендиям ҳисобига онамга

чиroyли гилам ёки болония плашлари юборардим. У эса қариндош-уруг, кўни-кўшинарга сотиб, синглимга сарпо тайёрлар эди. Қисман, мен ҳам «тадбикоркор»лик билан шуғулланганман. 1964 йили синглимни узатдик. Узокка Эмас, аммамга келин бўлиб тушди. Отамнинг рухлари шод бўлсин. Қариндош билан куда-анде тутиндик. Укам ҳам хизматдан келди.

1969 йили февралда Москвадан аспирантурани Битириб, Тошкентга кайтдим ва қадрдан кафелрада ўзишимни давом эттирудим. 1969 йили ёзда Москвага бориб, номзодлик диссертациямни ҳимоя қилиб келдим. Бўлгуси ёrim эса мендан бир ҳафта кейин диссертациясини ҳимоя қилиди. Онам мени уйлантириш учун тўй тарааддудига тушиб колди. Келин танлаш бошланди. Бир неча дугоналарининг бўйи етган қизи бор. Бош иргитсам-эртасига тўй. Лекин мен навқирон йигит, факат севган қизимга уйланишга аҳд килганман. Онам эса каршилар, аммамга эса севгилим ёқиб тушди. Қаттиқ қаршиликлар билан никоҳ тўйим 1969 йилнинг 25 октябрида бўлиб ўtdи. Янги келин-куёвга уйни бўшатиб, онам укам билан айвонда колишиди. Жуда нокулай аҳвол. Лекин аввалига ҳаммаси яхши кечди. Онам татабчан аёллар, келин ҳам шунга яраша: озода, лекин секинроқ иш қилади. 1970 йилнинг баҳорига келиб келиннинг тили чиқди, бу ерда туроалмаймиз - тор, шаҳарнинг ўргасидаги 2 хоналик квартирамиз бўш ётилти, ўшанга кўчиб ўтайлик деб туриб олди. Ҳакикатда ҳам, шундай. Лекин онамнинг ғурури бунга изн бермади. «Ич куёв, кучук куёв» - бўлиб борасанми? Уз бошингга ҳам уй битиб колар. Парвардигор атаган яхши кунлар бордир, - деб насиҳат бердилар. Йўқ жойдан баҳона топиб, келин лаш-лӯш, кўч-кўронини кўтариб, онасиникига кетиб қолди. Келиннинг бу қилмишидан қайнона бирам эзилди-ки?! Ахир ким ўз

севикли, меҳрибон, маслаҳатгүй ўғлини бағридан чи қаришни хоҳлайди?! Ўртага совукчилик тушди. Камина ҳам ич күёвликдан ор қиласи. Икки ўт орасида ёнаман. Бу ҳақда ўйлаб, ўйимнинг тагига етолмайман. Жазира маёндай ёзда қиз кўрдик. Қиз бир ёшга тўлса ҳам квартира олишнинг иложи бўлмади. Шаҳар ижроқуми бермоқчи бўлган квартира (Сергели, Чилонзор) келинга ёқмади, чунки масофа узоқ бўлгани учун буйраги дўш бермас эмиш. Ва, ниҳоят, 1971 йили Қора-Қамиш 2/4 дан ТошПИ ректори (академик Уразбоев М.Т.) бизга 3 хоналик квартира берди. Қувонишнинг ўрнига фифони фаллақка етди. Яна баҳона. Бу квартира ҳам узоқ эмиш. Она ва мен шу квартирага кўчиб ўтдик. Чунки 1971 йилнинг кузидаги ҳовлимиз бузилгандан сўнг айрим-айрим 3 та квартира ажратиб беришди. Уларнинг бирида акам болалари билан, синглим оиласи билан, укам онам билан яшарди. 1971 йилда укамни уйлантирдик. Онам кўпинча укамнинг оиласи билан турар эди. Онам ўз набираларини жуда яхши кўрар ва тарбиялашга катта хисса кўшганлар: булар Бахтия опамнинг ўғиллари Ҳабибулла ва Шукрулло. Булар бизнинг ўйимизда яшаб, тарбия топган. Синглим Мұҳаббатнинг қизи Гули ҳам бизницида улгайган.

Яна бир хислатлари: онам семурғ қуш каби, барча болаларини палопонлардек қанотлари остида олиб юришни яхши кўрар эдилар. Агар улар айрим-айрим турса, гуёки бирон кор-хол бўлиб қоладигандай. Бу хислат 5 болани ёлғиз ўзлари, отасиз тарбиялаганлари туфайли пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас. Бу фазилат ҳамма оналарда ҳам бўлмайди. Лекин бу хусусият ўжар келинларга ёқмайди. Аксарият, келинпошшолар куёв тўраларни олсалар-да, қанот чиқариб учиб кетсалар. Уларга бошқа ҳеч ким керак эмас.

Тошкентнинг қок марказидан квартира гаплашиб олиб беришга таниш-билишларнинг қурби етмади. Гоҳида қизимни олиб келиб, янги квартирада тураман. Онам келиб болага қарайдилар. Келин эса ўз сўзида туриб олган, инсофга кирмайди. Ёзда З ёшли қизалогимни Қора дengизга олиб бориб даволатаман, у ерга турмуш ўртоғим ҳам боради. Ўша ерда яна унинг висолига етаман. 1974 йилнинг баҳорида Москвада иккинчи қизим тугилди. Хотиним буйраги оғриғанлиги учун уни врачлар билан келишиб, Москвадаги клиникага ётқиздим. Қизим Ойдин дунёга келишидан 2 кун олдин Москвага бордим. Афсуски, чақолоқни «кесарево» қилиб олишди. Оллоҳга шукурки, она-бала соғ омон. Аммо онаси роса кийналгани учун бир ойдан ортиқ яхшилаб даволанишга тўғри келди. Тошкентта келгандан сўнг маълум муддат Қора Қамишда турдик. Онамнинг кайфиятлари кўтарилди. Оғир хасталикка учраган бўлишларига қарамасдан полапонлари учун елиб югурадилар. Лекин келиннинг мақсади битта - марказга қўчиб ўтиш. Бу мақсадга 1977 йил март ойида етдик. Қайнонам турадиган квартира ёнида 2 хоналик квартира бўшади. Вазир муовини, дўстим Мухсим ака Фозиев шахар ижроқўмининг раисига илтимос килиб, З хоналик квартирани 2 хоналик квартирага зўрга алмаштиришга кўндирилар. Шу йил феврал ойида мен Ессентукига дам олишга кетдим. Афсуски, онам янги келиндан аразлаб, қишида укалариникига (Комил тоғам) чиқиб кетадилар. Қайтиб келсан тоблари йўқ. Врачга дарҳол ҳабар бердим ва у беморни куриб бошини чайқади. Юрагим оркага тортиб кетди. Бош қимирлатиб, ахволлари оғир деди, томогимга нимадир тиқилиб қолди. Онам менинг қувончим ва борлигим эди. Усиз бу ёруғ оламни тасаввур қилолмасдим. Уларни синглимникига олиб бориб қўйдим. 2-3 ой уницида турдилар. Менинига олиб кела

олмайман, чунки Қора-қамишдаги квартира ҳам қўлдан кетган. Янгисини эса тамомила таъмирлаш лозим. Унинг хужжатлари ҳам қанча баҳслардан сўнг май ойида қўлга тегди. Онаизорим 1977 йилнинг 22 июнида дунёдан кўз юмдилар. Мен уларнинг кундан-кун сўниб бораётганларини кўриб ич-ичимни еб бўлдим. Улар жон беришдан олдин менга термулиб сўзлаган гаплари ҳамон кўз ўнгимда ва қулогимда жаранглайди. Пешонага ёзилгани бўларкан, онамни бериб қўйдик. Афсуски, суюкли ўғли ва келини билан роҳат қилиб яшай олмади.

Бизларни ҳам она, ҳам ота бўлиб бокдилар, тарбия бердилар, ҳақиқатгўй ва тўғри сўз қилиб ўстирдилар. Илмли бўлишимизда уларнинг хизматлари бекиёсдир. Менга қийин бўлган даврларда тушимга кириб чиқадилар. Ҳамма нарсадан оғоҳлар. Жойингиз жаннатда бўлсин, Онажон!

ШАЖАРА ДАРАХТИ

Асслиқ наслдандир дейишади. Амир Темур ҳазратлари насл-насабини билиб, авлодига баҳо берганлар. Ҳар бир инсон ўзбекчиликда ўз шажараси, етти-пуштини билиши лозим бўлган. Мен ҳам аждодларим ҳақида оз-моз ёзишни лозим топдим.

Катта бобом Алимжонбой Тошкентнинг энг катта бойларидан бўлган дейишади ва Чакчмонда 2 қаватли уйда яшаган. Бобомнинг 500 гектарлаб ерлари бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, XIX асрда бу ерларда асосан ғалла ва пахта экилган. Эшитишимча, Алимжонбом ўғиллари Раҳимбой, Тўхтабой, Қодирбой, Абдуллабойларга топган тутган тилла-зарларини санаб эмас, қор қурайдиган куракда таксимлаб берган экан. У киши нафақат йирик давлатманд, шу билан бирга донишманд ҳам бўлган.

Чақчмон Шайхантохур даҳасига қарашли бўлган. Тарихчи Мухаммад Солиқнинг «Тарихи Жадидаий Тошкент» асарида ёзилишича, Шайхантохур даҳасида 48 маҳалла, 6 масжид ва 3 та мадраса бўлган. Аҳолиси дехқончилик ва ҳунармадчилик билан шуғулланган. Албатта, Алимжонбой XIX асрда даҳанинг обру-эътиборли кишиларидан бири бўлган бўлсалар ажаб эмас.

Бувамнинг боғ-роғлари боғи Эрамни эслатарди. Поёнсиз олмазор, нокзор, ўрикзор, беҳизор, шафтолизор, анжирзор, узумзорлар бир чиройли гуллардики, гўзалликни кўриб баҳри дилингиз очиларди. Гулзор билан куршалган фирдавсмонанд бу гўшада мевали дараҳтларнинг хилма хил туридан бор эди. Зарғалок шафтолилар нак тилни ёради. Богга гўзал ҳовузлар ҳам кўрқ бағишларди. Иккинчи жаҳон уруши даврида боғ кўпчиликнинг жонига аро кирди. Исми шарифини аник айта олмайманку, аммо кўп маҳалладошларимни унинг меваси очарчиликдан, саклаб қолганини эшитганман. Ўша замонлар боғимизга шуро одамлари келиб, хил-хил пишган меваларни дараҳтлардан узиб, яшикларга жойлаган ҳолда олиб кетарди.

Бизнинг оиласа ерга тушганлари ҳам етиб ортарди. Бир воқеани эсласам кулгим келади, ишонасизми, ўзимизнинг боқка ўзимиз ўғирликка тушардик.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, шаҳар бойлари вакти-вақти билан йиғилиб туриб, ёшларни Германияга ўқишга юборишни маслаҳат қилишган ва бу хайрли ишга ҳомийлик ҳам килишган. Йиғилишлардан бири жадидлар раҳномаси Мунавварқори Абдурашидхоновникида булиб ўтган Қодирбойвачча ҳам ушбу савобли ишга ҳисса күшган булиши мумкин.

Октябр тўнтаришидан сўнг бойлар сиқувга олина бошлади. Уларнинг мол-мулки тортиб олиниб, ишчи

дәхқонларга берила бошланди. «Йўксиллар дохийси» ташаббуси билан обрў-эътиборли бўйлар бадном килиниб, «кулок» сифатида Сибирга сургун этилди. Мол-дунёку кетар, жонни асраш ҳам катта гап бўлиб қолди. Бувам қулоқ бўлмаслик учун топган-тутган дунёсини ўз ихтиёри билан Москвага бориб НКВД шотирларига топшириб юборди.

Тўхтабойвачча ҳам ўз даврининг үқимишли, зиёли инсонларидан бўлган. Эски жувада масжид, собиқ Свердлов номли концерт зали ва «Шарқ» меҳмонхонасини ушбу инсон барпо этган. Тўхтабойвачча бадавлат бўлиши билан бирга раҳмдил ва инсофли ҳам бўлган. XIX асрнинг охиrlарида бойлар ичидаги «мода» турага кирган қушотли конкада юрган. Қодирбобом ҳам Шайҳонтохур даҳасида, қолаверса, Тошкент шаҳрининг нуғузли бойларидан саналган. XX асрнинг 30 йилларида унинг беш юз гектар ер мулки бўлган. Маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг бошида Тошкентлик бойлар асосан пахта хом-ашёси етиштиришган.

Узун қиши кечалари ўз боғимиздан ўғирлаб чикқан меваларни ва ёнгогу-туршакларни патнисга қўйиб мазза қилиб ер эдик. Бу ўғирликка кирмаса керак, назаримда, чунки бувам бизлар учун экканлар, лекин эгалари бошқалар бўлиб чиқди. Мана, қўкларга кўтариб мақталган чиркин совет тузумининг зўровонлигига оддий мисол: куппа-кундуз куни одамларни Бир умр йиккан мол-дунёларидан жудо қилиб кафангадо қилганлигига нима дейсиз? Бундай тузумга минг лаънат! Одам атодан бошлаб, меҳнат килган, тадбиркор бўлган инсонлар яхши яшаган, кўнглида Оллоҳ, қули меҳнатда бўлган инсонлар хеч қачон ҳор бўлмаган. Демокчиманки, ота - боболарим тадбиркор ва меҳнатсеварлиги учун анча-мунча бойликка эга

Бүлишган ва камбағалларга доимо закот беришганини биламан.

Она томонидан бувам тиллафурууш заргар бүлгәнлар. Үзларига түк ва каттагина оила бүлишган. Тоғаларим үқимишли педагог инсонлар бүлишган. Тошпұлат бувамнинг бириңчи хотинлари (афсуски исмларини билмайман) менинг онамнинг оналари бевақт вафот эттан, шунинг учун бувамга үлган хотинларининг сингилларини, яъни 13 яшар кизни олиб беришган (одат шундай эди) ва кейинги холам ва тоғаларим Махсума бувимнинг фарзандлари. Демоқчиманки, онам, сингиллари ва укаларининг оналари бошка, лекин оталари бирдир. Лекин, бутун умр бирон бир даврада бу тұғрида очиқ гап бүлганини эслай олмайман. Онам вафот этгандаридан сұнг бу гаплар қулоғимга чалинган. Онам ҳам үз қариндошларига узатылғанлар. Құп үтмай қызы фарзанд Бахтия опам туғилған. Қандайдыр сабабларга құра онам бириңчи турмуш үртоқлари билан ажралиб кетишиган. Сұнг онамни отам Мұқаддир құриб, яхши құриб қолади ва үз хотинини қўйиб юбориб, қизи бүлса ҳам ойимга уйланадилар ва колхўздаги үйдан бошқа жой олиб кўчиб чиқиб кетади. Отам ўзбошимчалик билан оила кургани учун таъзирини еган, лоақал оиласи томонидан үйига на гилам, на идиш-товоқ ҳам берилған. Лекин онам томонидан келган мол-хол, бриллиант, дур, олтин такинчокларни яхши эстайман. Олтину-жавохирларнинг ҳаммаси уруш даврида унга ва бошқа нарсаларга атиштирилганининг гувохиман. Онам жуда ғұзал аёл бүлгәнлар. Бундай аёлни фақат бахтли йигигтина севиши мумкин. Онамиздан яна 5 бола туғилған, икки қызы ва уч үғил. Афсуски, Собира номли опам ёшлігіда касалланиб вафот этади. Кейин акам Анвар, сұнгра мен, кейин синглим Гулнора ва укам Марвар дунёга келишади.

Қодиров Сарвар
«Мустақиллик масъулияти»
Оммабо публицистик нашр

Тұлаб, нацрга та йёрлоғчы: Шерхон Қораев
Мұхаррір: Сайди Умиров
Техник мұхаррір: Иброҳим Ҳабибуллаев

Босишига 16.04.2004 рухсат этилди
Ұлчами 60×84 1/₁₆
Босма табори Адади 1000 нусха
Бағос и келишилган нархда
Бүйортма№ 108-в

ТАЙИ Нашриёти
Тошкеңт, Мөвароуннахр, 20.

МУНДАРИЖА

I БОБ

Мустакиллик ва маънавият.....	3
Ватған мустакиллиги-Олий неъматдир.....	3
Ёруғ манзиллар сари.....	5
Меҳр-мурувват йили муборак бўлсин.....	7
Истиқболга элтувчи илм.....	10
Маънавият сарчашмалари.....	15
Олимлик машакқатларидан муалифлик ҳуқуқигача...	22
Эрк ва истиқбол таянчи.....	32
Қонунчилик-давлатнинг куч-кудратидир.....	37
Бир оннинг баҳосини ўлчамоқ учун.....	41
Дин ва аҳлоқ.....	44
Хиндишон мўжизалари.....	47
Мисқоллаб йигилган тажриба.....	63
Сафар ва соғинч.....	73
Аёл зоти.....	73

II БОБ

Ҳаёт мактаби.....	77
Хўжапархондан тараған зиё нурлари.....	77
Ҳақиқатнинг синмас билаклари.....	80
1 август-си нов.....	87
Тузоқ.....	89
Синфдаги улфатлар.....	91
Ҳаётдаги устозим.....	95
Яхшилик қилишга шошилинг.....	105
Онаизор.....	108
Шажара дарахта.....	117

Бир нарсани аник айта оламанки, умр бўйи боболарим, ота-онам билан фахрланиб юраман. Томиримда бой (ҳам маънавий, ҳам иктисадий) инсонларнинг қони оқаётганлиги қўксимни тоғ этади. Шу боис бўлса кераккни, менда ҳеч қачон бирорга нисбатан «қуролмаслик», ҳасад деган туйғу бўлмаган, яъни у дўстим бу даражага эришди мен эришмадим, деган хаёлга ҳам бормаганман. Яна бир хусусият - лаганбардорлик асло қонимда йўқ. Яна бир хусусият- мол-дунёга ҳирс қўймадим!

Ҳеч кимдан кам жойим йўқ. Маънавий жиҳатдан жуда ҳам бойман. Маошим оила тебратишга етади. Оллоҳга минг шукрки, фарзандларим ва шогирдларим бор. Шу кунгача қандай даражага ва унвонларга эришган бўлсан, ҳаммаси тинмай қилган ҳалол меҳнатим ва илм туфайли. Ҳалқим назарида обрў ва эъзоз топдим. Ўз ўрнимга эга бўлдим. Шунинг ўзиёқ менга қувонч ва умр баҳш этади.

10
7AII